

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Б.И. ИСМАИЛОВ

ЮРИСТНИНГ КАСБИЙ ЭТИКАСИ



Исмаилов Б.И. Юристнинг касбий этикаси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-188 б.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Илмий кенгаши томонидан 2019 йил 29 март нашрга тавсия этилган (З-сон баённома).

Кўлланма Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг “Юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун жавобгарлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” ПЗ-20170928486-сон гранти асосида тайёрланган.

Мазкур ўқув қўлланмада юристнинг касбий этикаси курсининг предмети, мақсади ва вазифалари, умумий этиканинг асослари, одоб-ахлоқнинг тушунчаси ва моҳияти, одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳақидаги қонунчиликнинг ахлоқий асослари, жиноят-протессуал исботлашнинг ахлоқий асослари, одил судловни амалга оширишнинг ахлоқий асослари, айrim тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг этик ва ахлоқий асослари, суд музокарасининг этик ва ахлоқий асослари, айrim юридик касб вакиллари фаолиятининг ахлоқий асослари, юристнинг касбий фаолиятидаги этикети каби мавзулар атрофлича кенг ёритилган. Ўқув қўлланма бўйича лозим бўлган адабиётлар, қонунлар, норматив ҳужжатлар ва маҳсус адабиётлар тизимида берилган.

Ўқув қўлланмада юридик олий ўқув юрти талабаларига, тадқиқотчилар ва амалиёт ходимларига, юристнинг касб этикаси масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Тақризчилар: ю.ф.д. Маматов Х.Т.  
ю.ф.д. Селиманова С.М.**

# Мундарижа

КИРИШ .....	4
I-БОБ. ЮРИСТНИНГ КАСБ ЭТИКА ИНСТИТУТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, КАТЕГОРИЯЛАРИ ҲАМДА ПРИНЦИПЛАРИ.....	7
§ 1.1. Касб этика институтининг пайдо бўлиши.....	7
§ 1.2. Умумисоний касбий этика нормалари тушунчалари ҳамда умумисоний ахлоқга зид иллатларга қарши курашнинг йўналишлари .....	12
§ 1.3. Умумисоний касб этикаси принциплари .....	17
§ 1.4. Юристнинг касб этикаси институтининг тузилиши, категориялари ва вазифалари .....	19
§ 1.5. Юристнинг фаолиятида муомала маданиятининг асосий шакллари, этик низолар турлари ва шакллари .....	24
II-БОБ. ЮРИСТЛАРНИНГ СОҲАВИЙ КАСБ ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ.....	27
§ 2.1. Юристларнинг соҳавиий касб этика қоидалари ва уларга оид халқаро стандартлар тизими шаклланиши .....	27
§ 2.2. Прокуратура органлари Касб одобномаси талаблари.....	31
§ 2.3. Суд этикаси моҳияти ва аҳамияти .....	38
§ 2.4. Ўзбекистон Республикаси Судъялар Олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОҚҚ–490-Ш-сонли қарори билан Судъяларнинг Одоб-ахлоқ кодекси мазмуни ва моҳияти .....	46
§ 2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 2 март куни қабул қилинган 62-сонли қарори талаблари .....	51
§ 2.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси қоидалари мазмуни ва моҳияти.....	55
§ 2.7. Ички ишлар органлари ходимларининг касб этикасига оид талаблар.....	62
§ 2.8. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ҳодимимлари касб этикаси талаблари .....	65
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>69</b>

## КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонда кечеётган жамиятнинг янгиланиш ҳамда давлат бошқарувини модернизациялаштириш, мамлакатимизни жаҳон тараққиётининг юқори босқичлари томон юксалтириш тақдирин кўп жиҳатдан маънавиятга боғлиқ.

Бу ҳар бир соҳанинг ўзига хос касбий хусусиятлари, талаблари қонун ва қоидалари мавжудлигидан далолат беради. Демак, ҳуқуқ-тартибот, суд-хуқуқ тизими соҳасининг ҳам ўзига хос ахлоқ қоидалари мавжудлиги – бор ҳақиқатдир. Юристнинг касбий фаолияти ўта масъулиятли ва оғир касб соҳаларидан биридир. Бунинг сабаби – Ушбу соҳа вакиллари ўта масъулиятли ишни - инсон тақдирни билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга баҳо бериш, давлат ва жамият манфатларининг устуворлигини таъминлаш билан шуғуланишади.ар экан, Ҳуқуқшунослик соҳаси вакилларига юксак маънавий талаблар қўйилиши учун таъминлашади.ар экан, Ҳуқуқшунослик соҳаси вакилларига юксак маънавий фазилатларни эгаллашни талаб этиб, уларнинг фаолиятини ган бўлишилиги давлат ва ҳокимият обрўйи, жамиятни янгилаш ва замонавийлаштиришга қаратилган сиёсат тақдирни билан боғлайди. иқдир.

Юристнинг касб этикасига бўлган эҳтиёжи асосан уч омил, аниқроғи - сабаб билан боғлиқ:

**Биринчидан**, танланган дунёвий тараққиёт йўлимиз, - ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Бу эса, жамият аъзоларининг ахлоқий ҳолатига, маънавий маданияти даражасига узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти фақат юксак ахлоқий фазилатлар шаклланган, қарор топган ва амал қилаётган ижтимоий муҳитда мавжуд бўлади.

Ахлоқий тушунча ва тамойилларнинг, яъни хусусан тамойилларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти шундаки, улар киши маънавий фаолиятининг ички дунёсининг турли қўринишларини (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, оиласвий ва ҳ.к) идора қиласди. Шу боис кишилар онгиди юқори даражадаги ахлоқ нормалари, қоидалари ва тамойиллари кишилар онгиди шакллантирилмас экан юқори меҳнат самарадорлигига ҳам, кишилар фаоллигига ҳам, ҳуқуқий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришига асосланган жамиятга ҳам эришиб бўлмайди.

**Иккинчидан**, - ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ахлоққа зид иллатлар (ичкиликбозлик, ўғрилик, гиёҳвандлик, фоҳишбозлик, турли қўринишдаги жиноятчилик) бор жойда қарор топа олмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка асосланган, тенглик тамойили тенглаштириш сиёсатига бўйсундирадиган, шахснинг жамиятдан, хусусан қоидадан бегоналаштирилган жамиятда ахлоққа зид иллатлар кўпайиши учун шарт-шароитлар мавжуд эди. Ҳар бир соҳада давлат монополияси, хусусан тадбиркорлик ва ишбилармонлик нафақат таъқиб билан тақиқланган даврларда - юристнинг касбий аҳволи бузилган эди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни жазолаш воситаси эмас, балки кишиларга тўғри йўл қўрсатиш воситаси сифатида намоён бўлади. бўлишилигини талаб қиласди. Шу боис юристнинг касб этикасини ўрганиш замонавий юрист кадрлар учун асосий маърифий талаблардан биридир.

**Учинчидан**, юристнинг касбий этикасига бўлган эҳтиёж суд-хуқуқ тизими ходимлари фаолиятида кузатилаётган эски тузум иллатларидан тезроқ қутулиш, ходимлар фаолиятида ахлоқ нормаларининг устуворлигини таъминлаш, турли ахлоқий оғишларнинг олдини олиш эҳтиёжи билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 2 март куни қабул қилинган 62-сонли қарори давлатимизда касб этикаси масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан ривожланиш масаласини киритди.

2017 йил 3 январь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги қонунининг 17-моддаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига қаратилган. Унга кўра: “Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради”.

“**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги қонунининг 19-моддаси давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар масаласига қаратилган. Унга кўра: “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга қарши қурашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳукуқбузарликларга йўл қўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг ҳукуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вактида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳукуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равища мониторинг ўтказиш;

норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, вижданан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳукуқбузарлики содир этишдан ёки бундай ҳукуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт”.

**“Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ти қонунининг 21-моддаси манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар масаласига қаратилган. Унга кўра: “Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.**

**Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вактида чоралар кўриши шарт.**

Давлат органларининг маҳсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади”.

Юқоридагилар касб этика институтининг долзарблигини кўрсатмоқда.

Юристнинг касб этикаси бошқа касбий фаолият соҳалари (тиббиёт, журналистика, дипломатия,

тадбиркорлик ва ҳ.к.) талабларидан ташқари фақат шу соҳа вакилларига хос ахлоқий талабларни (тергов материалларини судгача сир тутиш, ходимларнинг бир-бирларининг ишларига аралашмаслиги, юқори ваколатли ходимларнинг (прокуратура ходимларининг) адолатни қарор топтирувчи ходимга (судьяга) ўз ҳукмини ўтказишга уринмаслиги ва ҳ.к.) ҳам мавжудлиги билан фарқланади.

**Юристнинг касб этикаси курсининг обьекти** – жамият ва шахс ҳаётида кузатиладиган ахлоққа зид иллатлардир.

**Юристнинг касб этикаси курсининг предмети** эса юқорида таъкидлаб ўтилганидек юристнинг касбий фаолияти ва бурчига садоқатли бўлиши учун муҳим ва зарур бўлган ахлоқ нормаларини, тамойилларини ва қоидаларини ўрганишdir.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳалқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси тушади. Бу вазифани самарали уддалаш учун суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз сафларини сиёсий жиҳатдан етук ва вижданан пок, адолатпарвар, қатъиятли кадрлар билан тўлдириб бориши ҳамда маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тозалаб туриши лозим бўлади. Юристнинг касб этикаси фанининг мақсади суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга меҳнаткаш, сиёсий жиҳатдан етук, малакали кадрларни тайёрлаш билан боғлик. Бунинг учун улар даставвал ахлоқ категориялари, тамойиллари, қонун-қоидалари ва талаблари ҳақида дастлабки тасаввурларга эга бўлишилглари лозим.

**І-БОБ.  
ЮРИСТНИНГ КАСБ ЭТИКА ИНСТИТУТИНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ, АСОСИЙ  
ТУШУНЧАЛАРИ, КАТЕГОРИЯЛАРИ ҲАМДА ПРИНЦИПЛАРИ**

**§ 1.1. Касб этика институтининг пайдо бўлиши**

“Этика” сўзи қадимий юонча «этос» (etos) сўзидан келиб чиқсан бўлиб, **уй, биргаликдаги яшаш макони**, инсонларнинг турар жойи маъноларини англатади. Кейинчалик бу сўзнинг маъноси одоб, ахлоқ яъни инсон муомаласи доираси ва характеристери ўртасидаги алоқаларни, инсоният сифатининг муҳим белгилари, фазилатлари маъносини билдира бошлаган.



**Этика** – кишиларда одоб-ахлоқ муносабатларининг, тушунчаларнинг, қадриятларнинг, қонуниятларнинг вужудга келишини, уларнинг одамларни бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганади, умумлаштиради.

Этика қулдорлик даври фалсафа илмининг ажralmas бир қисми сифатида вужудга келган, қадимги дунё донишманларидан бўлмиш **Арасту** (милоддан аввалги 384–322 йиллар) томонидан атама сифатида муомалага киритилган. У биринчи бўлиб ахлоқшуносликни руҳшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фалсафий фан сифатида тақдим этган ва уни “Этика” деб номлаган.

**Арасту** ўз даврида мавжуд фанларни таърифларкан, уларни учта гуруҳга ажратади: назарий фанларга фалсафа, математика, физикани; ижодий фанларга санъат, бадиий ҳунармандчиликни; амалий фанларга эса этика ва сиёсатни киритади. Шу тариқа Этика фалсафа доирасидан ажralib чиқади ва мустақил фан сифатида шакллана бошлайди. Ҳозирги вақтда «Этика» ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган фандир.

«Этика» (**ахлоқшунослик**) – ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги фандир. У бошқа ижтимоий фанлар сингари ўз қонунлари ва категорияларига эга бўлиб, улар орқали ўз хуносаларини баён қиласди.



**«Ахлоқ»** сўзи аслида арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларнинг мажмуини акс эттиради.

Жамиятнинг ахлоқий ҳаёти деб кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва хукуқий фаолиятида, оиласида ва кундалик турмушкида юзага келадиган ўзига хос муносабатлари шаклига айтилади.

Ахлоқ тушунчасини икки хил маънода кўриш мумкин: ахлоқ умумий тушунча сифатида этиканинг тадқиқот обьектини англатса, якка тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўринишини англатади.

Хусусан «одоб», «хулқ-атвор» маъноларида ҳам ишлатилади. Аслида «ахлоқ» ва «одоб» тушунчалари бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қиласди.

Ахлоқ тўғрисида Шарқ мутафаккирлари ва давлат арбоблари кўплаб қимматли фикрларни билдирганлар. Улардан **Абу Наср Фаробий** “Фозил одамлар шахри” асарида, **Юсуф Хос Ҳожиб** “Кутадғу билиг” асарида, **Кайковус** “Қобуснома” асарида, **Амур Темур** “Тузуклар”ида, кўплаб асарларида давлат раҳбари, вазирлар, қозилар ахлоқи ҳақида ибратли сўзларни келтирган.

Марказий Осиёда Уйғониш даврининг буюк мутафаккири **Абу Наср Фаробий** “Фозил одамлар шахри” асарида бу шаҳарга ҳоким бўладиган одам шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн икки хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, деган эди.

Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучаси соғ бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалол бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим, деб таъкидлаган.

Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, сухбатдошининг

сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасавур қила олиши зарур.

**Учинчидан**, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўкис сақлаб қолиши, барча тавсилотларини унутмаслиги лозим.

**Тўртингидан**, у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур.

**Бешингидан**, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур.

**Олтинчидан**, у устозлардан таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур.

**Еттингидан**, таом ейишда, ичимликдан очофтат эмас, ўзини тия оладиган бўлиши, (кимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, хузур олишдан узоқ бўлиши зарур.

**Саккизингидан**, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур.

**Тўққизингидан**, у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юкори турувчи, туғма олий ҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур.

**Ўнингидан**, бу дунё молларига, динор ва дирҳамларига қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур.

**Ўн биринчидан**, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибодд ва жабрзулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақиравчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни право кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур.

**Ўн иккинчидан**, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги керак.

Мободо бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлса-ю, аммо донишмандлар бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

**Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри»** асарида жамиятнинг ҳар бир аъзоси мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъи назар, фозил маънавиятли, маърифатли инсондир. Фозил инсон ўз давлатининг қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қиласи, фикрлайди, лозим бўлганда ватани учун жон фидо қиласи, деб баён қилинган.

**Юсуф Ҳожиб “Қутадғу билиг”** (“Қутга, яъни баҳт-саодатга элтувчи билим”, 1069-йилда ёзилган) асарида мансабдор шахсларнинг фазилатлари, уларга бўладиган ахлоқий талабларни баён қилганлар. Жумладан, беклар, яъни мамлакат бошлиғи, вазирлар ҳақида гап юритганлар. Юсуф Ҳожибининг фикрича, бек доно, ботир, шерюрак бўлиши керак. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазакор бўлиши тақозо этилади. Очиқ юзлик бекнинг фазилатларидан бири.

XI асрнинг 82–83-йилларида Ғарбий эрон подшохининг набираси Кайковус ибн Искандар ўз ўғли Гулоншоҳга бағищлаб “Насиҳатнома”сини яратади ва ўша давр анъанасига кўра, уни бобоси подшоҳ Шамс-ул Маолий шарафига “Қобуснома” деб атайди. Ана шу асарда “**Илм талаби ва қозигарлик зикрида**” деб номланган боб бўлиб, унда бўлғуси қозиларга уларнинг ахлоқи қандай бўлиши кераклиги тўғрисида маслаҳатлар берилган. Жумладан, унда қуидаги фикрлар келтирилган. :

“Ҳар киши ҳар ишни қўлга олса, ул ишни яхши билсин ва уни кўп варзиш (яъни машқ, одат) қиласин, токи ул ишдан кўп наф кўргай”.

“Эй фарзанд, агар донишмандликда баланд даражага етиб, қози бўлсанг, оҳиста ва тамкин бўлғил ва тез фаҳм, соҳиби тадбир, пешбин (олдиндан кўрувчи), мардумшунос (одамларни текшира оловчи) ва соҳиби сиёsat бўлғил, ҳар гуруҳнинг урф-одатидин, йўл-йўриғидин хабардор, ҳар қавмнинг мазҳабидин огоҳ бўлғил. Керакдурким, қозилик хийлалари сенга маълум бўлғай. Агар бир вақт бир мазлум олдинга келса, унинг гуноҳи бўлмаса ва зулм этиб, унинг ҳаққи бекор кетар бўлса, ул мазлумнинг фарёдига этгил ва тадбир юзидан ул мустаҳиққа ҳаққин эткурғил”.

Юқорида берилган фикрлардан кўриниб турибдики, қозилар, (яъни ҳозирги кундаги судьялар) донишманд кишилар саналган. Улар барча инсоний фазилатлар эгаси бўлиб, қолган кишиларга ўз

ахлоқлари билан намуна бўлишлари лозим.



**Абу Али ибн Сино** тўғри сўзлаш ва ишлашни, ҳалол меҳнат қилишни, ҳаммага инсоф-адолат билан муомала қилишни, нафсга берилмасликни, олим-фозиллар билан сұхбатлашишни, катталарнинг иззат-хурматларини бажо келтиришни, чин дўстликни, муҳтожларга эҳсон этишини унумасликни ҳамма эзгуликларнинг манбаи, ҳақиқий инсонийлик белгисидир, деган эди.

**Ҳазрат Навоийнинг «Насойим-ул-муҳаббат»** асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона хислат ва фазилатлари батафсил санаб ўтилган. Бу хусусиятлар — ҳалол луқма билан қаноатланиш, шариат қоидаларига риоя этиш, мулоийим тилли, сахий, садоқатли, вафоли бўлишдан иборат.

Шарқ мутафаккирлари ўзига хос Ахлоқ кодексини ишлаб чиқиши асосида инсонпарварлик тўғрисидаги миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Ҳар бир инсон одамлар орасида ўсади, улғаяди, хаёт кечиради, ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ҳар хил тоифадаги қўплаб инсонлар билан мулоқатда бўлади. У инсоннинг ўз кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан келиб чиқади.

Замонавий тушунчада этика бу инсон, жамият ҳаракат фаолиятининг муҳим томонларидан ҳисобланган одоб-ахлоқни ўрганадиган философик фандир. Яъни этика фан сифатида ахлоқни, унинг моҳиятини, табиатини ва тизимини, пайдо бўлиши ва ривожланишини, бошқа ижтимоий муносабатлар орасида тутган ўрнини ўрганади, маълум ахлоқий тизимни назарий асослаб беради.

**А. Шер «Этика» китобида** кўрсатишича, «Одоб-инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Этика эса-жамият, замон инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир».<sup>1</sup>

Этика инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуудир.

▫ Этика ижтимоий ходиса сифатида инсоният жамияти вужудга келиши билан бир вақтда жамоалар билан шахслар ўртасидаги эҳтиёж ва манфаатларга хизмат қилувчи алоқа тарзида вужудга келиб, ўзининг тарихий тараққиётида:

- инсоннинг табиий хислатларини ўзгартирувчи, яратувчи фаолияти шаклида умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми;
- жамиядта яшовчи ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтирувчи маънавий-ижтимоий омил асосларидан бири;
- кишиларнинг ички туйгуларини, ҳиссиётларини ўстириб, умуминсоний моддий ва маънавий қадриятларини англаб этиш, уларни асраш ва келгуси авлодларга етказиб бериш йўлларидан энг афзали;
- оила ва кундалик турмушда мавжуд бўлган оилавий бурч, ўзаро хурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтказиш асосида давом эттириш воситаси;
- адолатли жамият қуриш ва унда бой-бадавлат, тинч-тотув, баҳтли яшаш ғояси сифатида мунтазам равишда ривожланиб келган ва ривожланади.



Этиканинг негизини жамиятнинг таркибий тузилиши, хусусан, ундаги мулкий муносабатлар, меҳнат таҳсимоти, аҳолининг ёши ва уларнинг эҳтиёж ва манфаатлари белгилайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этаётган бир вақтда, уни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини:


- умуминсоний қадриятларга содиқлик;

<sup>1</sup> А. Шер. «Ахлоқшунослик». Т., 2000 й.

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
  - инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварликни ташкил қилади.

Шубҳасизки, ана шу негизлар асосида Ўзбекистон халқларининг янгича мазмундаги маънавий-ахлоқий дунёси шаклланади ва қарор топади. Бу эса, ўз навбатида халқимиз ахлоқининг негизини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Этиканинг жамият хаётида тутган ўрни у бажарадиган функциялар билан белгиланади.



**Регулятив функцияси** – ахлоқнинг асосий функцияси ҳисобланади. Регулятив функция шахс, хизмат жамоаси, давлат ва жамоат институтлари фаолиятини жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий нормалар асосида бошқариб туришни англатади. Шу мақсадда бир қанча воситаларга таянади: ахлоқий принциплар, жамоатчилик фикри, ахлоқий авторитет, анъаналар, урф-одатлар ва ҳоказо. Ахлоқ нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамиятнинг ҳам хулқ-атворини бошқаради.

**Аксиологик функцияси (баҳолаш)** – юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай ахлоқий хатти-ҳаракат у ёки бу қадриятлар системаси орқали баҳоланади. «Ахлоқий-ахлоқсиз», «яхши-ёмон» нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда хатти-ҳаракатлар, муносабатлар, мотивлар, қарашлар, шахсий сифатлар баҳоланади. Ахлоқ инсон томонидан қадриятларни ўзлаштириш, уларни ривожлантиришни ҳам назорат қиласи.

**Информацион (билиш) функцияси** - ахлоқий билимлар ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, ахлоқий принциплар, нормалар, кодекслар ижтимоий-ахлоқий қадриятлар ҳақидаги информация манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга одатий ва экстремал вазиятларда, конфликтли ва танг ҳолатларда ахлоқий танлов масаласига эътибор қаратилади. Демак, ахлоқ оламни, инсонни, унинг моҳиятини, ҳаётининг маъносини англашга ёрдам беради.

**Тарбиявий функцияси** – ҳар қандай тарбия тизими – бу энг аввало ахлоқий тарбия тизими ҳисобланади. Ахлоқий тарбия ахлоқий норма, одат, анъана, умумий хулқ-атвор намуналарини аниқ ташкилий тизим ҳолига келтиради, ахлоқий билимларни ахлоқий ишонч-эътиқодга айлантиради, конкрет вазиятларда ахлоқий билим ва ишонч-эътиқодни кўллашда ижодий ёндашувга ўргатади. Демак, ахлоқ нафақат норма ва қоидаларга риоя қилишни, балки ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади.

Шу ерда, ахлоқнинг алоҳида функцияларини ажратиш шартли характерга эга эканлигини қайд қилиш лозим. Чунки реал ҳаётда улар бир-бири билан уйғун ҳолда намоён бўлади. Ахлоқ бир вақтнинг ўзида бошқаради, тарбиялайди, йўналтиради ва ҳоказо.

“Этика”нинг бошқа ижтимоий-фалсафий фанлардан фарқи шундаки, у аксиологик хусусиятга эга. Яъни, ахлоқий билимлар инсоний муносабатлар ва ижтимоий воқелик ҳодисаларини баҳолаш асосида вужудга келади. Бу баҳолашнинг асосий мезони кишиларнинг «нима яхши-ю нима ёмонлиги» ҳақидаги тасаввурлари ҳисобланади. Бундай баҳолаш ҳам жамиятга, ҳам алоҳида шахсга ҳосдир. Шу тариқа ахлоқий қадриятлардан ижтимоий ва индивидуал тизимлар вужудга келади. Бу тизимлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсонда турлича намоён бўлади. Шахс фаолиятида ижтимоий қадриятлар тизими устун бўлса, у ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади, унинг дунёқарашида жамоатчилик тамойили устун бўлади. Аксинча бўлса, инсон ўзининг

шахсий манфаатларини устун қўяди, дунёқарашида индивидуализм принципи устун бўлади.

Аслида этик идеаллар, тамойиллар ва нормалар кишиларнинг адолат, инсонийлик, эзгулик, ёвузлик, ижтимоий фаровонлик ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиқсан. Бу тасаввурларга мос келувчи хатти-ҳаракатлар ахлоқий деб, зид келадиган хатти-ҳаракатлар ахлоқсизлик деб эълон қилинган.

Бошқача қилиб айтганда, кишилар фикрича жамият ва шахс манфаатларига мос келадиган, инсонлар учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатлар ахлоқийдир. Албатта, бу тасаввурлар тарихий тараққиёт давомида ўзгариб борган, турли синфлар, ижтимоий гурухларда турлича бўлган.

Хусусан ҳозирги вактда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб ахлоқида уч турдаги ахлоқий норма ва тамойиллар амал қиласди:

1) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб ахлоқининг асосий мазмунини **умуминсоний ахлоқий нормалар** ташкил қиласди. Лекин уларнинг баъзилари, масалан; жасурлик, бурчга содиклик, адолатпарварлик асосий аҳамиятга эга бўлади.

2) бу ерда яна **фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига хос ахлоқий норма ва принциплар амал қиласди**. Масалан, маълумотларнинг сир сақланиши, бошликлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ва шу кабилар.

3) Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг фақат у ёки бу хизматига тааллуқли бўлган ахлоқий норма ва принциплардир. Мисол тариқасида фуқаролар билан ишлаш жараёнида қўлланадиган **оператив хатти-ҳаракатлар қоидалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига конфиденциал ёрдам берган фуқароларнинг сирини сақлаш ва хоказо**. Бу қоидалар шакл жиҳатидан умуминсоний қоидалардан фарқ қилиши мумкин, лекин ўзининг ахлоқий мазмунини сақлаб қолади.

Хулоса қилиб айтсак бўладики, ахлоқ ижтимоий-тарихий характерга эга. Шу билан бирга у касбий ҳусусиятга ҳам эга.

Жамият маънавий ҳаётининг бир-бири билан боғлиқ бўлган икки соҳаси- ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўхшаш ва фарқли томонлари масаласи ҳозирги кунда айниқса долзарб ҳисобланади.

Шахснинг маънавий дунёси, онги ва маданияти шаклланишида ахлоқ ва ҳуқуқ алоҳида ўринга эга. Чунки улар ижтимоий муносабатлар тизими тараққиётига таъсир кўрсатадиган, шу орқали шахс онгини ривожлантирадиган муҳим ижтимоий бошқарувчи ҳисобланади.



**Этика ва ҳуқуқ** - инсон муносабатининг ўзаро алоқадорликда бўлган муҳим элементларидир. Уларнинг табиати жамиятдаги конкрет тарихий шароит, ижтимоий тизимга боғлиқ бўлади.

Демократик фуқаролик жамиятида ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги қўйидаги қонуният туфайли объективлашади – умумхалқ ҳуқуқининг ахлоқий потенциали, қонунчиликнинг ахлоқий асослари ўсиб боради. Юқорида таъкидлаганимиздек, этика - инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуудир.

Шундай қилиб, ҳуқуқ – нафақат сиёсий-юридик, балки ижтимоий-ахлоқий ходиса. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти инсонпарварлик, адолат, виждон ва бурч, ор-номус, эркинлик ва масъулият каби ахлоқий ходисаларсиз ривожлана олмайди.

Этика ва ҳуқуқ муносабатларига қадим даврлардан мутафаккирлар ўз эътиборини қаратганлар. Суқрот, Афлотун, Арасту ҳуқуқий мағкурани ишлаб чиқар экан, Этикани қонунчилик билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Рим юристлари: «ҳуқуқ урф-одатлар маъқуллаган нарсаларни тавсия қиласди» деган постулатни илгари сурғанлар.

Янги даврда ахлоқ ва ҳуқуқ узвий боғлиқликда олиб қаралган, ҳатто Гельвеций: ««Этика» ва «Конуншунослик»ни мен битта фан деб тушунаман»<sup>2</sup>, -деб ёзади.

Немис класик фалсафаси намояндалари ҳам этика ва ҳуқуқ муносабатларига ўз эътиборларини қаратишган. Кант ҳуқуқ Этикага бўйсунади деб ҳисоблаган. Гегель фикрича, этика ва ҳуқуқ бир-бирини тақозо қиласди, фарқи шундаки, ахлоқ ташқаридан бўладиган мажбурийликка

<sup>2</sup> Гельвеций К.А. Об уме.-М, 1992. –С.156.

йўл қўймайди.

Аслида, ҳуқуқ инсон хатти-ҳаракатини бошқариш шакли сифатида тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, ахлоқ нормаларидан келиб чиқади. Ҳуқуқ ўз тараққиётининг турли босқичларида этика билан деярли уйғун бўлган. Фақат вақт ўтиши билан ёзма ва шаклланган қонунчиликка айланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ ўз ичига ахлоқийликни қамраб олади.



Этика ва ҳуқуқнинг муносабати қўйидагиларга намоён бўлади:

- 1) бирлиги ва ўхшашлигига;
- 2) фарқли томонларида;
- 3) ўзаро таъсирида.

Этика ва ҳуқуқ ижтимоий онг шакллари сифатида умумий ижтимоий функцияни бажаради; инсоннинг жамиятдаги фаолиятини бошқаради, норматив хусусиятга эга ва фуқаролар бу норма ва принципларга амал қиласиди. Бу норма ва принциплар умумий характерга эга ва жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқлидир.

Баён этилганлардан касб этикаси нима деган саволга қўйидаги жавоб чиқади:

**этиканинг профессионал ўзига хосликларини ўрганадиган фан – касб этикаси дейилади.**

Ҳар қандай касб этикаси уч асосий таянч нуқтада туради. Булар: **умуминсоний этика, муайян касб хусусиятлари ва конкрет тажриба**. Мазкур уч таянч нуқтани амалиётга татбиқ этсак, у умуминсоний этика талабларини давлат ҳизматчисининг касб одоби меъёрлари билан бойитган ҳолда уларни конкрет вазиятда қўллай олишида акс этади.

### Ахлоқ ва ҳуқуқнинг фарқлари

Ахлоқ	Ҳуқуқ
Нормалар ёзма характерга эга эмас, урғодат ва анъаналарда белгиланади.	Нормалар аниқ формал характерга эга расмий хужжатларда белгилаб берилади.
Нормалар объектив равища келиб чиқади.	Нормалар давлат томонидан ўрнатилади.
Амал қилишини таъминлаш механизми-жамоатчилик фикри	Амал қилишини таъминлаш механизми-давлат органларининг санкцияси.
Ихтиёр эркинлиги мавжуд.	Ихтиёр эркинлиги норматив хужжатлар билан қатъий чегараланади.

### § 1.2. Умуминсоний касбий этика нормалари тушунчалари ҳамда умуминсоний ахлоққа зид иллатларга қарши қурашнинг йўналишлари

«Норма» – лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида расмийлаштирилган қонун-қоида, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган тартиб-қоида ёки бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўлчами, меъёри деган маъноларни англатади.



**Касбий этика** нормалари ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади.

Касбий этика ҳақида гапирганда ҳуқуқнинг кишилик жамияти ахлоқининг посбони эканлигини

унутмаслик, ҳар қандай қонуннинг мазмуни ахлоқ нормалари эканлигини, қонун ушбу нормаларни киши ва жамият ҳаётида тўғри ишлатилишини таъминловчи восита эканлигини унутмаслик лозим бўлади.

Бу жихат умуминсоний сиёсий, хукукий ва ахлоқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, миллий қонунчилик ҳалқаро хукукий нормалар ва қоидалар билан ўзаро уйғунлашиб кетгандир. Миллий қонунчилик, инсонпарварлик, инсон табиий хукуқларини ҳимоя қилишига қаратилган умуминсоний хукукий нормаларга бўйсунадиган ва уларнинг устуворлигига асосланади. Мисол тариқасида БМТ томонидан 1948-йилда қабул қилинган “Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси”, 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги” Ҳалқаро пакт ва бошқа ҳужжатларни келтириш мумкин. “Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси”ни одоб-ахлоқ ва хукукий маданият алифбоси, десак муболаға бўлмайди.

“Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 29-моддасига мувофиқ ҳар бир инсон ўз хукуки ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг хукуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умумфаравонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак. Қайд қилинган Пактнинг 10-моддасида эса, озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан инсонийларча муносабатда бўлиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш талаб қилинади. Бугунги кунда барча давлатларнинг конститутциявий қонунчилигида суд ҳокимиятининг ташкилий жихатларидан ташқари ахлоқий мазмуни ҳам эътиборга олинган, инсон ва унинг ҳаёти, қадр-қиммати, манфаатлари олий қадрият деб тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясида ҳам инсон, унинг ҳаёти энг олий қадрият бўлиб, амалдаги миллий қонунчилигимиз юксак инсонпарварлик ғояси билан сугорилган бой мазмунга асослангандир.

Жумладан, Конститутциянинг 18-моддаси барча фуқароларнинг бир хил хукуқ ва эркинликлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, динидан, ижтимоий келиб чиқишидан ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенг хукуқлилигини таъминлайди. Ушбу нормада инсонпарварлик тамоили акс этганлигини кузатамиз. Инсонпарварлик тамоили бош қонун асосида яратилган ва яратилаётган барча қонунларимизда марказий ўринни эгаллайди. Юристнинг касб этикаси фани айнан шу инсонпарварлик тамоилини суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари фаолиятида устувор касбий тамоил эканлигини таъминловчи фан соҳасидир. Жиноят–процессуал қонунчилигимиз ҳам айнан бузилган хукуқларни тиклаш ёхуд ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракатларни жазосиз қолдирмасликдан иборат.

Демак, одил судловни амалга оширишга бўйсундирилган. Жиноят қонунчилиги шахс ва жамиятни ижтимоий ахволи, тажовузлардан ҳимоя қиласди, жиноий хатти-ҳаракатларнинг инсон ва жамият ҳаёти учун қанчалик зарарли ёки хавфлилигидан келиб чиқиб жазо тайинлайди. Бу умумий ахлоқ категориялари – яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик категориялари асосида амалга оширилади. Бунинг учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судья ушбу категориялар мазмунини чуқур билиши ва уларни кўрилаётган ишга мазмунан татбиқ қилиши лозим бўлади. Бу ўз- ўзидан касбий ахлоқни умумий ахлоқ нормалари билан узвий боғлаш заруриятини юзага келтиради. Бугунги касбий ахлоқнинг мазмуни юксак ахлоқий нормалар билан тўлдирилган бўлиб, бу бирданига юзага келмаган. Жиноят қонунчилигининг тарихида инсон қадр-қиммати камситилган, инсонни қийноққа солган, унинг ҳаёти қадрсизланган, инквизитция судлари, тоталитаризм хукуқшунослиги давларини бошдан кечирган. Бугунги касбий ахлоқ қонуни жазо воситаси эмас, балки кўпроқ тарбия воситаси бўлишилигини таъминлашга қаратилган.



**Юристнинг касб этикасининг** энг муҳим хусусиятларидан бири – инсон тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳис туйғуга берилмаслик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ёхуд миллатчилик каби туйғуларга берилмаслик одил судловни амалга оширишнинг барча босқичларида ахлоқ нормаларига оғишмай риоя қилишини ўргатади.

Касб этикаси принциплари-умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий нормалар ахлоқий принципларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлигини кўрсатади.

Касб этикаси нормалариға қуидагилар киради: **инсорпарварлик, хушмуомалалик, хушфеъллилик ва одабилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгуййлик, инсофлилик, событқадамлик, очиқ күнгиллик, сахийлик ва муруватлилик, ўзаро хурмат, дўстона муносабат, самийлилик, сиполик, катталарни хурмат қилиш ва бошқалар.**

**Инсорпарварлик** - “Фалсафа қомусий лугат”да инсонпарварлик “Одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фаилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш гоялари билан сугорилган дунёқараш” сифатида қаралади. “Педагогик энциклопедик лугат”да эса, инсонпарварлик шахс сифатида инсон, унинг эркин ривожланиши ва ўз қобилиятларини намоён эта олишини қадрият сифатида қабул қилиш эканлиги уқтирилади.

Кенг маънода инсонпарварлик – инсонни шахс сифатида қадрият деб белгилайдиган, унинг эркинлик, баҳтга бўлган ҳуқуқи, ўзининг қобилиятларини намоён этиши ва ривожлантириши, ижтимоий институтларнинг баҳолаш мезонларида инсон равнақини ҳисобга оладиган қарашларнинг тарихий ўзгарувчан тизими, инсонийлик – одамлар орасида кутиладиган меъёрий муносабат.

Инсонпарварлик яна асосида инсоннинг чексиз имкониятлари ва унинг комилликка доир интилишлари, ўз қобилиятлари, қарашларини эркин намоён этишга доир шахс ҳуқуқини эътироф этиш турадиган, инсон равнақини ижтимоий муносабатлар даражасини баҳолаш мезони сифатида тасдиқлайдиган дунёқараш тамойили тарзида ҳам қаралади. Ҳозирги вактда мазкур тамойил педагогиканинг асосий тамойилларидан бири сифатида шакллантирилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июльдаги “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида” ги 227-сон қарорида белгиланганидек Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:**

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва умумлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши, шунингдек қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз инсон қадр-қимматини камситувчи муомала турларини қўллашга доир мурожаатларини кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини мониторинг қилиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида таклифлар киритиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний тавсиялари ва эътиrozларини кўриб чиқиш, шунингдек ушбу якуний тавсия ва эътиrozларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг қилиш.

**Хушмуомалик** - кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб ҳис-туйгуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутишдир. Унинг 10-та белгиси бор. Улар қўйидагилар:

инсоф, ақл, илм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулоимлик.

**Хушфеъллилик** ширинсуҳанлилик, камтаринлик, босиқлик сингари ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар меъёрийлик нуқтаи назаридан ғоят мухим. Чунки ҳар бир жамият даражаси маълум маънода ундаги фуқаролар муомала маданиятининг юксаклиги билан ҳам белгиланди. Зеро, хушфеъл, ширинсуҳан инсон ўзининг ҳар бир муваффақиятсизлигига фожия сифатида қарамайди, алам ёки ғазаб билан ёмон кайфиятини бошқаларга ўтказишга интилмайди; атрофдаги ахлоқий мухитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўтаринки кайфият, турли-туман омадсизликларнинг ўткинчилигини англатувчи ҳаётбахш бир умид бағишлиайди. Жамият доимо ўшандай одамларни хурмат қиласи ва улардан ўrnak олишга интилади.

**Одабилик** - яхши тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши, ҳатти ҳаракатларда, сўзлашувда меъёри, чегарани, мувофиқлилик ва номувофиқликни билишдир.

Одаблиликнинг асосий белгиси – ўзини тута билиш, хукм чиқаришда шошил-маслик, кишларнинг орқасидан гибат қилиш, ўзгалар фикрини тинглай билиш, ширинсўзлик хисобланади.

**Ҳалоллик** ҳар бир инсонинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обуси, жамиятга тутган ўрни, ҳулқининг тугрилиги, сўзида қатъийлик ва садоқатининг мажмуасидир. Ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунида қайси таом ҳарому, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсонийдунёвий маъно касб этган меъёрга айланган.

**Ростгўйилик** – ҳалолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очиқасига айтишдир. Ростгўйлик виҷdon тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи меъёрлардир.

Ўнлаб меъёрлар орасида бу иккисига биринчи бўлиб тўхталишимизнинг сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса, шўролар ҳукмронлик қилган чоракам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқияк сингари иллатлар ҳалқимизга шу қадар усталик билан сингдирилди, ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳалоллик ва ростгўйлик устидан ҳатто куладиган бўлиб қолганлар. Сўз билан иибирлиги ёъқолган, қофоздаги чиройли гаплар ҳаётга тўғри келмайди. Лекин буларнинг ҳаммаси, афсуски, одатий ҳолдек қабул қилинади. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу иллатларга қарши кураш бошланди. Ҳозирги кунда давлатимиз миллий-маънавий қадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмоқда. Зеро, кўз ўнгимизда ёлғон, алдов, икки юзламачилик нималигини деярли билмайдиган жамиятлар, миллатлар гуллаб яшнамоқда. Япония, Олмония, Франция, АҚШ, Буюк Британия сингари мамлакатлар шулар жумласидан.

**Инсофлилик.** Инсофлилик моҳияттан давлатнинг фуқарога, жамиятнинг шахсга нисбатан муносабати тарзида намоён бўлади. Бордию, ўзаро адолатли муносабатлар ҳақида гап кетса, унда одатда юксак мартабадаги тарихий шахснинг қуий мартабадаги шахсга муносабати назарда тутилади. Инсоф эса ана шу адолатнинг тор қамровли хусусий кўриниши сифатида намоён бўлади. У фуқаролар, жамият аъзолари орасидаги ўзаро муносабатлар меъёридир.

Инсофлилик ҳам ҳалоллик каби виҷdon тушунчаси билан боғлиқ, маълум маънода ҳалолликка ўхшаб кетади. Лекин бу юзаки таассурот. Чунки ҳалоллик ўз ҳақи ва ҳаққини, яъни моддий ва маънавий ҳуқуқини ўзгаларнинг ҳақи ва ҳаққига хиёнат қилмаган ҳолда ажратиб яшашни англатади. Инсофлилик эса ижобийликда ҳалолликдан ҳам бир қадам олға ташланган ҳолатдир: унда киши ўз ҳалол ҳақи ва ҳаққидан ўзганинг ҳисобига кечади; «ўзга»нинг шароити ўзиникидан ниҳоятда оғир ва ёмон эканини ҳисобга олиб, ўз қонуний ҳақи ва ҳаққни ёки уларнинг бир қисмини ихтиёрий равища ўзгага беради, мурувват кўрсатади.

Зеро, инсофлилик ва мурувватлилик ахлоқий меъёрлари жамият этиштирган моддий бойликларни унинг аъзолари ўртасида шахсий ташаббус асосида, оғриқсиз, ҳуқуқий ҳолатларни поймол қилмаган ҳолда қайта тақсимланишига, жамиятнинг янада фаровонлашувига ўзига хос ҳисса қўшади.

**Собитқадамлик** - ният қилинган ишка жиддий киришиш ва охирига етма-гунча ундан чекинмаслик, бошланган ишни охирига етказишидир.

**Сабр қаноат** – бошга тушган қийинчиликларни чидам билан енгишdir.

**Камтарлик** деб кишининг ўзини табий ҳолда қандай бўлса шундайлигича ҳамма билан тенг баб-баробар тутишига айтилади.

**Шижаот** – ботирлик, жасорат, довюраклик, мардлик дегани.

**Покизалик** – бу тозалик ва софлик дегани. Тозалик-инсон саломатлигининг гарови. У касб ахлоқининг нормаси сифатида ҳар бир ҳодимдан кийим-кечагининг афт-аторининг, иш жойининг покиза бўлишини ҳамда қалбининг пок бўлишини, ейиладиган таомларига ҳаром аралашмаслигининг, ҳалол бўлишини талаб қилади.

Умуминсоний касб этика нормаларига зид иллатлар деганда ғазаб, тухмат, ёлгон, ҳақорат, кўрқоқлик, нифоқ, зулм каби салбий тушунчалар киради.

**«Иллат»** - сўзи касаллик, хасталик, жисмоний ва руҳий камчилик, нуқсон деган маънони англатади. Шунга кўра умуминсоний ахлоққа зид иллатлар деб умуминсоний одоб-ахлоқ принциплари ва нормалари доирасига сигмайдиган, унга хилоф равища содир этиладиган ярамас

хатти-харакатларга айтилади. Бундай ахлоқсизларга - ғазаб, жаҳолат, адоват, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, нифоқ, зулм, ёлғончилик, маҳтанчоқлик, дангасалик, ичкиликтозлик, манфаатпарастлик, шұхратпарастлик, айёрлик, хушомадгүйлик, иккиюзламачилик, әзмалик, жizzакилик, бузухчилик кабилар киради.

**Ғазаб** - инсоннинг ақл қувватидан ҳиссиёт қуввати устун келиб, ўзини босолмасдан, ўзгаларга шиддат билан муомала қилишдир. Ғазаб агарда бирорни уриш, сўкиш тариқасида юзага чиқса, у ахлоққа зид иллатга айланади. Ўринсиз газбланиш маориф соҳаси ходимлари, майший хизмат ходимлари ишларига жуда катта зарап келтиради.

**Гийбат** - бу бирорларнинг орқасидан ёмонлаб гапириш, фисқи-фасад тарқатишдир. Улар бирорнинг гапини бошқа бирорга етказиб одамлар ўртасига нифоқ соладилар.

**Тұхмат** - бу ҳалол одамларни айблаш ёки қоралаш мақсадида уйлаб чиқарилган асоссиз даъво, бўқтондир.

**Ёлғон** - бу ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нотўғри сўзларни айтишдир. Ёлғончи кишиларни кazzоб дейдилар Пайгамбаримиз: «Ал кazzобу ло уммати»-ёлғончи менинг умматим эмасдур» - деган эдилар (ҳадисдан). Ҳадисда факат уч холда - уруш вактида, эр ва хотинни ризо қилишда, икки мўмин орасини тузатмоқда ёлғон гапиришга руҳсат этилади.

**Ҳақорат** - бир кишининг нафсиға, иффатига тегадиган сўзлар илақадр ва эътиборни тушурмоқ ниятида ёмон муомала қилишдир. Бирорни ҳақорат қилиш катта гуноҳдир.

**Қўрқоқлик** - энг ёмон хулқларнинг биридур. Қўрқок кишилар ваҳм ва хаёлот асири бўлиб, бир ишни қилишга жасорат қилолмайди. Уларнинг сўз ва ваъдаларига ишониб бўлмайди. Зероки, юраксиз кишиларда сабр, журъат ва матонат каби яхши сифатлар бўлмайди.

**Нифоқ** - кишининг олдида бир хил, орқасидан бошқа хил сўзланадиган сўзларга айтилади. Бундай сўзловчи икки юзламачи кишиларни муноғиқ дейилади.

**Тама** - бирордан бир нарса умидвор бўлишга айтилади. Тамагирлик балосига йўлиққан кишиларга номус ва ҳаё деган яхши сифатлар бўлмайди.

**Зулм** - деб бирорнинг жонига ёки молига зарар етказмакни айтилади. Мансаб ва давлатга, куч ва қувватга магрур бўлиб, бирорнинг ҳақига тажовуз қилиш зулmdir. Катталикнинг иззати зулм ва жабрда эмас, шафқат ва марҳаматдадур. «Кичикликнинг лаззати нафрат ва қаршиликда эмас, садоа ҳурматдадир.» (Абдулла Авлоний)

Умуминсоний ахлоққа зид иллатлар жамиятининг ривожланишига тўқсинглик қиласи, ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш ишларига халақит беради, жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

**Ахлоққа зид иллатларга қарши курашишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:**

1. Мехнат ва хизмат интизомини кучайтириш. Интизом ахлоқнинг ажralmas қисми, ахлоқ эса жамиятдаги хатти харакатларни тартибга солувчи, бошқарувчи асосий омилдир.

2. Инсон қанча ва қандай меҳнат қилган бўлса, шунча иш ҳақи, даромад олишини таъминлаш, яхши меҳнатни тақдирлаш ишларини юқори даражада ташкил этиш.

3. Жамиятда яратилаётган барча моддий неъматлар ва уларнинг тақсимланиши давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан назорат қилиб турилиши лозим.

4. Жамоатчилик томонидан ёмон хулқли одамларга қарши муҳит яратиш зарур.

5. Ёшларни ҳалол меҳнат қилишга ўргатиш, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш. У маориф соҳаси ходимларининг асосий вазифасидир.

6. Ҳар бир кишининг меҳнати самарали бўлиши лозим. Самарали меҳнат ахлоқсизликдан асрайди.

7. Жиноятчиликка қарши курашиш.

Касб этикаси ва хуқуқнинг ўзаро муносабати юристлар учун алоҳида қизиқиш туғдирувчи ушбу ижтимоий қўринишларни ўрганишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Касб этикаси инсоннинг хатти-харакатини, фаолиятини норматив тартибга солишининг асосий турларидан биридир. У инсонларнинг умумижтимоий қонунларга бўйсунишини таъминлайди. Касб этикаси ушбу вазифани бошқа жамиятда ўрнатилган бошқа нормаларни ўрганиш ва ўзлаштиришни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий фанлар билан биргаликда амалда бўлади. Касб этикаси бу – ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи зарур, ўзаро боғлиқ ва бир-бираига сингиб борувчи тизимлардир. Улар жамият фаолиятига турли хил хошиш-истакларни мувоғиқлаштириш,

инсонларни муайян қоидаларга бўйсундириш йўли билан амалга оширилади.



Касб этикаси ва хуқуқ битта ижтимоий вазифани бажариб, ади у ҳам бўлса жамиятда инсонларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади. ишдан иборат. Улар мураккаб тизимларни ташкил этиб, ади, қайсиким ўз ичига ижтимоий онгни (ахлоқий ва хуқуқий), ижтимоий аҳамиятли фаолиятни, ва норматив соҳани (ахлоқий ва хуқуқий нормалар) ўз ичига олади.

Нормативлик бу – инсонлар хатти-ҳаракатини тартибга солишга имкон берадиган ахлоқ ва хуқуқнинг хусусиятидир. Бу ўринда уларнинг обектлари кўп ҳолларда мос келади. Аммо уларни тартибга солиш ўзига хос усусларда амалга оширилади. Хуқуқий нормаларга риоя қилиш хуқуқий тақдирлаш, жазолаш, шу жумладан давлат мажбурлови, юридик санкция маҳсус давлат аппарати томонидан амалга оширилади. Ахлоқда эса фақат руҳий санкциялар бўлиб, улар руҳий қўллаб-қувватлаш ёки руҳий жазолашдан иборат. Ижтимоий муносабатларнинг бирлиги ўз-ўзидан хуқуқий ва ахлоқий тизимларнинг бирхиллигини белгилайди. Ахлоқ билан хуқуқ доимо ўзаро алоқада бўлади. Хуқуқ ахлоққа зид бўлмайди. Ўз навбатида хуқуқ ахлоқий нормаларнинг шаклланишига қўмаклашади. Касб этикаси ва хуқуқ инсониятнинг руҳий маданиятининг ажralmas қисмларидир. Касб этикаси ва хуқуқ бир турдалиги ҳолатида уларнинг муайян бир жамиятда бу ижтимоий тартибга солувчилар ўртасида фарқлар ҳам борлигини кўрамиз. Хуқуқ фақат ижтимоий муҳим хатти-ҳаракатларни тартибга солади. Масалан, хуқуқ инсоннинг шахсий ҳаётига аралашмайди. Аксинча, у бундай аралашишдан қўриқлайди, ҳимоя қиласади.

### § 1.3. Умуминсоний касб этикаси принциплари

**«Принцип»** - лотинча сўз бўлиб, назария, таълимот ва фаннинг асосий қонун-қоидаси ёки киши қаттиқ ушлаб олган ва оғишмай амал қиласадиган қоида деган маъноларни англатади.

Касб принципларини бирон - бир шахс яратмаган, у муайян ижтимоий муносабатларга мувофиқ ҳаёт жараёнида ахлоқий онг шакллари сифатида вужудга келган қонун-қоидалар ҳисобланади. Шунга кўра, умуминсоний ахлоқ принциплари деб жамиятнинг маънавий онгидаги ишлаб чиқилган, инсоннинг маънавий моҳиятига, бурчига, ҳаётининг мазмунига ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг табиатига тааллуқли бўлган умумий талабларни акс эттирадиган, инсонлар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатиб берадиган ва муайян хулқ-автор нормаларига асос бўлиб хизмат қиласадиган қонун-қоидаларига айтилади.

**Умуминсоний ахлоқ принципларига қўйидагилар киради:**

- **инсонпарварлик;**
- **ўзаро ёрдам;**
- **ишонч;**
- **хамжихатлик;**
- **тинчликсеварлик;**
- **ватанпарварлик;**
- **адолатлилик;**
- **одамийлик;**
- **қонунийлик ва ҳаказо.**

**Инсонпарварлик принципи.**

Инсонпарварлик тушунчаси бошқа одамларга ва Ер юзидағи барча тирик мавжудотга эзгу, раҳмдил, ғамхўр муносабатни намоён этадиган шахс сифати, инсонийлик тарзида баҳоланади.

Зеро, инсонпарварлик дунёда инсонга энг олий қадрият сифати-да қарашнинг яхлит концепциясидир. Бу концепциянинг асоси – шахс қадр-қимматини ҳимоя этиш, унинг озод, эркин ривожланишига бўлган хуқуқининг тан олиниши; бунинг учун (ҳаётда, меҳнатда, ўқища) мос қулий шарт-шароитлар яратишдан иборатdir. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда таълимни инсонпарварлаштиришни унинг таркибий қисмига киритиш зарур ва муҳим саналади. Лекин уни таълимнинг таркибий қисмига киритиш учун фақат ўқув фанлари таркибидагина эмас, балки инсоннинг қадр-қимматини юқори қўювчи ўзаро муносабатлар маданиятини таркиб топтирувчи таълим муҳитини юзага чиқаришни талаб этади.

**Инсонпарварлик икки маънода:**

**Биринчидан**, инсоннинг озодлик ва тенглик учун олиб борадиган кураши;

**Иккинчидан**, дунёқараш, мафкура, сиёсат, ахлоқ сифатида тушунилади.

Инсонпарварлик одамларга меҳр-муҳаббат билан қарап, уларнинг хақ-хуқуқларини хурмат қилиш, баҳт-саодати, ҳар томонлама камол топиши ҳакида гамхўрлик қилишни ифодаловчи олижаноб туйгулар мажмуидир.

**Инсонпарварлик принципининг ахлоқий мазмунини қўйидагилар ташкил этади:**

- инсонни олий даражадаги қадрият деб тушуниш унинг ижодий куч ва қобилияtlарининг, имкониятларининг чексиз камол топишига ишониш;
- ҳар бир инсоннинг қадр-қимматини, эркин яшашини, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, баҳт-саодатга эришишларини талаб қилиш;
- ҳар бир инсонни унинг ёши ва жинси, ирқи, миллати, тили ва динидан қатъи назар хурмат қилиш;
- эркак ва аёлларни, қария ва болаларни ва барча миллат вакилларини уларни инсонийлигига қараб хурмат қилиш;
- ўзгаларнинг тақдирига бефарқ қарамаслик, инсониятнинг баҳт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилиш.

**Жамоатчилик принципи.**

Ҳеч бир одам ўзгалардан ажralган ҳолда яшамайди. У бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда жамоа бўлиб яшайди ва меҳнат қиласди. Жамоа бўлиб яшаш инсонларга хос бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади. У хусусият асосида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, қўллаб-қувватлаш, ҳамдардлик ётади. Жамоатчилик принципи хизмат кўрсатиш ходимларнинг шахсий манфаатларини жамоанинг манфаатлари билан уйғунлаштирувчи ва ходимларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи меҳнат қонун-коидалари сифатида ҳар икки томонга муайян вазифа ва мажбуриятларни юклайди.

Ходимнинг хизмат жамоаси олдидағи вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Хизмат жамоасини хурмат қилиш, фикрига қулоқ солиш;
- Хизмат жамоасида бўлаётган ишларга ўзини ҳам маъсул деб билиш, тартиб-интизомни сақлаш, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ишларига ҳисса қўшиш;
- Хизмат жамоатнинг аҳиллигига путур етказувчи иллатлар-шахсиятпастлик, амалпастлик, калондимогликка қарши курашиш.

Хизмат жамоасининг ходимлари олдидағи вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Ҳар бир ходимнинг хизматини диққат билан кузатиш, жамоа ишига қўшган ҳиссасини адолатли баҳолаш;
- Ҳар бир ходимнинг маънавий ва жисмоний имкониятларидан, тўплаган тажрибаларидан унумли фойдаланиш;
- Ҳар бир ходимнинг яхши турмуш кечириши учун гамхўрлик қилиш, йўл қўйган хатоларни тузатишига ёрдам бериш.

**Адолатлилик принципи.**

«Адолат»-арабча сўз бўлиб, одиллик, тўғрилик, хаққонийлик деган маъноларни англатади.

«Адолат» ўз мазмунига кўра шахс эркинликлари ва мажбуриятлари ўртасидаги мутаносибликни (уйғунликни) оъектив холис баҳолашнинг ижтимоий мезонидир. Адолат - одамларнинг ўз бурч ва вазифаларини жамият талабларидан келиб чиқсан ҳолда тўғри, қонуний, ҳалол, вижданан, ҳаққоний ва одилона бажаришларини ўзида акс эттирувчи ахлоқий, сиёсий, хукуқий категориядир.

Адолат принципи ўз мазмунига кўра уч таркибий қисмдан:

- тақдирлаш мезони;
- талаб қилиш мезони;
- қонуний баҳо беришдан ташкил топади.

Адолат принципининг тақдирлаш мезони - хизмат жамоаларининг ҳар бир одамни, хизматчини қилган меҳнатига, хизматига яраша сийлаши ёки қилмишига яраша жазолаши тушунилади.

Талаб қилиш мезони - хизматчининг жамият ва хизмат жамоалари томонидан норма, одоб қоидаси, анъана, урф-одат шаклида қарор топган ахлоқий талабларга оғишмай амал қилишини, уларни бажаришини қатъиян талаб қилиниши тушунилади.

Қонуний баҳо бериш деганда ўрнатилган ахлоқий баҳолаш ўлчови асосида ҳар бир ҳаракатга

берилган баҳонинг тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб бериши тушунилади.

#### **Ватанпарварлик принципи.**

«Ватан»- арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «она юрт» деган маънони англатади.

Ватан инсоннинг киндик қони тўқилган жой, инсонни ижтимоий етимлиқдан асровчи манзил, ҳар кимнинг бирлигини қадрловчи, ўз-ўзига сиёсий беклигини ифодовловчи заминдир.

Инсонларнинг ватанпарварлиги ҳамма вакт севимли халқнинг шон-шарафи, қадр-киммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топади.

Ватан ҳисси - шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан унинг қадрига етишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак.

Ватан туйгуси - аждодларимизнинг Ватан дея, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилганликларини, жабрситам, зулмга учраганликларини ёд этиш, мустақил, озод ва обод Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишdir.

#### **Қонунийлик принципи.**

Қонунийлик – жамият аъзоларнинг ҳуқук нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда уларни амалга оширишларига айтилади. Хизмат кўрсатиш ходимлари касб ахлоқининг қонунийлик принципи қонунларда, фармонларда, буйруқларда кўрсатилган ва белгилаб қўйилган ҳуқук нормаларининг талабларини оғишмай амалга ошириш, мавжуд қонунларга қатъий бўйсунган ҳолда ўзига юклатилган хизмат вазифасини инсонпарварликка, адолатга, қонунийликка асосланган ҳолда бажаришdir.

Қонунийликнинг тўрт принципи мавжуд:

1. Қонунийликнинг ягоналиги ва унинг бир хилда тушунилиши;
2. Қонуннинг устунлиги;
3. Қонунларнинг ҳаққонийлиги ва мақсадга мувофиқлиги;
4. Қонуннинг маданият билан боғлиқлиги.

Бу принципларнинг хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолиятида амал қилиши мижозларга хизмат кўрсатишда тартиб-интизомни сақлаш, қонунийликни таъминлаш, қонунга итоаткорлик жараёнларини қамраб олади.

### **§ 1.4. Юристнинг касб этикаси институтининг тузилиши, категориялари ва вазифалари**

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий ахлоқи шу жиҳатдан турли шаклларга эга бўлиб, шу маънода судьялар одоб-ахлоқ қоидалари, ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси, адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, прокуратура органлари ходимларининг касб одобномаси, ёхуд давлат божхона ёхуд солиқ қўмиталари ходимларининг касб одоби ҳақида гапириш мумкин. Таркиб ва тузилиш жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг касбий ахлоқ қоидалари ҳар бир хизматнинг ички хусусиятларидан келиб чиқади ва жамиятда қарор топган умумий ахлоқ қоидаларига бўйсунади, аникроғи улар билан уйғунлашади. Касбий ахлоқ ва умумий ахлоқ қоидалари ўртасида ўзаро зиддият истисно этилади. Айрим ҳуқуқий соҳаларда ахлоқ ёки ахлоқ одобномаси ушбу касбга киришни ихтиёр қилган кишига касбий қасамёд шаклидаги ахлоқий талабларни ҳам қамраб олади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддаси айнан касбий қасамёдга бағишлиган деса бўлади.

Ҳар бир ташкилотда касб этикаси ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларининг ўрнатилиши, аввало, ташкилотдаги ички муҳитнинг барқарор тарзда ривожланишига, ходимлар вазифаларини амалга ошириш чоғида мажбурий бўлган хулқ-атворнинг маънавий ва ахлоқий принципларини самарали тарзда қўлланилишига замин яратади.



Касб этикаси дейилганда, аввало, муайян бир касб фаолиятида қўлланиладиган асосий тамойиллар ва маънавий қоидалар мужассамланган касб қоидаларини тушуниш лозим.

Бунда касб этикаси қоидалари жамият томонидан қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларини

кишиларнинг ихтисосликлариға нисбатан татбиқ этиладиган касбий бурч, ор-номус ва қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатлари мажмунини ўз ичига олади. Касб этикаси атамаси кишилар ўртасидаги касбий фаолият билан боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган хулқ-атвор кодексидир, дейиш ҳам мумкин. Касб этикаси умумий этиканинг ўзига хос бир қисми бўлиб, маҳсус ва аниқ нарса сингари умумий нарсадан фақат ўзига хос шакл ўзгариши билангина эмас, балки умумий нарсани ўз ичига ололмайдиган ўзигагина хос жиҳатлари билан фрак қиласи. Умумун олганда, касб этикаси барча учун бирдек тааллуқли бўлмаган, муайян касб эгаларигагина тегишли ижтимоий хулқ-атвор қоидалари, меъёрлари йигиндисидир.

Бугунги кунда деярли барча давлат органлари тизимида ўзининг касб одбономаси ва касб этикаси қоидалари амалга киритилган.

Сўнгги йилларда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида ушбу масалага бўлган ётиборнинг янада кучайтирилиши натижасида, бу соҳани хуқукий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бир қатор норматив-хуқукий хужжатлар қабул қилинди.

**Юристнинг касб этикаси** тушунчаси аҳлоқ, норматив-қадриятлар этикаси иборалари билан бевосита боғлиқ. **Касбий этика** - ҳар бир касб-хунарга хос аҳлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва хаётга татбиқ этади.

Аҳлоқ - инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш асосида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган муаян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат нормаларнинг мажмуидир.

Аҳлоқ, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни каби муаммоларни ўрганиш билан аҳлоқшунослик фани шугулланади.



**Касб этикаси** - аҳлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамият ривожидаги ўрни, тараққиёт қонуниятларини ўрганувчи ва ҳақиқатлиги амалда исботланган билимлар мажмуидан иборат фан.

**Касб этикаси** умумий этика назарияси, тарихий этика, норматив-қадриятлар этикаси, касб этикаси ва аҳлоқий тарбия назарияси каби таркибий қисмлардан ташкил топган.

Умумий этика назарияси аҳлоқнинг табиати, моҳияти, хусусияти, таркибий қисмлари, унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини ўрганади.

Тарихий этика аҳлоқнинг келиб чиқишини, унинг тарихий тараққиёт қонунларини, ривожланиш босқичлари ва тамойилларини тадқик этади.

**Норматив-қадриятлар этикаси** - аниқ аҳлоқ нормаларини, аҳлоқий мажбурийлик талабларини, аҳлоқий мерос сифатида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган аҳлоқий қадриятлар тизимини ўрганади.

Касбий этика - аҳлоқнинг жамият талаби, эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ҳаётга татбиқ этишнинг восита ва услубларини ўрганади ва ўргатади.

Жамиятда мутлоқ, абадий ва ўзгармас аҳлоқ йўқ. Аҳлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Йиллар ўтиши билан ишлаб-чиқариш, фан ва техника ривожланиб, ижтимоий меҳнат тақсимоти янада чуқурлашади. Бу жараённинг узлуксиз давом этиши эса ўз навбатида, ҳар бири муайян ижтимоий функцияни бажарадиган янгидан-янги фаолият соҳалари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уларнинг соҳиблари эса шунга кўра муайян ижтимоий бурчларни бажара бошлаганлар. Мазкур бурч ва мажбуриятлар муайян аҳлоқий қоидалар ва хулқ-атвор нормаларида ўз аксини топди. Шундай қилиб, касб аҳлоқининг пайдо бўлиш узлуксиз меҳнат тақсимотининг маҳсули, унинг аҳлоқий дастури, аҳлоқий баҳоси сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Жамиятнинг ҳар бир касб-хунарга, ихтисосга берадиган аҳлоқий баҳоси икки асосий омил билан: биринчидан, мазкур касб-хунвр вакилларининг жамият ривожланиши учун нималар бериши билан; иккинчидан - жамиятнинг маънавий таъсир кўрсатиш маъносида уларга нималар бериши билан белгиланади.

Ана шу аҳлоқий баҳо омилларига кўра, касб аҳлоқини ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларига қараб бир неча турга ажратиш мумкин:

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ихтисосига қараб – юрист этикаси;
- ўқитувчилик ихтисосига қараб - педагог этикаси;
- тиббиёт ихтисосига қараб - шифокор этикаси;
- хизмат кўрсатиш ихтисослига қараб - хизмат кўрсатиш этикаси ва ҳаказо.

**Касб этикаси** - жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир.

**Касб этикасининг категориялари** деб жамият ахлоқий ҳаётидаги умумий муҳим томонларни, хусусиятлар ва муносабатларни инсон томонидан ўзлаштириш усулларини айтилади.

«Категория» юонча сўз бўлиб, «хукм», «ифодалаш», «таъриф бериш» деган маъноларни англатади. Юристнинг касб этикаси категориялари бошқа фанларнинг категорияларидан ўзининг бир катор хусусиятлари билан фарқ қиласди.

1. Этика категориялари фақат ахлоқшунослик соҳасида эмас балки бошқа фан соҳаларида ҳам қўлланилади.

2. Этика категориялари бир вақтнинг ўзида бошқа фанлар-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанларнинг ҳам категориялари ҳисобланади.

3. Этика категориялари ўзининг кенг қамровлилиги билан ажralиб туради. Бу категориялар инсон ҳаётининг барча жабҳаларини яъни тугилишдан ҳаётининг сўнгги қунларигача бўлган меҳнат, севги, кундалик ахлоқ-одоб, хулқ, муомала - ҳаммасини ўзида акс эттиради.

4. Этика категориялари кишилар хатти ҳаракатлари, хулқ-атворларини жамият талаблари нутқи назаридан маъқуллаш ёки қоралаш хусусиятларига эга.

### **Этика категорияларига қўйидагилар киради:**

- яхшилик ва ёмонлик;
- адолат ва адолатсизлик;
- баҳт ва баҳтсизлик;
- виждон ва виждonsизлик;
- бурч, ор-номус ва қадр-қиммат;
- ҳаётнинг маъноси.

### **«Яхшилик» ва «ёмонлик» категориялари.**

Яхшилик деб теварак атрофда содир бўлаётган ҳамма воқеа, ҳодиса ва нарсаларнинг инсонни эъзозлайдиган, унинг манфаат ва эҳтиёжларини қондирадиган, ахлоқий нормаларга мос келадиган, одамгарчилигининг ўсишини таминлайдиган, баҳтли ҳаёт кечиришга хизмат қиласиган барча ижобий томонларнинг йигиндисига айтилади.

Яхшилик категорияси меҳнат соҳасида-жамият манфаатлари йўлида қилинган ҳалол ижодий меҳнат, сиёсат ва ҳукуқ соҳасида-инсонпарварлик, адолатпарварлик, маориф соҳасида-ёш авлодни тарбиялаш мақсадида қилинган эзгу ишлар ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Ҳукуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашдаги барча ишлари, ўтказилаётган тадбирлари халқимизнинг буюк келажагини таъминлаш қилинган ишлар яхшилик ҳисобланади.

Ёмонлик деб жамиятнинг ривожланишга тўсқилик қилувчи, кишиларнинг ахлоқий нормаларга, қадриятларга зид келадиган, инсонийликнинг ўсишига зид келадиган хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчалар йигиндисига айтилади.

Ёмонликнинг асосий шакллари қўйидагилардан иборат:

миллатчилик, ошна-огайнигарчилик, маъмурий буйруқбозлиқ, ўғрилик, зўравонлик, пораҳўрлик, тамагирлик, безорилиқ, босқинчилик, ишёқмаслик ва ҳаказо.

### **Ёмонлик қўйидаги хилларга бўлинади:**

- ёмонлик-мақсад;
- ёмонлик-восита;
- ёмонлик-натижа;
- ёмонлик-баҳо.

Ёмонлик-мақсад бирор ёмон хатти-ҳаракатни разилона, гайриинсонийлик ва жаҳиллик билан талаб қилиш, жамият ва жамоа манфаатига зид қилинадиган ёмонликдир. Масалан одам ўлдириш, халқни кўрқувда ушлаб туриш ва ҳаказо.

Ёмонлик-восита бирор бир хатти-харакатни амалга ошириш учун қўл-ланадиган тадбир, шу харакатни бажариш усули ва қуролидир.

Ёмонлик-баҳо у ёки бу хатти-харакат жамоа фаолиятидаги салбий, гайриахлоқий жиҳатларни баҳолаш мезонидир.

Ёмонликнинг барча қўринишлари ҳамма даврларда шу мезон ёрдамида баҳоланади.

«Яхшилик» ва «ёмонлик» ўзаро алоқадор ва айни вақтда бир-бирини инкор этувчи категориядир.

### **«Виждон» категорияси.**

Виждон деб кишининг ўз хатти-харакати, қилмиши юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдиғаги масъулият туйгуси тушинилади. Инсонда ироданинг пайдо бўлиши ва кучайиши уни ҳаракатга келтиради, виҳдон азобидан қутқаради. Виждон ор-номус каби олий ахлоқий фазилатдир. Виждон ўз табиатига кўра ижтимоий-тарихий фазилат бўлиб, кишининг фуқоролик етуклиги ва ижтимоий масъулияти асосида шаклланади. «Виждон амри», «виждон азоби», «виждон овози» каби тушунчалар кишининг турли хатти-харакатлари ва ҳулқини ижтимоий фойда ёки зарар нуктаи-назаридан баҳолашни ифодалайди.

Виждон кишида туғма хусусият бўлмасдан, уни индивидуал-шахсий камолоти, шахсий ҳаётий тақдирни асосида шаклланади. Виждон шу сабабли турли кишиларда турли даражада шаклланган бўлади.

Виждон ўз табиатига кўра икки томондан- ақлий ва хиссий томонлардан иборат бўлади. Виждон ижтимоий ақл, ижтимоий қоидаларига риоя қилиш даражасини ифода этар экан, у инсонда турлича ҳис-туйғуларни уйғотади.

Бу туйғулар гоҳида қоникиш, таскин топиш ёки аксинча уялиш, қийналиш, азбланиш шаклида намоён бўлади.

Виждон инсоннинг фақат ўзига, ўз ҳатти-харакатларигагина эмас, балки бошқа кишларга, ижтимоий манфаатларга муносабатини ҳам ифода этади. Ходим қанчалик виждонли бўлса, ўз касбий бурчини шунчалик чуқуррок англайди ва фаолроқ бажаради.

### **«Ор-номус ва шаън» категориялари.**

Ор деганда, ўзига номуносиб ёки эл кўрмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш тушунилса, номус деганда кишининг ўз обрўсими улуглаши ва ардоқлаши, орият, диёнат. Уят-андиша қилиш, шарм, ҳаёт тушунилади. Шунга кўра ориятли одам деб ор-номусни биладиган, ўз обрўйини қадрлайдиган кишиларга айтилса, номусли одам деб уят-андишани биладиган, шарм-ҳаёли кишиларга айтилади.

«Ор-номус» ва «шаън» категориялари ҳам ўз ижтимоий аҳамиятига кўра юксак ахлоқий фазилатларни акс эттиради. Ор-номус ва шаън категориялари ҳам ўз ижтимоий аҳамиятига кўра юксак ахлоқий фазилатларни акс эттиради. «Ор-номус» ва «шаън» ҳақидаги дастлабки тасаввурлар ибтидоий-жамоа тузумининг охирларида шаклланган бўлиб, инсон ахлоқий камолотининг олий бир қўриниши сифатида жамоа аъзолари олдиғаги шахсий қадр-қиммат, ижтимоий обрўйини баҳолаш, англаш орқали намоён бўлади.

Ор-номус ва шаън ҳақида гапиргандан миллий истиқлол мафкурасида мазкур категорияларга алоҳида эътибор беришини таъкидлаш лозим. Миллий ғурур, миллий қадр-қиммат айнан шундай асослардир. Давлатимиз шаъни ва ор-номуси – ўзбек ҳалқи тарихий қадр-қимматининг ҳаётимизда қарор топшининг маънавий гаровидир. Миллий ор-номус, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилмасдан туртиб миллий мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Ор-номус ва шаън ҳар бир кишида шаклланган бўлиши ижтимоий равнақ ва маънавий покликнинг гаровидир. Шахсий ор-номус ва шаънни камол топтирилса жамиятимизда жиноятчилик, бузуқчилик, гиёҳвандлик каби ахлоқсизликлар камаяди.

Юрист касбининг шаъни деб, ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини бажаришида ўзларининг инсонийлик, адолатпарварлик, виҷdonийлик, ҳалоллик хислатларини ҳар томонлама намойиш қилиб, ориятли, диёнатли бўлиб, ўз касбларини улуглашлари ва ардоқлашларига айтилади.

Қадр-қиммат деб ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг жамиятда, кишилар орасида тутган ўрни, топган обрўси, хурмати ва нуфузига айтилади.

«Ор-номус» категорияси. Шахс ахлоқининг ташки томонларини ифодаласа, қадр-қиммат категорияси эса инсоннинг ўз-ўзини англаши ва назорат қилишни ифодалайди. Қадр-қиммат ўз қадрини англаш шакли бўлиб, инсонни камситадиган, хўрлайдиган ва шу билан унинг бошқа

кишилар кўз ўнгидаги ўз қимматини йўқотишга сабаб бўладиган қиликларга йўл қўймайдиган тўсик ҳисобланади.

Хукукни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг қадр-қиммати уларнинг ўзини ўзи хурмат қилиши ва сақлаши, ўқувчилар ҳурматини йўқотмаслиги, ўз шаънига дод туширмаслик учун ўзини назорат қилиши сифатида намоён бўлади.

**«Инсоф» категорияси** методологик жиҳатидан фалсафий «меъёр» категорияси билан боғлиқдир. Инсоф категорияси ижтимоий баҳо асосида шаклланиб кишини қатор маънавий хислатлари – ҳалоллик, эзгулик, виждан, ростгўйлик, меҳр-оқибат, одамгарчиликни ўзида мужассам этади.

Инсоф категорияси ҳар қандай ахлоқий система ва маданиятда бўлавермайди. Инсоф категорияси ўзбек миллий ахлоқига хос бўлган категорияидир.

Унинг роли ижтимоий ҳаётда бениҳоят каттадир. У ёки бу хатти-харакатда ижтимоий кўламдан, меъёрдан четга чиқиш-ноинсофлик, демак ахлоқсизлик ҳисобланади. Бу азалий ахлоқий категория миллий истиқболимиз шабадаси туфайли ҳаётимизда яна тикланмоқда.

Инсоф категорияси ўз мазмунига ва кишилар ҳаётида бажарадиган вазифаларига кўра инсоф, шаън, ор-номус билан узвий алоқада туради. Иймон мазкур категориялар асосида инсон маънавий дунёқарашининг негизи-эътиқодни шакллантиради. Иймон кишида ҳаётий кўнималар, таассуротлар, тажриба ва тарбия асосида вужудга келади ва эътиқод даражасига кўтарилади. Эътиқод кишини ўёки бу ҳодисага нисбатан бўлган ҳаётий мавқеини (позициясини) ифодалайди. Иймон собиқ марксача-ленинча этикада диний-мистик категория тарзида баҳоланар, унинг жамият ҳаётидаги роли камситилар эди. Натижада иймонсизлик ҳаётий нормага айланаб қолган эди. Ҳоинлик, сотқинлик, чақимчилик, адоват, ҳасад, қабиҳлик, ёлғончилик, бебурдлик, ёвузлик ва ҳоказо ҳодисалар иймонсизлик намунасидир. Бундай маънавий тубан ахлоқий хислатлар аксарият совет фуқоролари онгидаги шаклланиб қолган эди. Бунинг оқибатида Ватанимизнинг иймонли ва инсофли, вижданли ва ор-номусли ўғил-қизлари қувгинга ва қатағонга дучор бўлишган эди. Иймон миллий онг, миллий маданият ва миллий маънавиятнинг кўзгусидир.

**«Бурч» категорияси** ҳам виждан категорияси каби кишиларда турли даражада камол топган бўлади. Бурч кўпроқ шахснинг индивидуал ҳусусиятларига боғлиқдир. У кишида қай даражада масъулият, уят, ор-номус ва шаън ҳисси тараққий эканлиги билан боғлиқдир.

Бурч инсон тараққиётининг юксак ижтимоий поғоналарида тарихан камол топгандир. Бурч – ижтимоий ва шахсий маънавий қарздорликни, ижтимоий ҳаётга индивидуал тарзда мансублик ва қарамликнинг ифодасидир. Бурч асосан икки кўриниш ёки поғонада намоён бўлади. Биринчиси – ижтимоий-тарихий бурч. У миллий равнақ, миллий маданият, ватан олдидаги масъулият шаклида кўринади.

Шахсий индивидуал бурч – иккинчиси бир кўриниш бўлиб, у ота-она олдидаги бурч, қариндош-уруг олдидаги бурч, aka-ука, опа-сингил олдидаги бурч, дўстлар олдидаги бурч, шунингдек шахснинг умр йўлдоши олдидаги бурч шаклида намоён бўлади.

Бурчнинг у ёки бу кўриниши шахснинг умумий маданияти савияси, ахлоқи, вижданлиги ва тарбиясига боғлиқ.

Бурчнинг олий кўриниши – ижтимоий бурчга шахсий-индивидуал бурч ривожи орқали эришилади.

Бурчнинг касбкор билан боғлиқ кўринишини ҳам алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

**«Ҳалол» ва «ҳаром» категориялари** ахлоқий категориялар тизимида алоҳида ўрин тутади. Ўзбек миллий ахлоқида мазкур ахлоқий категориялар маънавиятимизнинг устуни ҳисобланади. Ўтмиш аждодларимизнинг маънавий ҳаётида мазкур категориялар устиворлик қилган. «Ҳалол» ва «ҳаром» категориялари диний – мистик табиатга эга, мусулмон ахлоқинингтина тушунчалари деган ақида уйдирма эканлиги бугунги маънавий покланиш, ахлоқий уйғониш даврида тобора сезилиб қолмоқда.

Касб этикаси категориялари ўзаро алоқада, боғланишда ва ривожланишдадир.

**Касб этикаси категорияларининг вазифалари:**

Касб ахлоқи категорияларининг вазифаларига қўйидагилар киради:

1. Билиш-жамият ахлоқий ҳаётининг ривожланиш қонуниятларини билиш асосида унинг моҳиятини англаб олиш;

2. Баҳолаш-кишиларнинг хатти-харакатларини, ахлоқий нормаларни қандай

бажараётганликлариниadolат нұқтаи назаридан асослай олиш;

3. Танлаш-ахлоқий қадриятлар дүнёсида түгри хатты ҳаракатларни содир этиш учун мақсад, восита ва усууларни түгри белгилаш;

4. Бошқариш-содир этиладиган ахлоқий муносабатларни тартибга соган ҳолда ёўналтириб туриш.

5. Башорат қилиш-жамият ахлоқий ҳаётининг келгусидаги ривожланиш йўлларининг моделларини яратиш;

6. Бирлаштириш-одамларнинг яхшилик ва эзгулик йўлидаги ҳамжиҳатликларини таъминлаш;

7. Тарбиялаш-хар бир инсоннинг ахлоқий, хуқуқий онгини ривожлантириш асосида уларнинг ахлоқий ва хуқуқий маданиятини оширишнинг ҳар хил восита ва усууларини ишлаб чиқиш, амалда қўллаш.

### **§ 1.5. Юристнинг фаолиятида муомала маданиятининг асосий шакллари, этик низолар турлари ва шакллари**

Касб этика албатта инсониятнинг турмушига, инсоний эҳтиёжи моҳиятига боғлиқ бўлади, аммо ижтимоий ва индивидуал онг даражаси билан белгиланади. Жамиятда инсонларнинг хатти-ҳаракатини бошқа шакллар қаторида Касб этика ҳам кўплаб индивидларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиришга, уни муайян ижтимоий қонунларга бўйсунган бирлашган умумий фаолиятга айлантиришга хизмат қиласди.

Муомала ҳар қандай одам, жамият фаолиятининг зарурий ва умумий шарти, ҳар томонлама ривожланишининг муҳим омили, онгли одамни табиатдан ажратиб турувчи мезонлардан биридир.

Муомала жуда мураккаб жараён бўлиб, у одамларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, хуқукий, ижтимоий-маънавий муносабатларини, алоқаларининг йигиндисидан ташкил топади.



Муомала маданиятининг шакллари жуда кўп, уларнинг ичидаги учтаси алоҳида кўзга ташланиб туради:

- хулқ-атвор маданияти;
- ташқи кўриниш маданияти;
- нутқ маданияти.

Муомала маданияти ушбу шаклларининг барчаси бир вақтнинг ўзида ҳар бир одамда ички мазмун ва моҳият, ташқи ифода ҳамда уларнинг муштараклиги ёки муштарак эмаслиги тарзида сезилиб туради.

#### **Муомала маданияти уч таркибий қисмдан иборат:**

1. феъл-атворнинг ички мазмуни ва моҳияти;
2. юриш-туришнинг ташқи ифодаси;
3. улар ўртасидаги уйгунлик ва мутаносиблик даражалари.

Хулқ-атворнинг ички мазмуни ва моҳиятини шахс ахлоқий-хуқукий ва эстетик онгининг ривожланиш даражаси ташкил этса, ташқи кўринишини уларнинг синтези бўлган эстетик дид, фаҳм-фаросат белгилайди. Ҳар иккаласининг уйгунлиги ва муштараклиги эса юксак маданият соҳиби эканлигидан дарак беради.

#### **Муомала маданиятининг умумий қоидалари қўйидагилардан иборат:**

1. Одоб ва эҳтиёт билан муомала қилишдан ҳамма мақсадлар рӯёбга чиқади. Мулойимлик билан айтилган сўзлар кўнгилга роҳат баҳш этади. Шунинг учун ҳамма билан одобга риоя этиб муомала қилинг, очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг.

2. Бир нарсадан хафаланиб, аччигингиз келиб турган вақтда ҳеч ким билан сўзлашманг, газабингиз босилгунча сабр қилиб туринг. Одамларнинг камчиликларини кечиринг, ҳар ишда фикр қилиш ва эътибор беришни унутманг.

3. Одамларга аралашмай бир четда турманг. Ким учраса, текширмай-кетмай дарҳол дўуст бўлиб кетманг, ҳар ишда хур фикрли, түгри сўзли бўлинг, тилингиз ва дилингиз бирдек бўлсин.

4. Қўпол муомалали кишиларнинг муомалаларига яхши муомала билан жавоб қайтаринг.

5. Ўзингиздан кичикларни хўрламанг, ақлингиз ва мартабангиз билан мақтанманг, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилинг.

6. Ҳамсұхбатингиз гүзәл мұомала қилишини истасанғиз, аввал үзингиз унга гүзәл мұомала қилинг, кишиларға муҳаббатли бўлишингиз сабабли камолотингиз ҳеч бир зос кетмайди.

7. Халққа яхши ишларни сўзланг, ёмон ишларни яширинг. Одамлар билан мұомалангиз шундай бўлсинки, ҳаётингизда сизни севсинлар, вафот этганингиздан кейин сизни эслаб, қайгурсынлар.

8. Жуда зарур бўлиб қолган вақтдагина халқдан ёрдам сўраш мумкин. Халққа ўз оғирлигингизни солманг, уларнинг молларига тама қилманг, үзингиз ишланг, меҳнат қилинг ризқ-рўзингизни ўз меҳнатингиз билан яратинг.

9. Бир ишни бажаришга аҳд қилдингизми, сўзингизнинг устидан чиқинг, ваъдангизга вафо қилинг. Ким билан дўст бўлсанғиз, дўстликка содик бўлинг. Одамларнинг шодликлариға шодланинг, қайгуларига қайгуринг. Ўзингиз севмаган нарсани бошқаларга раво кўрманг.

10. Жамият манфаати учун хизмат қилинг, бу йўлда сарфлаган вақтингизга ачинманг, чунки бошқаларни севиш, уларга ёрдам беринг, камчиликларини тугатиш улуглик ва одамгарчилик белгисидир.

Низо ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адовар орқасида тугилган ҳолат, муносабат, нифоқдир. Юристнинг фаолиятида этик низолар деб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий, маънавий-маданий ҳаётидаги ўзаро номутаносибликлар туфайли кишилар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар, тушунмовчиликлар, қўрслик, тоқатсизлик, маъсулият ҳиссининг парокандалик сари юз тутиши каби иллатларга айтилади.

Юристнинг фаолиятида этик низоларнинг келиб-чиқиши сабабларини билиш ва уларни бартараф этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Хозирги кунда унинг хуқуқ, иқтисодиёт, ахлоқ, сиёсат ва маданият соҳаларида бўлаётган зиддиятларни ва уларнинг натижасида келиб чиқувчи низоли ахлоқий ҳолатларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мулкларни давлат тасаррӯфидан чиқариш вақтида ижтимоий ва хусусий мулк тарафдорлари ўртасида келиб чиқадиган зиддиятлар;

2. Мулкдорларнинг бозордаги ўзаро рақобатлари натижасида келиб чиқувчи заддиятлар ва шу туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

3. Ишлаб чиқарувчи, воситачи ҳамда истеъмолчилар ўртасида юз берадиган зиддиятлар, буюртмачи ва тадбиркорлар ўртасидаги зиддиятлар ва улар туфайли келиб чиқувчи низоли ахлоқий ҳолатлар;

4. Бирон шахснинг руҳий-маънавий дунёсида, ахлоқий ҳолатларида, оиласида, иш жойида, дўстларига бўлган муносабатларида юз берадиган зиддиятлар ва шулар туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар.

Вужудга келган этик низоларни ўз вақтида ва оқилона бартараф этиш керак. Бунинг учун норози шахс билан хуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходими ўртасидаги психологик ҳолатни юмшатиш ва шу орқали ўзаро келишувга эришиш зарур.

Низоли ҳолат вақтида шахс ҳаяжонли ҳолатда ходимни номига номуносиб сўзлар айтиши мумкин. Бундай вақтларда ҳодим босиқлик ва ақл билан иш қўриши лозим бўлади.

Низоларни бартараф этишда қайси йўлни, услубни танлаш ходимнинг усталиги ва ақлига bogliq bouldadi. Этик низоларни бартараф этишда қўйидаги услублардан фойдаланиш мумкин:

- хотиржамлик ва ўзини тута билиш усули;
- учинчи шахснинг аралашувчи усули;
- можаролашувчиларни ажратиш усули;
- вазиятни нормаллаштирувчи сўзлардан фойдаланиш;
- низоларни эркин ривожланишига имкон бериш;
- низоларни тезкорлик билан тўхтатиш.

**Раҳбарнинг ҳар қандай зиддият ва можарони бартараф этиш йўллари қўйидагилардан иборат:**

- можаронинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш ва унинг авж олишига йўл қўймаслик.
- мажароли вазиятни юмшатиш, чораларини излаш;
- вазиятни тўла идрок этиш, ўзлаштириш ва қатъий чора қўриш;
- мажаро ва унинг айни вазиятларини чукур таҳлил қилиш;
- можарони ҳал этишнинг ҳар хил усулларини ишлаб чиқиши ва таҳлил қилиш;

- можарони ҳал тишнинг энг қулай усули, шакли, воситаси ва шароитларини танлаш;
- танланган усулни қўллаб, можарони бартараф этиш;
- можаро бартараф этилгандан ҳаммани хабардор қилиш;
- можаро келтириб чиқарган томоннинг ноҳаклиги исботлангандан сўнг уларни тўгри йўлга бошлиш.

**П-БОБ.**  
**ЮРИСТЛАРНИНГ СОҲАВИЙ КАСБ ЭТИКА ҚОИДАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ**

**§ 2.1. Юристларнинг соҳавий касб этика қоидалари ва уларга оид халқаро стандартлар тизими шаклланиши**

Юрист касб этикаси хукуқий ва ахлоқий принцип, нормаларининг ўзаро алокадорлиги, хукуқий ва ахлоқий онгнинг боғлиқлиги асосида шаклланади.

Хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари касб этикаси бир қанча соҳаларга бўлинниб ўрганилади:

1. Суд идоралари ходимлари этикаси;
- 2 . Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари этикаси;
- 3 . Прокуратура, Ички ишлар идоралари ходимлари этикаси;
4. Юридик хизмати ходимлари этикаси;
5. Адвокатлар касб этикаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади» дейилади. Жамиятимиз инсонпарварлик йўлидан борар экан, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлайдиган суд ҳокимиятига эришиш шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 106-моддасида «Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» -дейилган.

Бунинг учун аввало судьялар мустақил ишлайдиган билим ва малакага эга бўлишлари зарур. Суд карорларининг хурмат қилиниши унинг изчиллиги, мантиқийлиги, интелектуал салоҳияти, адолатлилиги, қонунийлигига боғлиқ. Агар суд қатъий ахлоқий кодекс билан тартибга солинмаса, жамият судьяни ахлоқий принцип ва қоидаларига риоя қилишига ишонмаса, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қонун устуворлигини ўрнатишга интилаётган барча мамлакатларда судлар фаолиятига путур етказишнинг тезкор усули бу - судловнинг мансабдор шахслари томонидан ахлоқ талабларининг бузилишидир.



Агар суд ҳокимияти ўз мустақиллигини муҳофаза қилган ҳолда, суд ҳокимиятининг юксак стандартларини ўрнатиш ва сақлашни истаса, қуйидаги учта тамойилга риоя қилиши лозим деб кўрсатиб ўтади америкалик хукуқшунос Энтони М.Кеннеди.

1. Судьялар ҳамиша ўз вазифасини ижро этаётганда, шунингдек шахсий ва ижтимоий муносабатларда юксак ахлоқий нормалар асосида ўз шахсий мажбуриятларини бажариши лозим.

2. Суд ҳокимиятининг ўзи судьялар учун ёзма батафсил ахлоқ кодексини қабул қилиши ва ошкор этиши лозим, токи у судьялар учун ўз хизмат бурчларини бажаришларида йўлланма бўлиб хизмат қилсин.

3. Судьялар томонидан ғайрихукуқий ва ғайриахлоқий хулқ-атвор намоён қилинганлиги ҳақида айловлар олиниши, текширилиши, тегишли чора кўрилишининг механизmlари ва процедуралари мавжуд бўлиши керак.

Прокуратура идоралари ходимлари этикаси масаласига келсак Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини ” таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хукуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини химоя қилиш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат» дейилади.<sup>3</sup> Бу вазифалар албатта прокуратура ходимлари томонидан ахлоқ қоидалари ва принципларига риоя

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонуни “ Прокуратура тўғрисида” (Янги таҳрири) Тошкент .2003й. 3-бет Сент-Луис Университети юридик журнали Summer 1996

қилинган ҳолда амалга оширилади.

Дастлабки терговчи хизмат бурчига кўра бир қанча одамлар билан ахлоқий муносабатга киришади; гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси билан, даъвогар ва жавобгар билан, эксперт, мутахассис билан, гувоҳлар ва ҳоказолар билан ахлоқий муносабатларга киришади.

Мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси – юридик этиканинг муҳим масаласидир. Ҳозирги замон жиноят жараёнида мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси муайян ҳукуқий ва ахлоқий асосда ҳал этилади.

Этикада “мақсад воситани оқлайди принципи, эзгу мақсад йўлида ҳар қандай воситаларни қўллаш мумкин” – деган фикрлар инкор этилади. Мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, воситалар ҳам ахлоқий чегарада бўлиши даркор. Жиноят жараёнида қўлланиладиган воситалар қонунга кўра рухсат этилган бўлиши ахлоқий бўлиши зарур.

Терговчи ўз фаолиятида уч турдаги қоидаларга амал қиласди: процессуал нормалар терговчи тергов жараёнида нима қилиши, қандай шакл ва тартибда қилиши лозимлигини кўрсатади. Криминалистика ишлаб чиқадиган тавсиялар жиноятни тез ва тўлиқ очиш ва айборларни топишга ёрдам беради.



Этик нормалар ахлоқ нуқтаи назаридан тергов қилишнинг у ёки бу йўллари қанчалик қўлланиши мумкин эканлигини баҳолаш имкониятини беради.

Терговчи дастлабки тергов вазифаларини бажариш, ўзининг профессионал вазифасини бажариш учун ахлоқий жиҳатдан шахсан масъулдир; терговчи фаолияти унинг спецификасини инкор этмаган ҳолда, айтишимиз керакки, бутун жамият учун умумий бўлган ахлоқий нормаларга бўйсунмасдан иложи йўқ. Баъзи бир олимларнинг терговчи фаолиятига хос маҳсус ахлоқий қоидалар умумий ахлоқий қоидаларни тўлдириш билан бирга, баъзи ҳолларда уларни чегаралайди, деган фикрларга эътиroz билдиримай иложимиз йўқ. Терговчи фаолиятида ахлоқ нормалари ва принципларидан четта чиқишига асло йўл қўйиб бўлмайди: қонун ҳам, жамият ахлоқий онги ҳам, тергов амалиёти эҳтиёжлари ҳам бундай хулоса чиқаришига асос бўлолмайди. Аксинча, терговчи фаолиятига юқори ахлоқий талаблар қўйилиши лозим.

Терговнинг ахлоқий муҳити терговни олиб борувчи шахснинг ҳукуқий ва ахлоқий нормаларга қанчалик амал қилишига боғлиқ. Ҳақиқатни излашдаги фаоллик ва принципиаллик, холислик, инсонийлик, адолат, ҳақгўйлик, хушмуомалалик, қонунийлик, ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳукуқ манфаатларини хисобга олиш — терговчи фаолиятига қўйиладиган муҳим ахлоқий талаблар хисобланади.

Терговчи ҳар қандай шахсга нисбатан -хавфли жиноятчи бўладими, оддий жанжалкаш бўладими, рецидивист ёки майший безори бўладими, жабрланувчи бўладими, ундан қатъи назар, вазминлик, босиқлик, хотиржамлик намоён қилиши керак. Эмоционал ва ақлий вазият қанчалик кескин бўлмасин, қанчалик оғир бўлмасин, қотил, зўравон, ўғрига нисбатан нафратини ошкор қилмаслиги, шунингдек қандай мақсад ва сабаблар бўлмасин қўрқитиши, қўполлик ишлатмаслиги зарур.<sup>4</sup>

Прокурор жамият манфаатларини ҳимоя қиласди, давлат номидан сўзлайди, шу билан бирга судланувчининг қонуний манфаатларини, қадрини ҳимоя қилиши лозим бўлади. Прокурор «ўзининг масъулиятли бурчини бажарар экан, жамиятга хизмат қиласди. Бу хизмат, қачонки унга қатъий ахлоқийлик сингдирилса, жамият ва инсон қадри қанчалик ҳимоя қилинса, шунчалик самарали бўлади»<sup>5</sup>.

Прокурорнинг ҳукуқий ва ахлоқий мажбурияти объектив ва холис бўлишни талаб этади. Ўз нутқида айбланувчига нисбатан қўполлик қилиши, устидан кулиши, ташқи кўриниши, миллати, жисмоний камчиликларига тил теккизиши ҳолларига йўл қўймаслиги лозим бўлади.

Прокурор айбланувчини тавсифлар экан, унга нисбатан айбизиллик презумпцияси мавжудлигини ёдда тутиш талаб этилади.

<sup>4</sup> Ратинов А., Зархин Ю. Следственная этика//Социалистическая законность, 1970 №10.с.35-40

<sup>5</sup> Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Этика уголовного процесса. Учебное пособие. Воронеж, 1993. с.46  
Кони А. Собр.соч. Т.И. С. 62-63

Судьяларга, агар айбланувчини оқласа ёки енгилроқ жазо белгиласа, оқибатлари ёмон бўлиши мумкинлигини айтиб, тазийк ўтказиши ҳам ахлоқий нормаларга тўғри келмайди,

Барча айтганларимизга асосланиб, хукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига қўйиладиган ахлоқий талабларни санаб ўтсак бўлади:

- инсонга нисбатан энг олий кадрият деб қарашиб, ҳалкаро ва давлат хукуқий нормалари ва умуминсоний ахлоқ принципларига мос равишда инсон хукуқ ва эркинликларини хурмат қилиш ва ҳимоя қилиш;

- ўз касбининг ва юқори профессионализмнинг ижтимоий аҳамиятини, хукуқни муҳофаза қилиш тизими ходими сифатида узининг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини тушуниш талаб этилади, чунки улар фаолиятидан ижтимоий хавфсизлик, одамларнинг ҳаёти, соғлиги хукуқий муҳофазаланганлиги белгилайди;

- ижтимоий адолат, фуқаролик бурчи, касбий ва ахлоқий бурч принципларига қатъий амал қилган ҳолда қонунда белгиланган хукуқлардан оқилона ва инсонпарварлик йўлида фойдаланиш;

- қарор қабул қилишда принципиаллик, жасурлик, жиноятчилик билан курашда қатъийлик, холислик;

- хизматда ва турмушда шахсий хулқ-авторнинг тозалиги, ҳалоллик, касбий шаъни ҳақида қайғуриш;

-онгли интизом, ташаббускорлик, профессионал бирдамлик, ўзаро ёрдам, довюраклик, мураккаб вазиятларда хатти-харакатларга ахлоқий-руҳий тайёргарлик, экстремал вазиятларда тўғри хулоса чиқариш;

-касб этикаси, этикет ва тантрик соҳаларида билими ва касбий малакасини такомиллаштариб бориш; умумий маданиятни ошириш, интеллектуал савиясини кенгайтириш, хизмат фаолиятида зарур бўлган ҳалқаро ва миллий тажрибани ўзлаштириш.



Демак, юридик этика фан сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида вужудга келадиган хукуқий муносабатларнинг инсонпарварлик асосларини очиб бериш ва тарғиб қилиш билан бирга, қонунчилик ривожланиши ва қонунларни тўғри кўлланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Касб этика талабларига риоя қилишлик руҳий таъсир кучи билан, жамоат фикри, инсоннинг ички ишончи, виждони билан таъминланади. Касб этиканинг ўзига хослиги шундан иборатки, у одамларнинг юриш-туришини ҳаётнинг барча жабҳаларида, яъни иш фаолиятидаги, оиласдаги, кишилар ўртасидаги ва бошқа муносабатларда тартибга солиб боради. Касб этика гуруҳлар ва давлатлараро муносабатларга ҳам жорий этилади. Касб этика тамойиллари умумхусусиятга эга бўлиб, барча инсонларни қамраб олади, жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида яратиладиган ўзаро муносабатлари маданиятининг асосини мустаҳкамлайди. Инсоннинг ҳар қандай харакати, муомаласи турли мазмунда - хукуқий, сиёсий ёки бошқа бўлиши мумкин, аммо унинг хулқий томони, ахлоқий моҳияти бир хил даража кўрсаткичидан баҳоланади. Касб этика нормалари жамиятда анъаналар кучи, умумтанолинган ва барча томонидан қўллаб-қувватланадиган тартиб-интизом, жамоатчилик фикри билан қайта ишланиб бораверади. Касб этика нормаларига риоя қилиниши барча томонидан назорат қилинади.

Касб этикада жавобгарлик маънавий ва юксак бўлади, яъни хатти- харакатни қоралайди ёки маъқуллайди, ахлоқий баҳо бериш шаклида бўлиб одам аввало англаб олиши, дилдан қабул қилиши ва бунга мос ҳолда ўзининг хатти-харакатларини тартибга солиши ва йўналтириши лозим бўлади. Бундай баҳо бериш умумеътироф этилган норма ва тамойилларга, барча томонидан қабул қилинган зарур ва зарур бўлмаган, лойиқ ва лойиқ бўлмаган ва бошқа тушунчаларга мос бўлиши керак.



Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ Кодекси ilk бор Шарқ давлатларида - Японияда VII асрда Сетоку қироли даврида қабул қилинади.

**Фақат XX асрнинг ўрталарида давлат мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқига оид халқаро хужжатлар қабул қилинган.**

**Давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид халқаро қуйидаги хужжатлар қабул қилинган:**  
БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция 2003й. 31 октябрь;

Давлат хизматида одоб-ахлоқни яхшилаш бўйича ОЭСР Кенгашнинг Тавсиялари С70 (1998 23 апрель).

**Масалан БМТ томонидан давлат мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқига оид халқаро хужжатлар қабул қилинган:**

БМТ томонидан 1954 й. «Халқаро фуқаровий хизматчилари харакатлари Андозалари»;

БМТнинг «Давлат мансабдор шахсларнинг харакатларининг Халқаро Кодекси» 1996 й.12 декабрь;

Европа Иттифоқининг Вазирлар махкамасининг № К (2000) 10 «Давлат мансабдор шахсларнинг харакатларининг Намунавий Кодекси» ҳамда «Давлат мансабдор шахслари харакатларининг Кодекси»

**Суд тизими ходимлари учун қуйидаги одоб-ахлоқига оид халқаро хужжатлар қабул қилинган:**

«Судлов органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиши» бўйича 1985 йилдаги 7-Конгресси, БМТ Бош Ассамблеясининг 40/32 ва 40/146-сонли резолюциялари билан маъқулланган. (Олий Мажлиснинг 1997 йил 30 августдаги 507-I сонли қарори билан маъқулланган).

«Жиноят қурбонлари учун ва ҳокимиятни систеъмол қилишга қарши оид судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида» Декларация, БМТ 40/34 Резолюцияси, 29.11.1985 й.

«Судьялар одоб-ахлоқига оид Бангалор тамойиллари». 26.11. 2002й.

«Осиё минтақасида суд ҳокимияти мустақиллигининг тамойиллари», Пекин, 19.08.1995 й. .

«Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Судьялик этикаси тўғрисида»ги Резолюция 23.06.2008 й.

«Судьялар мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисида» Европа Кенгаши вазирликлар қўмитасининг Тавсиялари. 13.10.1994 й.

«Судьялар мавқеи тўғрисида» Европа хартияси, 10.07.1998 й.

«Судьялар Буюк Хартияси (Асосий тамоиллар)» 2010й.

**Прокурорлар учун қуйидаги одоб-ахлоқига оид халқаро хужжатлар қабул қилинган:**

Прокурорлар Халқаро ассоциациясининг 1999й. «Прокурорлар касбий жавобгарлиги ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги Меерлари»;

«Қонун устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратуранинг аҳамияти тўғрисида»ги Европа Иттифоқининг Парламент Ассамблеясининг 1604 (2003)1 2003 й. 27 майда қабул қилинган Тавсиялари.

**Полиция идоралари учун қуйидаги одоб-ахлоқига оид халқаро хужжатлар қабул қилинган:**

Европа Иттифоқининг Полиция идоралари учун 1979й. 27 майдаги «Полиция тўғрисида»ги декларация;

Интерпол томонидан 2002 йил 21 октябряда қабул қилинган «Полиция идора ва муассасаларида коррупцияга қарши курашишнинг Умумий қоидалари»;

Европа Иттифоқининг Rec (2001)10 «Полиция одоб-ахлоқи тўғрисида» ги Кодекс 2001й. 19 сентябрь.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 2 март куни 62-сонли қарори белгиланганидек** Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

Одоб-ахлоқи қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг

сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳукукий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Давлат бошқаруви органи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органига (кейинги ўринларда давлат органи деб аталади) ишга кираётган шахслар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

Давлат хизматчилари қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш давлат хизматчисининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

## **§ 2.2. Прокуратура органлари Касб одобномаси талаблари**

Касб одобномаси – Ўзбекистон Республикаси прокуратура, Бош прокуратура хузуридаги Иктисадий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси ҳамда Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари ходимларининг хизмат давомида ва хизматдан ташқари вақтда юриштуриш қоидаларини белгилайдиган асосий талаблар мажмуидир. **Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 19 декабрдаги 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган.**

Касб одобномаси ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлари, Бош прокурорнинг буйрук, қўрсатма ва топширикларига қатъий риоя этишлари ҳамда хизмат вазифаларини ҳалол, вижданан, юқори масъулият ва ташаббускорлик билан бажариларини таъминлаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик ва хизмат бурчига садоқат ҳиссини шакллантириш, улар томонидан ножуя хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга йуналтирилган.

Касб одобномасининг асосий мақсади прокуратура органлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини, хизмат вазифаларининг ҳалол ва вижданан, масъулият ва ташаббускорлик билан бажарилишини таъминлашдан ҳамда уларни юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга, ватанпарварлик ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Касб одобномасига риоя этиш прокуратура органлари ходимлари хизмат фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

### **Касб одобномаси етти қисмдан иборат:**

**I. Умумий қоидалар,**

**II. Ходимлар фаолиятининг асосий принциплари ва хулқ-атворининг умумий қоидалари,**

**III. Ходимларнинг мажбуриятлари,**

**IV. Прокуратура органлари раҳбар ходимларининг мажбуриятлари,**

**V. Манфаатлар туқнашуви,**

**VI. Ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш,**

**VII. Ходимларнинг жавобгарлиги.**

Касб одобномасида прокуратура органлари ходимларига қўйиладиган асосий талаблар белгиланган.

Касб одобномаси ходимлар фаолиятининг асосий принциплари ва хулқ-атворининг умумий қоидаларини белгилайди.

Ходимлар ўз фаолиятини қуидаги принциплар асосида амалга оширадилар:

- қонунийлик;
- шахсий масъулият;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- касбга, хизмат бурчига ва давлат сиёсатига содиқлик;
- фуқаролар ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

- ватанпарварлик ва фидойилик.

**Касб одобномаси ходимлардан хулқ-атворнинг қуийдаги умумий қоидаларига амал қилишларини талаб қиласди:**

- ўзининг обрусига путур етказиши мумкин бўлган хатти-харакатлардан тийилиш, хулқ-атвори ва хиссиётларини доимий назорат қилиб бориш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;
- хушмуомалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда ўзига ва прокуратура органларига нисбатан ишонч ва хурмат хиссини уйғотиш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, холати ва бошқа белгиларидан қатъий назар, улар билан бир хил муносабатда бўлиш;
- хамкаслари орасида ўзини камтарона тутиш, мураккаб вазифаларни бажаришда уларга кўмаклашиш;
- жамиятда юриш-туришнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш;
- оиласида соғлом мухитни юзага келтириб, оила аъзоларига ғамхур бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш.

**Ходимлар хизмат вазифаларини бажаришда қуийдагиларга мажбур:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун хужжатларига сўзсиз риоя қилиш;
- хизмат вазифаларини профессионал даражада, масъулият, ташаббускорлик, садоқат ва холислик билан бажариш;
- мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш, халқимизнинг бирдамлигини мустахкамлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга ўз хиссанини қушиш»;
- прокуратура органлари ходимларининг қасамёдига ва хизмат бурчига содик бўлиш;
- Бош прокурорнинг буйруқ, кўрсатма ва топшириқларини сўзсиз бажариш;
- юқори турувчи раҳбарларнинг ваколат доирасида қабул қилган қарорларини, қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ўз фаолиятини қонун хужжатлари ва Бош прокурор буйруғларида белгиланган ваколатлари доирасида амалга ошириб, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;
- давлат органлари ёки бошқа идоралар хамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига, шунингдек, фуқароларга ғайриқонуний таъсир ўтказиши учун хизмат мавқеидан фойдаланмаслик;
- хизмат вазифаларини бажаришда расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йул қўймаслик;
- хизмат вазифаларини бажаришда бирон-бир шахс, гурух ёки ташкилотга гайриқонуний ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига қатъий риоя қилиш;
- бошқа ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришларига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-харакатлар содир этмаслик;
- хизмат вазифаларини вижданан бажараётганлигига шубха уйготиши мумкин бўлган, шунингдек, ўз обруси ва прокуратура органларининг нуфузига путур етказилишига сабаб буладиган хатти- харакатлардан ўзини тийиш;
- хизмат ваколатларидан шахсий ёки ғараз мақсадларда, шунингдек, жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ноқонуний манфаатлари учун фойдаланмаслик;
- майшатбозликка, совга ва бошқа моддий қимматликлар кўринишидаги порахўрликка йул қўймаслик;
- давлат сири, қонун билан қуриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг сир сахланишини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан ноқонуний равища фойдаланмаслик;

- прокуратура органларида ахборотларни тарқатишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилиш, Интернет тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;
- ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини хизмат заруриятидан ташқари мухокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, прокуратура ходими шаъни ва прокуратура органлари нуфузига путур етказиши мумкин бўлган фото, видео ва матнли материалларни жойлаштирмаслик;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартиб хамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;
- куйи прокуратура органларини текширишда суиистеъмолчиликка йул қўймаслик ва фаолиятга холисона баҳо бериш, талабчанлик, қатъиятлилик, камтарлик билан ёндашиш;
- жамоада соғлом маънавий мухитни сақлаш чораларини кўриш;
- фуқаролар ва хамкасларига нисбатан хушмуомала бўлиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;
- хизмат вазифаларини самарали бажариш учун касб махоратини мунтазам равишида ошириб бориши;
- меҳнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, хизмат кийимини кийиш тартибига қатъий риоя этиши;
- ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;
- қонун хужжатлари хамда Бош прокурор буйруқларида белгиланган хизмат билан бөглиқ чеклов ва таҳқиларга риоя қилиш.

**Ходимлар хизматдан ташқари ваҳтда қўйидагиларга мажбур:**

- 1) ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилиш, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга хурмат билан муносабатда бўлиш;
- 2) дабдабозлик, шуҳратпастлик, гуруҳбозлик, қўшхотинлик, ичкиликбозлик, майшатпастлик, қиморбозлик ва бошқа салбий иллатларга йул қўймаслик;
- 3) ташқи кўриниши билан ўз обруси ва прокуратура органлари нуфузига путур етказмаслик, бунда:
  - эрқак ходимлар томонидан кийиниш одобига риоя қилиш, сочни меъёрдан ортиқ ўстирмаслик, соқол ўстириб юрмаслик;
  - аёл ходимлар томонидан тартибли соч турмагидан фойдаланиш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиласиган (очик, калта ва ҳоказо) кийимларни киймаслик, парфюмерия воситалари, заргарлик буюмлари ва бошқа безаклардан фойдаланиш меъёрларига риоя қилиш;
- 4) паспорт режими ва уй-жойдан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этиши, коммунал хизматлардан қарздорликка йул қўймаслик;
- 5) жиноий фаолиятга даҳлдор шахсларнинг фаолиятига раҳнамолик қилмаслик, улар билан яқин алоқага киришмаслик;
- 6) кафе, ресторон, туйхона ва бошқа кунгилочар масканларга хизмат кийимида бормаслик (хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно);
- 7) хизмат мавқеидан шахсий ёки бошқа хизмат билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланмаслик;
- 8) хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига риоя қилиш;
- 9) тадбиркорлик ёки ҳак тўланадиган бошқа фаолият билан бевосита ёки учинчи шахслар орқали шуғулланмаслик (қонунчиликда белгиланган колатлар бундан мустасно бўлиб, илмий,

педагогик ва ижодий фаолият фақат асосий ишдан бўш вақтда амалга оширилиши ҳамда хизмат вазифаларини ўз вақтида ва тўлақонли бажаришга зарар етказмаслиги керак);

10) тижорат ташкилотларининг устав фондларидағи улуш, шунингдек, уларни бошқаришда иштирок этиш хуқуқини берадиган қимматли қоғозлар ҳадя қилинган ёки мерос буйича олинган ҳолларда, зудлик билан уларни бошқаришни бошқа шахсларга топшириш чораларини қўриш;

11) турмуш ўртоғи ва фарзандлари олаётган даромадлар ва уларнинг манбалари, мулк хуқуқи ва ашёвий хуқуқ асосида уларнинг эгалигидаги мол-мулклар ва мулкий характердаги мажбуриятлари ҳакида маълумотга эга бўлиш;

12) ҳар қандай ташкилот фойдасига маблағ йигишда иштирок этмаслик, бирон-бир шахсни маблаг йиғишида иштирок этишга даъват қилмаслик, шунингдек, ушбу максадлар учун хизмат мавқеидан фойдаланмаслик ёки бошқа шахслар ва оила аъзоларининг фойдаланишига йул қўймаслик;

13) транспорт воситаларидан фойдаланишининг белгиланган тартибига амал қилиш, бунда:

- йул ҳаракати қоидаларига катъий риоя қилиш, транспорт воситаларини тегишли рухсат этувчи ҳужжатлар асосида бошқариш, хизмат мавкеини суиистеъмол қилмаслик;

-транспорт воситасини бошқа шахсларга белгиланган тартибига зид равишида бошқариш учун бермаслик;

- транспорт воситаларини бошқариш ва жиҳозлашда дабдабабозликка йул қўймаслик.

#### **Ходимлар фуқаролар билан мулоқотда қўйидагиларга мажбур:**

1) мурожаат қилиб келган фуқаролар билан мулоқот жараёни уларда прокуратура органлари ҳакида фикр шакланишига сабаб бўлишини ёдда сақлаш;

2) қабулга келган фуқароларни муносиб кутиб олиш ва асосиз куттирмаслик, уларни хурмат қилиш, хушмуомала бўлиш, дикқат билан тинглаш, сабр-токатли бўлиш, бошқа ишларга чалғимаслик;

3) мурожаат қилиб келгани учун фуқароларга норозилик билдирамаслик, ғазабланмаслик ва қўполлик қилмаслик, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик, руҳий ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йул қўймаслик, мурожаатнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш олиш;

4) телефон сузлашувларида муомала маданиятига риоя этиш.

#### **Ходимлар коррупция ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш ва улар га қарши курашиш борасида қўйидагиларга мажбур:**

ҳар қандай қонун бузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳакида раҳбари ёки ички хавфсизликни таъминлаш тармоғига зудлик билан маълум қилиш;

бошқа ходимлар, жалб қилинган мутахассислар ёки ишга алоқадор бошқа шахслар томонидан жиноят ёхуд бошқа хукуқбузарлик ёки ушбу шахсларни жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик содир этишга ундовчи ҳаракатлар содир этилганлиги ҳакидаги маълумотларни зудлик билан раҳбарига ёки ички хавфсизликни таъминлаш тармоқига маълум қилиш;

хизмат фаолиятига норасмий жамоатчи ёрдамчилар ва бошқа бегона шахсларни белгиланган тартибига зид равишида жалб қилмаслик, шунингдек, бундай ҳолатлар ҳакида раҳбарига маълум қилиш;

хизмат вазифалари билан боғлик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига моддий қимматликлар олмаслик ёхуд мулкий (номулкий) наф кўрмаслик;

ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик қўрилаётган қонун бузилишлари ҳакида раҳбари ёки ички хавфсизликни таъминлаш тармоқига зудлик билан хабар берishi.

**Касб одобномасининг тўртинчи қисми прокуратура органлари раҳбар ходимларининг**

**мажбуриятларини белгилайди.** Унга кўра прокуратура органлари раҳбар ходимлари қўйидагиларга мажбур:

- 1) буйсунувидаги ходимларга профессионализм, ҳалоллик, ҳолислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш;
- 2) жамоада соғлом маънавий мухитни шакллантириш;
- 3) ходимларни қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;
- 4) кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймокчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари буйича танлаш ва тайинлашга йул қўймаслик;
- 5) гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қуллаб-қувватлаш) кўринишларига йул қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;
- 6) ходимлар ва уларнинг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;
- 7) ходимлар томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;
- 8) буйсунувидаги ходимларни ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилиш чораларини кўриш;
- 9) буйсунувидаги ходимлар уларга пора бериш ёки қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишга оғдиришга қаратилган ҳар қандай ҳолатлар ҳакида хабар берган тақдирда, бу ҳақда раҳбариётни ёки ички хавфсизликни таъминлаш тармоқларини хабардор этиб, зарур қонуний чораларни кўриш.

**Касб одобномасининг бешинчи қисми хизмат мобайнида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган.**

Ходимлар мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йул қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги туғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбурдир.

**Касб одобномасининг олтинчи қисми ходимлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган.**

Ходимларни хизмат вазифаларини бажариш билан боғлик таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга прокуратура органлари раҳбар ходимлари ва ички хавфсизликни таъминлаш тармоқлари масъулдир.

Жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳакида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда хабар берилганилиги муносабати билан вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

**Касб одобномасининг еттинчи қисми ходимларнинг Касб одобномасига амал қилмаганлиги учун жавобгарлик масалалариға қаратилган.**

Хизматга қабул қилинган ходимлар Касб одобномаси билан имзо қўйдирган ҳолда таниширилади.

Ходим томонидан Касб одобномаси қоидаларига риоя қилиниши аҳволи уни аттестациядан ўтказишида, юқори лавозимларга тайинлаш ва кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Касб одобномаси қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текширувлари ўтказилади.

Хизмат текшируви холосаси асосида тегишли раҳбарга ходимни жавобгарликка тортиш туғрисида таклиф киритилиши мумкин.

Касб одобномаси қоидаларининг бузилиши ходимни қонун хужжатларида белгиланган

тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Буйсунувидаги ходимлар томонидан прокуратура ходими деган номга дод тушурувчи ножуя хатти-харакат содир этилган такдирда раҳбарнинг жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари томонидан Касб одобномаси талабларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори (08.05.2018 йилдаги ўзгартиришлар билан) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида Низомнинг V бобида белгиланган. Низомга биноан прокуратура органларининг ходимларига нисбатан интизомий жазолар ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, прокуратура ходими деган номга дод туширадиган хатти-харакат содир этганлиги учун кўлланилади.

Интизомий жазонинг қуидаги турлари мавжуд:

**хайфсан;**

**ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима;**

**лавозимда пасайтириш;**

**даражали ёки ҳарбий унвонни бир поғонага пасайтириш;**

**хизмат вазифаларини мунтазам ёки бир марта қўпол равища бузганлиги учун хизматдан бўшатиш.**

Низомнинг 32 бандига асосан ходим **ножуя хатти-харакат содир этганлиги** учун прокуратура органларидан **бўшатилганда даражали унвон ёки ҳарбий унвондан маҳрум этилиши мумкин.**

Прокуратура органи ходими хизмат бурчини қўпол равища бузганлиги ёки **содир этган номуносиб хатти-харакати** учун унинг даражали унвони ёки ҳарбий унвони **пасайтирилиши мумкин.**

Куидагилар хизмат вазифаларини бир марта қўпол равища бузиш деб ҳисобланади:

**узрли сабабларсиз прогул қилиш (шу жумладан иш куни давомида ишда уч соатдан ортиқ бўлмаслик);**

**хизматга маст ҳолда келиш, шунингдек, иш жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;**

**жиноий жазоланадиган қилмиш ёки прокуратура органлари ходимига номуносиб ножуя хатти-харакат содир этиш;**

**прокурорлар ва терговчиларнинг қасамёдини бузиш (43банд).**

Низомнинг 44 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори барча интизомий жазо турларини қўллашга ҳақлидир, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланган ходимларни лавозимидан бўшатиш ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ёхуд Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан берилган даражали ёки ҳарбий унвонларда пасайтириш бундан мустасно. Бундай ҳолларда Бош прокурор тегишли тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига мурожаат қилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан мазкур Низомнинг 43-бандида назарда тутилган ҳайфсан ва жарима тарзидаги интизомий жазо турларини қўллашлари мумкин. Бундан ташқари, улар Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган ҳолатлардаги келишиш тартибига риоя қилган ҳолда хизматга қабул қилиш ва тайинлаш ўз ваколатига кирувчи ходимларнинг лавозимини пасайтириши ёхуд хизматдан бўшатиши мумкин.

**Туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ўз ваколатлари доирасида бўйсунувчи ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси прокурорига, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга тақдимнома киритадилар.**

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар хизматга қабул қилиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ваколатига кирадиган ходимларнинг лавозимини пасайтириш ёки хизматдан

бўшатиш, шунингдек, прокуратура органлари ходимларининг даражали увонини пасайтириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тақдимнома киритадилар.

**Низомнинг 45 бандига асосан Интизомий жазо қўллаш масаласини ҳал этаётган прокурор содир этилган хатти-ҳаракатни шахсан ўзи ўрганиб чиқиши шарт.** Зарур ҳолларда хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

Интизомий жазо қўллашдан аввал прокуратура органи ходимидан ёзма равища тушунтириш хати талаб килиб олиниши лозим. Прокуратура органи ходимининг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

**Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.**

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, прокуратура органи ходимининг касал ёки таътилда бўлган вақтини хисобга олмаган ҳолда **узғи билан бир ой** ичида қўлланилади.

**Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган қундан бошлаб олти ой ўтганидан,** хизмат текшируви натижасида аниқлангандан эса, - **содир этилган қундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди.** Жиноят иши бўйича ўтказилган дастлабки тергов ва суд даври бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо буйруқ билан берилади ва у прокуратура органи ходимига маълум қилиниб, тилхат олинади ҳамда унинг шахсий йиғма жилдига қўшиб қўйилади. Интизомий жазо қўллаш ҳақидаги буйруқ мазкур прокуратура органи ходимларига, зарур ҳолларда эса прокуратура органларининг барча ходимларига ҳам эълон қилиниши мумкин.

Низомнинг 46 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори интизомий жазони бекор қилиш, қаттиқроқ интизомий жазо қўллаш ёки уни енгиллаштириш хукуқига эга. Агар интизомий жазо сифатида хизматдан асоссиз бўшатиш қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори хизматдан бўшатиши асоссиз деб топиб, прокуратура органи ходимини илгариги лавозимига тиклаш ёки унга тенг бошқа лавозимга тайинлаш ва мажбурий прогул вақти учун, бироқ кўпи билан бир йилдан ортиқ бўлмаган даврга ҳақ тўланиши тўғрисида буйруқ чиқаради.

**Низомнинг 47 бандига асосан «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими» қўкрак нишони билан тақдирланган прокуратура органлари ходимларига нисбатан хизматдан бўшатиши тарзидаги интизомий жазо фақатгина Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланган прокуратура органи ходими интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда, интизомий жазо қўллаш ҳақидаги буйруқ нусхаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади.

Низомнинг 49 бандига асосан прокуратура органи ходими интизомий жазо қўлланилган қундан бошлаб **бир йил мобайнида қайта интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.**

Кўлланилган интизомий жазо бу ҳақдаги буйруқ қабул қилинган қундан **камида олти ой ўтгач, ушбу жазони қўллаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан, ходим ўз хизмат вазифасини вижданан бажариб, хизматда ўрнак кўрсатса, муддатидан илгари олиб ташланиши мумкин.**

Интизомий жазо мавжудлиги прокуратура органи ходимининг лавозим бўйича юқори кўтарилишига ёки унга даражали увон берилишига, шунингдек, раҳбарлик лавозимлари учун захираға киритилишига (бўлишига) тўсқинлик қилувчи ҳолат ҳисобланади.

**Низомнинг 51 бандига асосан прокуратура органи ходими қўлланилган интизомий жазо устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига буйруқ эълон қилингандан кейин икки ҳафталик муддатда шикоят қилиши мумкин.**

**Шикоят келиб тушган қундан бошлаб ўн беш кун муддатда, қўшимча текширув ўтказиш зарур бўлган ҳолларда эса бир ойдан кечикмай кўриб чиқилади.**

Шикоят билан мурожаат қилиниши интизомий жазо ижросини тўхтатиб қўймайди.

Низомнинг 52 бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ўзига бўйсунувчи прокурорлар томонидан рағбатлантириш ва интизомий жазо қўлланишининг асослилиги ва қонунийлигини назорат қилиб боради ҳамда асоссиз ва ноқонуний буйруқларни бекор қилиш чораларини кўради.

Прокурор интизомий жазо қўллаш борасида ўзига берилган ваколат доирасидан четга чиқса ёки лозим бўлган ҳолларда жазо қўлламаса, интизомий жавобгарликка тортилади.

Ҳарбий прокуратура ходимлари мазкур Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг интизом Низомига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар.

**Ҳарбий прокуратура ходимларига ҳарбий интизомни бузганликлари ва хизматдаги ножўя қилмишлари учун интизомий жазо қўллаш ҳуқуқига ваколат доирасида фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори эгадир.**

Низомнинг 54 бандига асосан Прокуратура органлари ходимлари давлат химоясида бўлади.

Хизмат вазифасини бажариш вақтида прокуратура органлари ходимини ушлаб туришга, шахсий тинтуб ўтказишга, унинг нарсаларини ва фойдаланаётган транспортини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Прокуратура органларининг ходимларига, шунингдек, прокуратура органларидан хизматдан бўшатилган шахсларга нисбатан уларнинг прокуратура органларида хизмат вазифаларини бажариш жараёнида содир этган қилмишлари учун жиноят иши қўзғатиш масаласи ҳамда прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенгглаштирилган прокурорлар томонидан ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Прокуратура ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 158-сонли буйруги билан тасдиқланган “Ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ва уларни хизмат вазифаларини бажаришдан вақтинча озод қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома асосида ўтказилади.

**2. Прокуратура органлари, муассасалари ва Департамент ходимларига нисбатан хизмат текширувлари улар томонидан хизмат ёки ижро интизомининг бузилиши, прокуратура ходимига номуносиб ҳаракат ёхуд прокуратура ходими деган номга доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолатлари юзасидан ўтказилади.**

**Хизмат ёки ижро интизоми бузилиши** – ходимлар томонидан ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликда, уларни бажаришда белгиланган тартибларга риоя этмасликда ифодаланган қилмишлар.

**Прокуратура ходимига номуносиб ҳаракатлар** – ходимнинг ҳуқуқий мақомига хос бўлмаган ва умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларида зид, шунингдек, маъмурий жавобгарликка асос бўладиган қилмишлар.

**Прокуратура ходими деган номга доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракатлар** – ходимнинг жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган қилмишлар.

### **§ 2.3. Суд этикаси моҳияти ва аҳамияти**

Мамлакатимизда суд кадрларини тайёрлаш, уларнинг одил судлов соҳасидаги назарий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлаш билан салоҳиятини юксак даражага кўтариш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, бизда суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими шакллантирилган. Бу борада муайян ижобий тажриба тўпланган.

Айни пайта юртимизда шиддат билан ривожланаётган сиёсий-ҳуқукий, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар судьяларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган талабларни қайта кўриб чиқиши тақозо қилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармонида ушбу соҳадаги ишларни халқаро стандартлар ҳамда ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси асосида тубдан яхшилаш вазифаси қўйилди.



Фармонда судьялик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш, судьялар малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш яхшилашга эътибор қаратилган. Бу борада хорижий амалиёт ва халқаро стандартлардан келиб чиқкан ҳолда ўқиш ва амалиёт ўташ даврини узайтириш орқали судьяликка номзодларни тайёрлашга янги талабларни қўйиш куттилмоқда.

Шунингдек, судьяларни суд амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича мунтазам равишда тадбирлар ўтказиш шаклида малакасини ошириш кузда тутилган. Мазкур Фармоннинг мақсади судлар фаолиятини ташкил этиш судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тавсия этишда янги механизmlар шакллантириш, суд-хукуқ ислоҳотларини чукурлаштириш, одил судлов самарадорлигини ошириш йўлидаги тўсиқлар ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Судьялар юқори салоҳиятга бўлса ва буни ўз фаолиятида намоён қила олсагина фуқароларнинг судга бўлган ишончи ортади.

Бугунги давр талаби айнан шу соҳада изчил ислоҳотларни амалга оширишни тақозо эттилмоқда. Хусусан, бўлажак судьяларни тайёрлаш курсида тингловчиларнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги кўнималарини шакллантириш, суд процесси иштирокчилари билан мулоқот олиб боришининг самарали усулларини қўллаш, судьянинг ўз хизмат вазифасини бажариш жараёнида ўзини тутиши, шунингдек суд этикаси қоидаларини ўзлаштириб олишга эътибор қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизма қиласди.

Мамлакатимизда суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими шакллантирилиб, судьяликка заҳирага олинган шахсларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони суд ҳокимияти нуфузини оширишда ҳамда суд мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Унинг мантиқий давоми сифатида эса, судлар фаолиятини ташкил этиш судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тавсия этишда янгича механизmlарни шакллантириш, суд-хукуқ ислоҳотларини чукурлаштириш, одил судлов самарадорлигини ошириш йўлидаги тўсиқлар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Суд этикасига оид халқаро стандартларни жорий этиш бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибаси кўриб чиқиш бугунги кунда муҳим масала ҳисобланади.



Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида судьянинг фаолияти суд этикасининг кодекслари билан тартибга солинади. унга кўра ўзини тутишнинг тўғри усулини танлаш, суд тизимидағи тегишли тузилмаларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконияти судьянинг ўзига берилади.

Юқори талабларга жавоб бериш нафақат давлат ва суд органларининг, балки қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга бевосита алоқадор судьянинг ҳам мажбуриятидир.

Ўзбекистонда суд кадрларини тайёрлаш ва суд этикасининг қонунчилик асослари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги Қонун судьяларнинг хукуқий ваколатларини аниқлаб беради ва улар олдига давлат ҳокимиятини амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда фуқаро ва ташкилотларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини, ҳамда давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилишдек маҳсус мақомига мувофиқ талабларни қўяди.

Судда иш кўриш тартибига апелляция, ярашув институтлари киритилди, судда иш кўриш тартибини енгиллаштириш учун чоралар қабул қилинди, шунингдек, суд ваколатларини кенгайтириш бўйича ҳамда суд тизимига янги ахборот технологиялари тадбиқ этиш бўйича чоралар қўрилмоқда. Буларни барча судьялардан ўз устида доимий ишлаб боришни талаб қиласди.

Судьялар томонидан ўз касбий мажбуриятлариниadolатли ва вижданан бажариши, уларнинг қарор қабул қилишдаги мустақиллиги хукуқбузарликларни самарали бартараф этилиши, жамиятнингadolатга бўлган ишончини мустаҳкамлашда, суднинг холислиги ва мустақиллигини кафолатлади.

Мустақил суд ҳокимиятини кучайтириш, кадрлар билан ишлашда демократик асосни мустаҳкамлаш, суд корпусининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолият юритаётган бўлиб, улар суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги халқаро хукуқий тамойиллар ва умумэтироф этилган нормаларга мувофиқ келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида **2018 йил 29 январда Судьялар Олий кенгашининг № СОҚҚ-490-Ш қарори билан Судьяларнинг одоб-ахлоқ Кодекси** қабул қилинган бўлиб у, судьялар учун хизмат вазифаларини бажараётгандан ва хизматдан ташқари пайтдаги мажбурий қоидаларни тартиба солади. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг мустаҳкамланишига ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга, мазкур касб эгаларининг нуфузини кўтаришга ўзининг муносиб хиссасини қўшди.

Судьялар малакасини ошириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки судьяларнинг касбий билимга эга эканлиги суд тизимини яратиш ва шакллантиришда асосий пойdevor бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга адолат даражасини кўтаришда суд кадрларини тарбиялаш, уларнинг касбий маданиятини ошириш, улар томонидан суд этикасига риоя қилиш асосий омиллар ҳисобланади.

Мамлақатимизда ўтган давр мобайнида суд ҳокимияти нуфузини ошириш, уни ўтмишдаги жазоловчи органдан инсон хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи мустақил институтга айлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Президент Ш. Мирзиёевнинг бевосита ташабbusi билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва кўрилган амалий тадбирлар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, суд ҳокимиятининг фуқаролар хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан ошириди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўёналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг том маънода мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг энг асосий ўёналишлари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига асосан фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди, судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайташишдек одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган амалиётга чек қўйилди.

Судьяларни таъминлаш тартиби тубдан такомиллаштирилиб, судьялар ҳамжамиятининг янги органи – Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги қайта кўриб чиқилиб, судьяларнинг хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини берадиган даражада, ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва мақбуллаштирилди.

Бу ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши суд тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва масъул ходимларнинг ўз хизмат бурчини садоқат билан,adolатли ва масъулиятили бажаришига чамбарчас боғлиқидир.

2017 йилнинг 13 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тарихий учрашувда аниқ кўрсатиб ўтилган суд тизимидағи жиддий муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда олдимизга қўйилган вазифаларни тўғри ҳал этиш учун ҳар биримиз ишга бўлган муносабатимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз, шахсий масъулиятимизни кескин оширишимиз зарур.

Шу муносабат билан 2017 й. 6 июль куни, Ҳаракатлар стратегияси ижросини самарали таъминлашда суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ўта муҳим аҳамиятини ва долзарблигини

тўйлик англаган ҳолда, **Ўзбекистон Республикаси судъяларининг Ўзбекистон халқига мурожаати** қабул қилинди. Унда судъялар қуидагиларни ўз зиммасига қабул қилдилар:

**Биринчидан**, кундалик фаолиятимизда халқ билан бевосита юзма-юз, очик мулоқот шакларини кенгайтирамиз, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳукуқларини тиклаймиз ва ҳақиқатни қарор топтирамиз.

**Иккинчидан**, фаолиятимизни яна бир бор қайтадан танқидий таҳлил қилиб, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлаймиз, одил судловни амалга оширишдаги гов-тўсиқларни таг-томири билан бартараф этамиз, судни том маънода “Адолат қўргони”га айлантиришда бор билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз. Судга борган ҳар бир фуқаро факат адолат топишига кафолат берамиз.

**Учинчидан**, судда ишларни судъялик бурчимиз ва виждонимиз бу юрганидек бегараз, холис ва адолатли ҳолда кўрамиз, энг асосийси, қабул қилган ҳар бир қароримиз қонуний, асосли, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган бўлиши учун барча масъулиятни ўз зиммамизга оламиз.

Ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда онгимизда – адолат, тилимизда – ҳақиқат, дилимизда эса поклик устувор бўлади.

**Тўртинчидан**, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган барча ислоҳотларни амалга оширишга барчамиз жиддий масъулият ва ташабbusкорлик билан ёндашамиз, энг асосийси, мамлакат тақдирига дахлдорлик хиссини кучайтирамиз.

**Бешинчидан**, ҳар қандай ҳолатда одил судловни таъминлаш ва адолатни қарор топтиришга қодир, мустаҳкам иродали, **ҳалол**, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга судъялар таркибини шакллантирамиз. Бунга барчамиз бирдек масъулмиз.



**Олтинчидан**, судъялик – бу машақкатли, шу билан бирга, шарафли касб ва юксак мақом эканлигини чукур англаган ҳолда, **судъялик шаънига доғ туширадиган ҳар бир гайриқонуний хатти-ҳаракатга “фавқулодда ҳолат” сифатида қараймиз**, адолатга хиёнат қилган ходимларга нисбатан муросасиз курашамиз ва сафларимиз соғлигини таъминлаймиз.

**Еттинчидан**, судъялар касбий тайёргарлигини ошириш, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали иш юритиш тартибини соддалаштирамиз ва фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрамиз.

**Саккизинчидан**, суд амалиётини доимий таҳлил қилиб бориши асосида тизимили қонун бузилишларни аниқлаймиз ҳамда ушбу соҳадаги камчиликларни қонунчилик ва ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чоратадбирларни амалга оширамиз.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик кундалик қоидамиз, фаолиятимизнинг асосий мезони бўлади.


Зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифаларни сидқидилдан, ҳалол ва вижданан бажаришга, одил судловни фақат конунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, ҳалқимиз ва Президентимиз олдида берган қасамёдимизга ҳамиша содик қолишга ваъда берамиз!



**Суд этикаси** – суд процесси иштирокчилари ва бошқа шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал нормаларга риоя қилишга оид судъянинг профессионал фаолиятига асосланади.

**Судъялар одоб ахлоқининг Банголор принциплари.** Ҳар бир шахсга унинг ҳукуқлари ва бурчларини белгилаш, шунингдек жиноят содир этишдаги айби масаласи билан боғлиқ иши очик суд мажлиси шароитида, мустақил суд томонидан адолат ва холислик асосида кўриб чиқилиши ҳукуқи тенг меъёрда берилиши, барча фуқароларнинг суд олдида тенглигини, шунингдек ҳар бир шахснинг унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир

фукаролик жараёнида ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, шунингдек жиноят содир этишдаги айби масаласи билан боғлик иши белгиланган суд тартибиди, очиқ суд мажлисида нуфузли ва мустақил суд томонидан адолат ва холислик асосида ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳуқуқини кафолатловчи халқаро-ҳуқуқий хужжатларда кафолатланган.



**Судьялик этикаси** – бу судьянинг хизмат ва хизматдан ташқари фаолиятига оид ахлоқ қоидалариридир.

Мазкур принциплар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий хужжатларда, давлатларнинг конституцияларида ҳам тан олинган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида судлов органларининг билимдонлиги, мустақиллиги ва холислиги муҳим аҳамиятга эга.

Ҳукуқ-тартиботни сақлаб туришда судлар ўз ролларини мукаммал бажаришларида уларнинг мустақиллиги ва холислиги катта аҳамиятга эгадир.

Жамиятнинг суд тизимида, шунингдек судлов органларининг ахлоқ, ҳалоллик ва поклик (порага учмаслик) масалаларида суд тизимининг обрў-эътиборига ишончи замонавий демократик жамиятда муҳим роль ўйнайди.

Судьялар жамиятнинг уларга кўрсатаётган ишончи даражасини тушунган кўйи, якка ҳолда ҳам, жамоа бўлиб ҳам ўз лавозимларига иззат-икром ва эҳтиромга лойиқ вазифа тариқасида муносабатда бўлиши ҳамда суд тизимида бўлган ишончни сақлаб туриш ва янада мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайрат ва саъй-ҳаракатларини сафарбар этиши талаб этилади.

Судьяларнинг одоб-ахлоқи ва юриш-туришининг юксак стандартларини рағбатлантириш ва қўллаб-кувватлаш ҳар бир давлат судлов органларининг бевосита мажбурияти эканлигини эътиборга олиб Судьяларнинг одоб ахлоқига оид Банголор тамойиллари ишлаб чиқилган.

Банголор принциплар судьяларнинг одоб-ахлоқ стандартларини белгилаш мақсадини кўзлайди. Бу принциплар судьяларга қўлланма сифатида фойдаланиш учун, шунингдек судлов органларига судьяларнинг одоб-ахлоқи ва юриш-туришини тартибга солишнинг таянч принциплари сифатида ишлатиш учун йўналтирилган.

Бундан ташқари улар одил судловнинг амалга оширилиш жараёни ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, адвокатлар ва умуман жамият томонидан яхшироқ тушуниб олиниши ва қўллаб-кувватланишида кўмакдош бўлади.

Мазкур принциплар судьялар ўз хулқ-атвор ва одоб-ахлоқи бобида судлов стандартларини қўллаб-кувватлаб туриши учун таъсис этилган, холислик асосида ва мустақил тарзда фаолият олиб борадиган, судьяларга даҳлдор мавжуд ҳуқуқий нормалар ва хулқ-атвор қоидаларининг аҳамиятини камайтириш эмас, аксинча, ошириш мақсадини кўзлайдиган тегишли органларга ҳисобдорлигини назарда тутади.

Банголор принциплари қўйидагиларни ўз ичига олади: **мустақиллик, холислик, ҳалолик ва порага учмаслик, одоб нормаларига риоя қилиши, тенглик ва компетентлик ва интиљувчанлик.**

Мазкур принципларни батафсил кўриб чиқамиз.

### **Мустақиллик принципи**

**Суд органларининг мустақиллиги** ҳукуқ-тартиботни таъминлаш омили ва судда ишларни адолатли ҳал қилишнинг асосий кафолати ҳисобланади. Бинобарин судья судлов органларининг мустақиллиги принципини ҳимоя қилиши ҳамда уни индивидуал ва институционал жиҳатдан ҳаётга татбиқ эта бориши керак.

Судья судлов борасидаги вазифасини, ҳар қандай тараф томонидан бевосита ва билвосита содир этиладиган ва ҳар қанақа мақсадни кўзловчи ҳар қандай чет таъсирдан, ният-истақдан, босимдан, таҳдид ёки аралашибдан қатъи назар, фақат фактларни баҳолашдан келиб чиқсан ҳолда, ҳуқуқни онгли тушунишга монанд тарзда амалга ошириши керак.

Судья умумун жамиятга нисбатан ва хусусан судья тариқасида ўзи қарор чиқариши лозим бўлган суд ишининг муайян тарафларига нисбатан мустақил позицияда туради.

Судья ўз лавозимида мувофиқ бўлмаган ҳар қандай муносабатларга ёхуд ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари томонидан ўзига таъсир ўтказилишига йўл қўймайди, бу

чет кузатувчига ҳам аниқ-равшан аён бўладиган тарзда амалга оширилади.

Судья иш бўйича қарорини мустақил қабул қилиши лозим бўлган ҳолларда, у суд таркибидаги бошқа ҳамкасабаларининг фикрларига мутлақо боғланиб қолмаган тарзда иш тутади.

Судья судьяларнинг институционал ва тезкор мустақиллигини сақлаб туриш ва ошириб бориш мақсадида улар ўз мажбуриятларини бажариши кафолатларини ҳимоя қиласди ва қўллаб-кувватлайди.

Судья судлов органларига бўлган ижтимоий ишончни мустаҳкамлаш мақсадида судьялар одоб-ахлоқи ва юриш-туришининг юксак намуналарини намоён этади ва рағбатлантириб боради, бу эса судлов органларининг мустақиллигини сақлаб туришда бағоят муҳим аҳамиятга эга.

#### **Холислик принципи**

**Судьянинг холислиги** унинг ўз бурчлари ва мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг мажбурий шарти ҳисобланади. Бундай холислик чиқариладиган қарорнинг мазмунидагина эмас, балки уни қабул қилиш билан биргаликда кечадиган барча процессуал ҳаракатларда намоён бўлади.

Ўз вазифаларини бажаришда судья муайян тарафни афзал кўришдан, муайян тарафга олдиндан инониб хulosса чиқаришдан ёки муайян тараф ҳақида олдиндан янглиш фикрга боришдан батамом холи бўлади.

Судьянинг одоб-ахлоқи суд мажлисларида ва суд биносидан ташқарида жамиятнинг, юридик касб соҳибларининг ҳамда суд процесси тарафларининг судьялар ва судлов органлари холислигига бўлган ишончини сақлаб туришда ва ошириб боришда кўмақдош бўлиши керак.

Судья уни суд мажлисларида иштирок этиш ва суд ишлари бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳаракатлар содир этишдан иложи борича ўзини тийиши керак.

Олдиндан маълум ёки фақат тахмин қилинаётган ишни кўриш бошлангунга қадар судья вазиятга оқилона баҳо бериш талабидан келиб чиқиб, мазкур ишнинг натижасига бирон бир тарзда таъсир қиладиган ёки процесс адолатли амалга оширилишини шубҳа остига кўядиган ҳар қандай шарҳдан тийилади. Судья омма олдида ёки бошқа йўсинда шарҳ беришдан тийилади, чунки бундай шарҳ бериши ишни бирор-бир шахс ёки масалага нисбатан олдиндан инониб хulosса чиқариш асосида кўриш ҳолларининг олди олинишига монелик қилиши мумкин.

Судья, агар муайян иш бўйича холислик билан қарор чиқариш имконсиз бўлса ёхуд чет кузатувчида судьянинг холислигига шубҳа келиб чиқадиган ҳолларда ишни кўришда қатнашишдан ўзини ўзи рад этиши хусусида арз қиласди. Қуйида бундай ҳолларга оид айрим мисоллар шунчаки санаб ўтилади:

а) судьяда тарафларнинг бирортасига нисбатан олдиндан инониб хulosса чиқарилган ёки янглиш фикр шаклланган бўлса, ёхуд кўриледиган ишга даҳлдор қандайдир далилий фактлар судьяга ўзининг шахсий манбаларидан маълум бўлиб қолган бўлса;

б) илгари худди шу низо предмети кўрилганда судья ишда адвокат сифатида иштирок этган бўлса ёки у бу ишга муҳим гувоҳ сифатида жалб қилинган бўлса;

с) судья ёки оила аъзолари кўриладиган ишнинг натижаларидан моддий манфаатдор бўлса;

д) ишни кўриш учун бошқа ҳеч бир суд тайинланиши мумкин бўлмаганлиги ёхуд ишнинг хусусияти тез ҳал қилинишини тақозо этаётганлиги туфайли, ишни ҳал этишда сусткашлик қилиш жиддий суд хатосига олиб келадиган бўлганлиги боис судьяни мазкур ишни кўришда иштирок этишдан четлатишнинг иложи бўлмаса.

#### **Ҳалоллик ва поклик (порага учмаслик) принципи**

**Ҳалоллик ва поклик (порага учмаслик) принципи** судьялар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг зарур шарти ҳисобланади.

Судья ҳатто чет кузатувчининг назарида ҳам нуқсони бўлмаган одоб-ахлоқ намоён этади.

Судьянинг ҳаракат тарзи, юриш-туриши ва одоб-ахлоқи жамиятнинг судлов органларининг ҳалоллигига ва поклигига (порага учмаслигига) бўлган ишончини сақлаб туриши ҳамда қўллаб-кувватлаши керак. Одил судловни шунчаки амалга оширишнинг ўзи етарли эмас, бу иш жамият учун очиқ ва ошкора тарзда содир этилмоғи лозим.

#### **Одоб нормаларига риоя қилиш принципи**

**Одоб нормаларига риоя қилиш**, одоб нормаларига чинакам риоя қилаётганинг намоён этиш судьялар фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Судья ўз лавозими билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишда ножўя хулқ-автор кўринишлари зоҳир бўлишига йўл қўймаган ҳолда одоб нормаларига қатъий риоя қиласди.

Жамоатчиликнинг доимий эътибори судьяга бир қатор чекловларни зиммасига олиш мажбуриятини юклайди; мазкур чекловлар оддий фуқарога оғир юк-ташвиш бўлиб туюлса-да, судья уларни ўз хоҳиши билан, бажонидил қабул қиласди. Хусусан судьянинг одоб-ахлоқи ўз лавозимининг юқори мақомига мутаносиб бўлиши керак.

Мазкур судья иш кўрилаётган судда доимий амалиёт билан банд бўладиган адвокатлар билан ўзаро шахсий муносабатларида судьянинг ўзида асослантирилган шубҳа-гумон келтириб чиқарадиган ёхуд бирор тарафни афзал кўриш ёки бирор тараф ҳақида олдиндан инониб холоса чиқариш кўринишларини юзага келтирадиган ҳолатлардан ўзини батамом четга олади.

Судья муайян ишни кўриша, агар оиласи аъзоларидан кимdir судда тарафлардан бирининг вакили сифатида қатнашаётган ёхуд ишга бошқа қандайдир шаклда алоқадор бўлса, иштирок этмайди.

Судья ўзининг яшаш жойини бошқа адвокатларга мижозларни қабул қилишлари ёхуд ҳамкасабалари билан учрашишлари учун бериб қўймайди.

Ҳар қандай фуқаро каби судьяга ҳам сўз, эътиқод, йиғилиш ва уюшмаларда қатнашиш эркинлиги кафолатланади, аммо бу ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнида судья ҳамиша судьялик лавозимини юқори мақомда сақлаб туришни ўйлади ҳамда судлов органларининг холислиги ва мустақиллигига тўғри келмайдиган ҳаракатларга йўл қўймайди.

Судья оиласи аъзоларининг махфийлик хусусиятидаги шахсий ва моддий манфаатларидан хабардор бўлиши ҳамда уларнинг моддий манфаатлари тўғрисида маълумот олиб туриш мақсадида оқилона чоралар кўриши керак.

Судьялик вазифаларини амалга ошириши билан боғлиқ фаолиятига ҳамда суд қарорларини қабул қилишига судья ўз оиласи аъзоларининг ижтимоий ва бошқа хил муносабатлари лозим бўлмаган тарзда таъсир қилишига йўл бермаслиги керак.

Судья ўзининг, оила аъзоларининг ёки бошқа ҳар қандай шахсларнинг шахсий манфаатларини кўзлаб ўз лавозимининг обрў-эътиборидан фойдаланишга ёки фойдаланишига йўл қўйиб беришга ҳақли эмас. Судья судьялик ваколатларини амалга оширишига кимdir лозим бўлмаган тарзда таъсир ўтказмоқда деган холосага келиш мумкин бўлган йўсинда. ҳаракат қилмаслиги ёки бошқа шахслар шундай ҳаракат қилишига йўл қўйиб бермаслиги керак.

Судьяга лавозим мавқеи туфайли маълум бўлиб қолган махфий маълумотлар судьялик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳар қандай мақсадда унинг ўзи томонидан фойдаланиши ёхуд кимгадир ошкор қилиниши мумкин эмас.

Судья ўз мажбуриятларини лозим даражада адо этган тақдирда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) адабий, педагогик фаолият билан шугулланиш, маъruzалар ўқиши, ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни амалга ошириш ва шунга ўхшаш бошқа масалалар билан боғлиқ фаолиятда иштирок этиш;

б) ишларни оммавий эшлишида ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни амалга ошириш ва шунга ўхшаш соҳалар билан боғлиқ масалалар юзасидан расмий орган олдида сўзга чиқиш;

с) башарти судьянинг холислигича қолишига ва сиёсий жиҳатдан бетарафлик позициясини сақлашига имкон берадиган бўлса, расмий орган, ҳукумат қўмитаси, комиссияси, маслаҳат кенгashi аъзоси бўлиш;

д) судьялик лавозимининг юқори мақомига тўғри келадиган бўлса ҳамда судьялик вазифаларини бажаришга қандайдир даражада тўскинлик қилмайдиган бўлса, бошқа фаолият билан шуғулланиш.

Судья судьялик лавозимини эгаллаб турган даврда юридик амалиёт билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Судья судьялар манфаатини кўзлайдиган уюшма, ташкилот таъсис этишга, судьялар уюшмаси ёки ташкилотлари сафига киришга ҳақли.

Судья ва унинг оила аъзолари, башарти судьялик мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўладиган, судьянинг содир этган, содир этмоқчи бўлган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида келиб чиқадиган бўлса, ҳар қандай совғалар, ссудалар, васиятномалар ёки бошқа

шаклда ёрдам талаб қилишга ёки олишга ҳақли эмас.

Судья суд ходимларига, шунингдек ўзининг таъсири остидаги, унинг бўйсунувидаги ёки унинг раҳбарлиги остида ишлайдиган бошқа шахсларга, башарти судьяга улар лавозим мажбуриятларини бажариши билан боғлик бўладиган, судьянинг содир этган, содир этмоқчи бўлган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида келиб чиқиши олдиндан маълум бўлса, совғалар, ссудалар, васиятномалар ёки бошқа шаклда ёрдам талаб қилишларига ёки олишларига йўл қўйишга ҳақли эмас.

Қонунда оммавий фош этиш билан боғлик тақиқлар ёки бошқа қонуний чекловлар бўлмаса, судьянинг ўз судьялик вазифасини бажаришига қандайдир тарзда таъсир ўтказиш нияти ёхуд бошқа гаразли ният англашилмаса, муайян муносабат билан судья эсадалик совғаси, мукофот ёки имтиёз олишга ҳақли.

### Тенглик принципи

Суд мажлислида барча тарафлар учун тенг муомала ва муносабат таъминланиши судья ўз мажбуриятларини лозим даражада амалга оширишида муҳим аҳамиятга эга.

Судья жамиятнинг хилма-хиллигини ва кўплаб манбалардан, шу жумладан ирқий мансублиги, терисининг ранги, жинси, дини, миллий келиб чиқиши, табақаси, меҳнатга лаёқатли-лаёқатсизлиги, ёши, оиласиб аҳволи, шаҳвоний мойиллиги, ижтимоий ва иқтисодий мавқеи ҳамда шунга ўхшаш бошқа сабаблардан (ишга тегишли бўлмаган асослардан) келиб чиқадиган тафовутни чўқур англаши ва тушуниши керак.

Судьялик мажбуриятларини бажараётганда судья ишга тегишли бўлмаган сабабларга амал қилиб, ўз сўзи ва хулқи-атвори билан ҳар қандай шахслар гурухига нисбатан гаразгўйлик ёхуд олдиндан инониб хulosha чиқариш ҳолларини намоён этмаслиги керак.

Судья судлов вазифаларини барча шахсларнинг, шу жумладан судлов ишидаги тарафларнинг, гувоҳларнинг, адвокатларнинг, суд ходимларининг ва суд таркиби бўйича ҳамкарабаларининг манбаатларини талаб даражасида инобатга олган ҳолда, ишга алоқаси бўлмаган, судлов вазифаларини лозим даражада амалга ошириш учун аҳамиятсизроқ асослардан келиб чиқкан ҳолда - тафовутга бормай адо этади.

Судья суд ходимлари ёки судьянинг таъсири остидаги, унинг бўйсунувидаги ёки унинг назоратидаги бошқа шахслар суд томонидан кўрилаётган иш бўйича, мазкур шахсларга тааллукли бўлмаган ҳар қандай асосларда табақалашган (дифференциал) тарзда ёндашувда бўлишларига онгли равища йўл қўймаслиги лозим.

Судья суд муҳокамасида иштирок этаётган адвокатлардан ишга тегишли бўлмаган асослардан келиб чиқиб ўз сўзи ёки хулқи-атвори билан гаразгўйлик ёки олдиндан инониб хulosha чиқариш ҳолларини намоён этишдан тийилишни талаб қиласи, бундан суд муҳокамаси предмети учун ҳукукий аҳамиятга молик ва қонунан оқланиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

### Компетентлик ва интилувчанлик принципи

**Компетентлик ва интилувчанлик** судьяларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларининг зарурӣ шарти хисобланади.

Судьянинг судьялик вазифалари унинг бошқа барча фаолият турларидан устувор саналади.

Судья ўзининг профессионал фаолиятини судлов вазифаларини бажаришга бағишлийди, булар суд муҳокамасида судлов ва лавозим вазифаларини бажариш ҳамда қарорлар қабул қилишдан ташқари судья лавозимига ва судлов фаолиятига дахлдор бошқа вазифалар бажарилишини ҳам ўз ичига олади.

Судья судьялик вазифалари ва мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун зарур бўлган билимлари доирасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, амалий тажриба ва фазилатларини муқаммаллаштириш мақсадида суд назорати шароитида, судьялар учун мақбул бўладиган таълим воситалари ва бошқа имкониятлардан фойдаланган ҳолда оқилона чоралар кўради.

Судья халқаро қонун ҳужжатларидаги тегишли янгиликлардан, шу жумладан инсон ҳукуқлари борасида амал қилувчи нормаларни белгилайдиган халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардан мунтазам равища хабардар бўлиб турмоғи керак.

Судья судьялик вазифаларининг барчасини бажариши, шу жумладан кечиктирилган қарорларни оқилона, адолатли ва етарлича жадаллик билан қабул қилиши керак.

Бутун суд муҳокамалари давомида судья тартибни сақлайди ва одоб қоидаларига риоя қиласи, у суд мажлисининг тарафларига, ҳакамларга, гувоҳларга, адвокатларга ва ўзининг расмий

мақомида муомалада бўладиган бошқа шахсларга муносабатда ўзини оғир-вазмин, иззат-хурмат ва назокат доирасида тутиши керак.

Судья тарафларнинг қонуний вакилларидан, суд ходимлари ҳамда судьянинг таъсири остидаги, унинг бўйсунувидаги ёки унинг назоратидаги бошқа шахслардан ҳам худди шундай хулқ-атвор, шундай муносабат талаб қилиши керак.

Судья судлов вазифаларини сидқидилдан, интилувчанлик билан бажаришига монанд бўлмаган фаолият билан шугулланмаслиги даркор.

#### **§ 2.4. Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОҚҚ-490-Ш-сонли қарори билан Судьяларнинг Одоб-ахлоқ кодекси мазмуни ва моҳияти**

Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишга суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги, одил судловни амалга оширишда конституциявий нормалар ва қонунларга қатъий риоя этилишини таъминлаш орқали эришилади.

Таъкидлаш зарурки судьяларнинг одоб-ахлоқига оид меёrlар турли кўринишда тартибга солинади. Масалан Германия, Англия и Францияда суд этика кодекслари қабул қилинмаган. Суд этикасига оид талаблар аввало судьялар тўғрисидаги қонунларда ва давлат хизматчилари тўғрисидаги қонунларда (ГФР) ёки ҳамда Магистратлар уставида (Франция) ўз ифодасини топган.

Кўйидаги давлатларда эса суд этика кодекслари қабул қилинган:

АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Италия, Озарбайджон, Қозогистон, Канада, Литва, Молдова, Словакия, Словения, Украина, Эстония и Япония ва бошқа африка давлатларида.

Италияда судьяларга қўйиладиган талаблар 1946 й. 31 майдаги №511 Қонуннинг 18 моддасида ҳамда 1994 й. 7 майдаги “Магистратлар (Судьялар) этика кодекс”ида ўз ифодасини топган.

1994 й. 7 майдаги Италия Суд этикаси кодекси судьялар одоб ахлоқ қоидаларига оид дастлабки ҳужжат ҳисобланади.

Италиянинг Суд этикаси кодексида қўйидаги масалалар ўз ифодасини топган:

судьяларнинг жамият билан алоқалари;

суд фаолияти учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш;

судьялик мажбурияти;

ОАВ билан алоқалар;

холислик ва мустақиллик талабларига амал қилиш ва бошқа холатлар.

#### **АҚШ Федерал судьялар хулқ-атвор кодекси**

АҚШ Федерал судьялар хулқ атвор кодекси қўйидаги 7 тамойилдан ташкил топган:

1. Судья суд корпусини мустақиллиги ва ҳаллолигини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олади.

2. Судья касбий этика нормаларини реал бузилишини шунингдек бундай хукуқбузарлик содир этилишида шубҳа туғилишини олдини олиш мажбуриятини олади.

3. Судья ўз мажбуриятларини холис ва ҳар томонлама тўлиқ бажаришни ўз зиммасига олади.

4. Судья қонунчиликни, суд тизимини ва судловни юритишни такомиллаштириш бўйича жараёнларда иштирок этиши мумкин.

5. Судья ўзининг асосий мажбуриятлари билан зиддиятга йўл қўймаслик мақсадида суддан ташқаридаги фаолиятини назорат қилиб бориши керак.

6. Судья судьялик ва суддан ташқаридаги фаолияти учун олган маблағлари ҳақида систематик равишда ҳисобот бериб бориши керак.

7. Судья сиёсий фаолият оли боришдан тийилиши керак.

Одил судловни амалга оширишда ҳар бир судьянинг Судьялар одоб-ахлоқ кодекси қоидаларига сўзсиз риоя этиши, ўз хизмат вазифасини ҳалол ва вижданан бажариши, ўзининг ишчанлик обрўси, шаъни, қадр-қимматини ва суднинг нуфузини етарли даражада саклаши мухим аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Судьялар одоб-ахлоқ кодекси** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгashi тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, ҳалқаро хукуқнинг судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Кодекс 4 бобдан иборат.

Кодекснинг 1-моддасида унинг предмети, тартибга солиши соҳаси ва амал қилиш доираси

белгиланган.

Кодекс Ўзбекистон Республикасининг барча судлари судьяларига нисбатан тадбиқ этилади ва судьялар учун касбий фаолиятда ва хизматдан ташқари вақтда мажбурий одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайди.

Кодекс судьянинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳукуқ ва эркинликларни чекламайди.

Судьялар одоб-ахлоқининг айрим масалалари ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган тақцирда, судьялар жамиятдаги одоб-ахлоқ умумий тамойиллари, шунингдек, ҳалқаро ҳуқуқнинг судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойилларига амал қиладилар.

Кодекснинг 2-моддасида судьянинг одоб-ахлоқ кодексига риоя қилиш мажбурияти белгиланган.

Судьялар одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилишлари, ишчанлик ва одил судловнинг обрўсига, судьянинг қадр-қимматига, суднинг нуфузига салбий таъсир кўрсатиши ва путур етказиши ёки унинг холислигига, мустақиллиги ва бегаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-харакатлардан ўзларини тийишга мажбурдирлар.

Судья ўз қасамёдига содик бўлиши, Кодекс нормаларига сўзсиз риоя қилиши ҳдмда жамиятда юксак судьялик мақомига лойиқ бўлиши лозим.

Судья эркин фикрлаш ҳуқуқини амалга оширишда одил судловнинг обрўси ва нуфузига путур етказмаслиги шарт.

Судья жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиша адолатлилик ва холисликни намоён этиб, бу борада сансоларликка йўл қўймаслиги лозим.

Судья доимо Ўзбекистон Республикасида суд Узбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш ва суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлигини ёдда тутиши лозим.

Кодекснинг 3-моддасида белгиланганидек: Судьянинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти устувор бўлиб, у сенатор, депутат, сиёсий партияларга аъзо бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас. Судья судьялар жамоат бирлашмаларида ҳақ тўланмайдиган лавозимларни эгаллаб туриши мумкин.

Судья суд ишлари, ариза, илтимоснома ва шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш борасидаги ишларда қатнашади.

Кодекснинг 4-моддасида судьянинг **одоб-ахлоқига қўйиладиган умумий талаблар** белгиланган.



Судья ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ҳамда қадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиши, камтар, хушмуомала бўлиши ва қўпол мумалада бўлмаслиги шарт.

Судья ўз мақомидан ўзи учун, қариндошлари ва бошқа шахслар учун бирон-бир манфаат, хизмат, тижорат ёки бошқа фойда олиш мақсадида фойдаланмаслиги, шахсий масалалар юзасидан турли давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларда ўз мавқеидан фойдаланмаслиги шарт.

Судья суд аппарати ходимлари, суд процесси иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари ва одоб-ахлоқ меъёрлари бузилган ҳолларда тегишли чоралар кўриши шарт.

Судья хизмат мавқеини сувиштеъмол қилганлиги, ишни кўришнинг якунидан гаразли ёки ўзгача манфаатдор эканлиги ҳақидаги ўзига нисбатан ошкора айбловларга нисбатан тегишли чоралар кўриши лозим.

Судья дуст ва танишлар танлашда эҳтиёткор бўлиши, суд ва ўзининг номига доғ тушириши

мумкин бўйган алоқалардан тийилиши керак.

Агар судьянинг муайян ҳаракати унинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳамда одоб-ахлоқига таъсир қилиш ёки қилмаслигини аниқлашда қийинчиликка олиб келса, судья ўзининг мустақиллиги ва холислигини сақдаган ҳолда, ушбу масалада тушунтириш бериш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига тегишли сўровнома билан ёзма, оғзаки ва электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

**Кодекснинг II боби Судьянинг касбий фаолиятини амалга ошириш борасидаги одоб-ахлоқи қоидаларини** белгилайди.

Кодекснинг 6-моддасига асосан: Судьяларнинг мустақиллиги улар фақат қонунга бўйсуниши, белгиланган тартибда лавозимга тайинланиши (сайланиши), одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши давлат томонидан кафолатланган.

Судья одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳукуклари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлади.



Судья одил судловни амалга оширишда суд процесси барча иштирокчиларининг процессуал ҳукуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар қандай мақсадларни кўзлайдиган, бевосита ёки билвосита ташқи таъсир, хоҳиш, тазиик, таҳдид ёки арапашувлардан қатъи назар, қонунга ва ҳукуқий онгга асосланиб, фақат фактларни баҳолашдан келиб чиқсан ҳолда **ички ишончига мувофиқ мустақил ҳаракат қилиши лозим**.

Судья ўз мажбуриятларини бирон-бир афзаллик, нохолислик ёки олдиндан пайдо бўлган нотўғри фикрларга таянмай, холислик, мустақиллик ва беғаразликни намоён этиб, суд процесси иштирокчиларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, қарашлари, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлган ҳолда бажариши шарт.

Судья суд ҳужжатини қабул қилаётганида суд процессининг барча иштирокчиларига нисбатан холис мустақил фикрини сақлаб қолиши шарт.

Судья ўзининг одоб-ахлоқи билан суд процесси иштирокчиларининг ишончини қозонишига, жамият ишончининг ошишига ва қўллаб-кувватланишига, судьянинг холислигига бўлган ишончининг мустаҳкамланишига эришиши зарур.

Судья қонунда назарда тутилган ҳолларда ўзини ўзи рад этиши унинг беғаразлиги ва холислигини таъминловчи муҳим омилdir.

Судья холислик ва беғаразлик тамойилларига риоя этган ҳолда, судда иштирок этаётган шахслар ва (ёки) уларнинг вакиллари билан суд процессидан ташқари алоҳида учрашмаслиги, улар томонидан ташкил этилган тушлик ва зиёфатларда қатнашмаслиги ҳамда улардан совғалар олмаслиги шарт. (**7- модда. Судьянинг холислиги**)

Судья ўз вазифаларини одилона, тезкор, вижданан ва юқори профессионал даражада бажариши шарт.

Судья суд мажлисларини ташкил этиш ва ўтказишида пухта тайёргарлик қўриши, суд процесси иштирокчиларига ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилишлари учун тенг имконият яратиб бериши, ишларни қонунда белгиланган процессуал муддатларда қўриб чиқиши, ишни қўриб чиқиши асоссиз ва сурункали қолдиришга йўл қўймаслиги, адолатли ва қонуний қарорлар қабул қилиши ва уларни манфаатдор шахсларга ўз вақтида юборилишини таъминлаши шарт. (**8-модда. Судьянинг одиллиги**)

Ҳалоллик ва поклик судьянинг ўз вазифаларини лозим даражада бажаришининг зарур шартларидан ҳисобланади.

Судьянинг ҳалоллиги ва поклиги ўзига юклатилган вазифаларни вижданан бажариши, тўғри сўз бўлиши, номақбул ҳаракатлардан ўзини тийиши, бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлишида ифодаланади.

Судьянинг хатти-ҳаракати ва одоб-ахлоқи жамиятда судьяларнинг ҳалоллиги ва поклигига

бўлган ишончни қувватлаб туриши лозим.

Судья ўзининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ўтказилган тазийқ ва аралашувлар, шунингдек, муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликни талаб (ҳақ эвазига) қилингандиги тўгрисида белгиланган тартибда судъялар малака ҳайъатига ёки Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгашига хабар бериши лозим. (**9-модда. Судъяниңг ҳалоллиги ва поклиги**)

Судья ўз малакаси ва назарий билимларини доимий равища ошириб бориши, амалий қўникмаларини такомиллаштириб борнши ҳамда малака ошириш тадбирларида фаол иштирок этиши лозим.

Тажрибали судъялар тажриба ва билимини устоз-шогирд анъаналарини қўллаб-қувватлаган ҳолда илк бор тайинланган судъяларга ўргатишлари лозим. (**10-модда. Судъяниңг муносиблиги**)

**Кодекснинг 11-моддасида судъяниңг ҳамкаслар ва бўйсунувидаги ходимлар билан ўзаро муносабат масалалари белгиланган.**

Судья ҳамкасларига нисбатан хушмуомала ва вазмин, танқидга нисбатан сабр-тоқатли бўлиши, унга нисбатан танқидий муносабат учун бевосита ёки билвосита таъқибга йўл қўймаслиги, бошқа судъяниңг иш юритувида бўлган ишларнинг кўрилишига аралашмаслиги зарур.



**Судларнинг раислари бошқа судъялар ўз вазифаларини самарали бажаришларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришлари, суд аппарата ходимларини лавозимга шаффоф танлов асосида тайинлашлари ва бунда ошна-оғайнингарчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик ва раҳнамолик каби ҳолатларга йўл қўймасликлари шарт.**

**Судларнинг раислари судъя ва суд аппарати ходимларининг ишга бўлган муносабатини доимий равища таҳдил қилиб боришлини ва уларни эгаллаб турган лавозимларига номутаносибларига нисбатан тегишли чораларни кўришлари лозим.**

Судларнинг раислари судъялар ва суд аппарати ходимлари ўртасида хизмат вазифапарини белгиланган тартибда ва адолатли тақсимланишини таъминлашлари шарт. **Раҳнамолик** (асосиз рағбатлантириш ва лавозимини кўтариш), шунингдек, **ножӯя ишларга бепарволик** (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳукуққа зид ҳаракатларга эътибор бермаслик) ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин эмас.

Судъялик лавозимига номзодда судъяда йўқ шахсий хислатларни бор деб малака ҳайъати ва Кенгашга фикрнома бермасликлари шарт.

**Кодекснинг III боби Судъяниңг хизматдан ташқари вақтда судъяниңг одоб-ахлоқи қоидаларига бағищланган.**

Кодекснинг 12-моддисига биноан: Судья хизматдан ташқари вақтда қонунда белгиланган чекловлар доирасидан четга чиқадиган ҳамда **суднинг обрўсига, судъяниңг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига салбий таъсир кўрсатиши, судъяни рад этиши ҳақида аризалар берилиши ёки судъяниңг ўзини ўзи рад этиши ёхуд судъяниңг дахлсизлигини бузилишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият билан шуғулланмаслиги лозим.**



**Судья зўравонлик, шафқатсизлик, миллатчилик, сиёсий ва диний руҳдаги митинглар, ийғилишлар, намойишлар шаклидаги оммавий тадбирларда иштирок этмаслиги керак.**

Судья суд ресурсларидан шахсий мақсадда фойдаланмаслиги ва ходимларига шахсий ишларини буюрмаслиги лозим.

Судья муайян ишни ҳал қилишда бирон-бир кишига маслаҳат беришга ва ўз фикрини билдиришга ҳақли эмас.

Кодекснинг 13-моддисига биноан: Судья бевосита ўзи ёки ишончли шахслар орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, жумладан, тижорат ташкилотини

## **бошқаришда иштирок этишга ҳақли эмас.**

Тижорат ташкилотларининг устав фондларидағи улуш, шунингдек, уларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозлар ҳадя қилинган ёки мерос бўйича олинган ҳолларда судья бу ҳақда Узбекистан Республикаси Судъялар олий кенгашига маълумот тақдим этиши ва уларни бошқаришни бошқаларга топшириш чорапарини зудлик билан кўриши зарур.

Судья ўзи, турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари олаётган даромадлари ҳамда уларнинг манбалари, мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқ асосида эгалигида бўлган мол-мулклари ва мулкий характердаги мажбуриятлари ҳақида маълумотга эга бўлиши ва бу ҳақда белгиланган тартибда Узбекистан Республикаси Олий судига, Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий **кенгашига маълумот тақдим этиши лозим**.

Судья ҳар қандай ташкилот фойдасига маблағлар йиғишида иштирок этмаслиги, бирон-бир шахсни маблағлар йиғишида иштирок этишга даъват қилмаслиги, шунингдек, ушбу мақсадлар учун судьялик обрўсидан фойдаланмаслиги ёки бошқа шахслар ва оила аъзоларининг фойдаланишига йўл қўймаслиги керак.

Кодекснинг 14-моддисига биноан: Судья суднинг иш юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар **улар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишга ҳақли эмас**. Судья қонуний кучга кирган суд ҳужжатларига ошкора шубҳа билдиримаслиги, бошқа судъяларнинг касбий ҳаракатлари ва шахсини танқид қилмаслиги лозим.



**Судъянинг фаолияти нохолис ёритилган ҳолларда у сабр-тоқатли бўлиши, холислиги, мустақиллиги, бегаразлигини сақлаши, оммавий ахборот воситалари билан ҳар қандай қарама-қаршиликдан ўзини тийган ҳолда конун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.**

Судья оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги зарур.

Судья ижтимоий тармоқларда, интернет-форумларда ва интернет тармоғидаги бошқа шаклдаги мулоқотларда қатнашиши мумкин, бироқ суд ҳокимияти, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатмаслиги лозим.

Кодекснинг 15-моддисига биноан: Судья ўз фаолиятида **қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** билан ҳамкорлик қиласди. Бунда у мансабдор шахслар томонидан унга таъсир кўрсатилишига, шунингдек, унинг холислиги, мустақиллиги ва бегаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслиги лозим.

Судья давлат органлари фаолиятини оммавий танқид қилишдан, у ҳавда мулоҳаза билдириш ва унга баҳо беришдан ўзини тийиши шарт.

Судъянинг давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган қўмита ва комиссияларда иштирок этиши унинг судьялик касбий вазифаларини бажаришига тўсқинлик қиласа, жамиятнинг суд ҳокимияти обрўсига бўлган ишончига путур етказса ёки одил судловнинг холислиги, мустақиллиги ва бегаразлигига шубҳа тугдирса, судья уларнинг фаолиятида қатнашмаслиги керак.

Кодекснинг 16-моддисига биноан: Судья **суд процессининг барча иштирокчилари билан шахсий муносабатларида** унинг холислиги, мустақиллиги ва бегаразлигини шубҳа остига қўядиган, шунингдек бирон-бир афзаллик ва нохолис муносабат мавжуд деган тасаввурни ҳосил қилиши мумкин бўлган ҳолатлардан ўзини тийиши шарт.

Судья ўзининг мансаб мавқеи туфайли маълум бўлган сир сақланадиган маълумотдан касби билан боғлиқ бўлмаган фаолиятида фойдаланиши ёки уни ошкор қилиши мумкин эмас.



**Кодекснинг 17-моддисига биноан: Турмушда одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш судья одоб-ахлоқининг таркибий қисми ҳисобланади.**

Судья ўзининг ташки кўриниши, камтарлиги ва оддийлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Судья эътиборни ҳаддан ташқари жалб этадиган даражада кийинмаслиги, тақинчоқ ва бошқа безаклардан фойдаланмаслиги керак.

Судья ўз оила аъзолари, суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ меъёrlарига риоя этишларини назорат қилиши, бирон-бир шахсга нисбатан судьянинг обрўсига зарап етказиши мумкин бўлган кўпол муомалада бўлинишига йўл қўймаслиги лозим.

Судья ўз оила аъзолари, қариндошлари ва бошқа шахслар томонидан унинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларига, шунингдек, суд хужжатларини қабул қилишига таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги шарт.

Кодекснинг 18-моддисига биноан: Судьянинг **илмий ва педагогик фаолияти** одил судловнинг манфаатларига зарап етказмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Судья оммавий маърузалар ва лекциялар билан чиқиши, мақола ва китоблар ёзиши, илмий анжуман ва конференцияларда, шунингдек, қонун хужжатларини такомилластириш, суд тизими ва одил судловни ривожлантиришга қаратилган тадбирларда иштирок этиши мумкин.

Судья давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқа тақиқланмаган илмий, амалий, фундаментал лойиҳаларда иштирок этишга ҳақли.

Кодекснинг 19-моддисига биноан: **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси ва тегишли судьялар малака ҳайъатлари Кодексда белгилangan қоидаларни бузилишининг олдини олиш юзасидан чоралар кўради ва уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.**

Суд инспекцияси ўз зиммасига юқлатилган вазифаларни амалга ошириш чоғида судьялар малака ҳайъатлари билан ҳамкорлик қиласди.

Суд инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига ушбу Кодекснинг бузилишига йўл қўйган судьяга нисбатан тегишли чораларни кўриш ҳақида таклифлар киритади.

Кодекснинг 20-моддисига **Кодекс қоидалари бузилганлиги ҳақида хабар бериш тартиби белгилangan**. Ҳар бир судья ўз ҳамкасининг ушбу Кодексда белгилangan қоидаларни бузаётганини аниқласа, унга ушбу Кодекс қоидаларини эслатиб қўйиши, бундай ҳулк-атворга чек қўйишини таъкидлаши шарт. Зарур вазиятда, Кодекс қоидаларининг бузилиши ҳолати юзасидан тегишли судьялар малака ҳайъатига ёки Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига мурожаат қилиши лозим.



**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси ва тегишли судьялар малака айъатлари ушбу Кодексда белгилangan қоидаларни бузилишининг олдини олиш юзасидан чоралар кўради ва уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.**

Кодексда белгилangan қоидаларни бузиш қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

## **§ 2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 2 март куни қабул қилинган 62-сонли қарори талаблари**

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини вижданан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта 62-сонли қарори қабул қилиниб, у билан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ Намунавий қоидалари тасдиқланди.



Ушбу Намунавий қоидаларнинг қабул қилиниши натижасида, барча давлат органлари тизимида касб этикасининг ўзига хос намунавий қоидалари яратилди.

Мазкур норматив-хуқуқий ҳужжат давлат хизматчилари томонидан хуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак хуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган бўлиб, унда давлат хизматчиларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган Одоб-ахлоқ қоидаларида ҳар бир давлат органларида Одоб-ахлоқ комиссияларининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг вазифлари ва функцияларининг белгиланиши назарда тутилиб, бунда давлат органлари хизматчилари олдига ўз хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш, ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш, юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик, хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик, давлат органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш ва шу каби бир қатор мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ тартиб-таомиллар белгиланди.

Ушбу вазифаларни ҳар бир давлат органи тизимида бажарилишини таъминлаш мақсадида, вазирлик ва идораларда ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ қоидалари асосида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ходимлари учун мажбурий бўлган ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилди, шунингдек уларда Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби тасдиқланди.

Таъкидлаш лозимки, Қоидаларга мувофиқ, давлат органларида Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиши натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилиши, айни вақтда давлат органи раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган давлат хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритиши, йўл қўйилган қоида бузилишининг характеристини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкинлиги қоидалари белгиланди.

Шунингдек, қонун ҳужжатида давлат хизматчилари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шу билан бирга давлат органининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга эканлиги масалалари ҳам ёритиб берилди.

Бундан ташқари, Намунавий қоидаларга мувофиқ, давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни хурмат қилиши шартлиги, давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўпоплик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги кераклиги белгиланди.



## Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қуидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;  
фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;  
ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;  
давлат ва жамият манфаатларига содиклик;  
адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;  
манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

### Давлат хизматчилари қуидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш; ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-харакатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиши имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиши учун фойдаланмаслик;

давлат органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.



**Раҳбар кадрларни** қариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гурухбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равища олдини олиши лозим.

### Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-харакатларига (харакатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

Давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат хизматчилари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартиба келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

Давлат хизматчилари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошираслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

Давлат хизматчиси ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Давлат хизматчилари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Давлат хизматчиси лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.



Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси, маҳсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, давлат органи ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, хуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишининг бошқа масалалари давлат органи томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиши натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хulosha чиқарилади. Айни вақтда давлат органи раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган давлат хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг ҳарактерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Давлат хизматчилари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек давлат органининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга.

## **§ 2.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб этикаси қоидалари мазмуни ва маҳияти**

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида эълон қилингандан сўнг, бу даврда демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, чунончи, қонунчилик, ижро ва суд-хуқуқ тизимини либераллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Натижада хуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ҳалқимиз турмуш тарзини юксалтириш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Эришган муваффақиятларимиз билан кифояланиб қолмай, жамиятимизни сиёсий, хуқукий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муваффақиятли кечиши, улуғвор мақсадимиз бўлган хуқукий демократик давлат қурилиши, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳалқимизнинг хуқукий маданиятини юксалтириш муҳим сҳамият касб этади. Эътироф этиш жоизки, истиқлол йилларида мустақил юртимиз кишиларининг тафаккур даражаси, дунёқараши, мамлакатимиз ва жаҳоннинг тараққиёт жараёнларига, ҳар бир воқелик, ўзгаришларга муносабати тубдан ўзгарди. Жамият ҳар бир аъзосининг эркин фикрлаши, ўз қадр-қиммати, хуқуқларини билиши унинг шу жамият ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратади. Инсон хуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган мустақил мамлакатимизда буларнинг барчаси учун мустаҳкам хуқукий асослар яратилган. Жамият ҳаётида ёрқин ифодасини топаётган Бosh қомусимиз, инсонпарвар қонунларимизнинг амалиётга татбиқ этилиши, уларнинг инсон манфаатлари учун хизмат қилиши аҳолининг хуқукий онг ва хуқукий маданияти қай даражада ривожланганлиги билан узвий боғлиқdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **98-моддасида** Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси хукуматининг бошлиги Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради деб белгиланган. Ушбу нормадан келиб чиқиб Адлия вазирлиги хам ижро ҳокимияти таркибига кирувчи орган хисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида НИЗОМ тасдиқланган.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органи хисобланайб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятнинг алоҳида масалалари бўйича - бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади.

Вазирлик тизимиға Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, бошқа адлия органлари ва муассасалари киради (кейинги ўринларда матнда адлия органлари ва муассасалари деб юритилади).

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

Адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш Вазирликка ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамгармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошка маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низомда** белгиланганидек қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган жамият ва давлат қурилиши соҳасида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини изчил амалга ошириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг норма ижодкорлиги фаолиятини тизимли таҳжил қилишни ташкиллаштириш, улар томонидан киритиладиган ёки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошка ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертизани амалга ошириш; амалдаги қонун ҳужжатларида «оқ доғлар»ни, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошка ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратайтган қоидалар ва нормаларни аниқлаш;

фуқаролик жамияти институтларининг ҳар томонлама ривожланишини, уларнинг аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фаол иштирокини ҳуқуқий таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият қўрсатишининг қонунийлигини, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни таъминлаш; мамлакатда рўйхатдан ўтган халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ўтказиш;

жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

судлар фаолиятини ҳар томонлама моддий-техникавий ва молиявий таъминлаш, суд ҳужжатларининг сўзсиз изжро этилишига, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат сиёсатини, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш;

нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошка тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган давлат томонидан тартибга солиш тизимини изчил такомиллаштириб бориш;

бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, бу соҳада бюрократик тўсиқ ва ғовларни яратишга йўл қўймаслик;

шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, шартномаларни, энг аввало қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида шартномаларни тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга амалий хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тегишли давлат органлари билан биргалиқда халқаро-хуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг самарали хуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштиришнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Вазирлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек адлия органлари ва муассасалари орқали амалга оширади.



**2018 йил 7 июнда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 185-ум-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг касб ахлоқ қоидалари” қабул қилинган.**

Хужжатнинг Умумий қоидалари белгилангандек:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати, Хуқуқий сиёsat тадқиқот институти, Қоракалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари, давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар, Адлия вазирлиги хўзуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва агентликнинг таркибий бўлинмалари, Тошкент давлат юридик университети, X.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Юристлар малакасини ошириш маркази, Адлия вазирлиги юридик коллежлари, Тошкент давлат юридик университети хўзуридаги академик лицей, “Адолат” хукукий ахборот маркази” ДУК, “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантириш маркази ДУК, “Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти” ДУК (бундан бўён матнда адлия органлари ва муассасалари деб юритилади) ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йигиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари хукукбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, адлия органлари ва муассасалари ходимларида юксак хукукий онгни шакллантириш, уларни Узбекистон Республикасининг Конституцияси, конунлари ва бошка норматив-хукукий хужжатларига, фукароларнинг хукук ва эркинликларига катъий риоя килиш рухида тарбиялашга йуналтирилган.

3. Ходимнинг Одоб-ахлоқ қоидаларига амал килиш мажбурияти унинг адлия органи ёки муассасасига ишга кабул қилинган кундан эътиборан келиб чикади.

Адлия органи ёки муассасасига ишга кираётган шахе Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо кўйдирган ҳолда таништирилади.

4. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари конун хужжатлари ҳамда Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш адлия органлари ва муассасалари ходимлариниг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳшаш мезонларидан бири хисобланади.

**2-боб. Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари**

5. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари уз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга ошишлари керак:

конунийлик;

фукаролар хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

давлат ва амият манфаатларига содиклик; адолатлилик, ҳалоллик ва холислик; манфаатлар тукнашувига йул кўймаслик.

Адлия органлари ходимларининг **касбий бурчларига** қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Адлия вазирлиги Ҳайъати қарорларига, буйруқлари ва кўрсатмаларига ҳамда мазкур Касб этикаси қоидаларига амал қилиш;

юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиб, юриш-туриш, кийиниш ва муомалада бошқаларга ижобий томондан ўrnак бўлиш;

қонун хужжатлари билан зиммасига юклатилган ҳар қандай вазифаларни амалга оширишда қонунийлик, ҳалоллик, холислик, одиллик, мустақиллик ва масъулиятни ҳис қилишга таянган ҳолда муросасиз бўлиш;

адлия органларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида берилган ваколатларни қонун хужжатлари доирасида қатъий равиша амалга ошириш, сансалорлик ва қўзбўямачилик ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз ҳамкаслари ва фуқароларга хушмуомалада бўлиш, уларнинг қадр-қимматини ва ҳурматини сақлаш;

ишониб топширилган хизмат хоналари, давлат мулкини асраб-авайлаб, моддий-техника жиҳозлари ва материалларидан тежаб оқилона фойдаланиш;

умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, миллий

урф-одатлар, қадриятлар ва халқ анъаналарини ҳурмат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси шаънни эъзозлаш, мамлакатимиз эришган ютуқларини ҳурмат қилиш, уларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган тамойилларга ва конституциявий тузумга содик бўлиш.

Адлия органлари ва муассасалари ходимлари кўйидагиларга мажбур: хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунларига, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Узбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Адлия вазирлиги ҳайъати қарорларига, адлия вазирининг буйруқлари ва курсатмаларига ҳдмда мазкур Одоб-ахлоқ ҳоидаларига амал қилиш;

уз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

юкори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг уз ваколатлари доирасида кабул к;илган (берган) қарорларини (топширикдарини) уз вактида ва сифатли бажариш;

уз фаолиятини донун хужжатларида ва ички хужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

норматив-хукукий жужжат ва идоравий хужжатларда белгиланган чеклашлар ва такиларга риоя қилиш, уз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

уз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахс, гурух ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустакил булиш, фуқароларнинг хукуклари, мажбуриятлари ва конуний манфаатларини хисобга олиш, камситиш ҳолатларига йул қўймаслик;

уз хизмат вазифаларини бажаришига тускинлик килувчи ёки хизмат вазифаларини амалга ошириши жараёнида конун талабларига зид булган бирор-бир шахеий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан бөлглик булган хатти-харакатлардан тийилиш, шунингдек уз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир курсатиш имкониятига бардам бериш;

хизмат вазифаларини самарали бажариш учун зарур булган билим ва малакага эга булиш ҳдмда касб-маҳоратини доимий равиша ошириб бориш;

адлия органлари ва муассасаларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида берилган ваколатларни конун хужжатлари доирасида амалга ошириш, сансалорлик ва кузбўямачилик ҳолатларига йул қўймаслик;

хизмат мавкеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига ноконуний таъсир курсатиш максадида фойдаланмаслик;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ҳалкларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини хисобга олиш, ижтимоий баркарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кумаклашиш;

умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва

кадриятларни хурмат килиш;

узларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо килиши мумкин булган хулк-атвордан узини тийиш, шунингдек уз обрусига ёки адлия органлари ва муассасаларининг нуфузига заар етказишга кодир булган вазиятларга йул куймаслик;

юксак маънавий ва ахлокий фазилатларга эга булиш, шу жумладан юриш-туриш, кийиниш ва муомалада уз ҳдмкасларига ижобий томондан урнак булиш;

ишониб топширилган хизмат хоналаридан, давлат мулки, моддий- техника жихозлари ва материалларидан оқилона фойдаланиш;

адлия органи ёки муассасасида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим килишининг белгиланган коидаларига риоя этиш, иш жойи ва вактидан ташҳари хизмат масалаларини мухокама килмаслик;

шахсий манфаатдорлиги муносабати билан хизмат вазифаларини холисона бажаришига тусқадалик килиши ёки таъсир қилиши мумкин булган ҳрлатлар ҳдкида уз раҳбарига зудлик билан маълум килиш;

адлия органлари ёки муассасаларининг бошка ходимларига ҳамда ишга янги кабул килинган ходимларга зарур амалий ва услубий ёрдам курсатиш.

**6.** Сиёсий, иктисадий жиҳатдан максадга мувоғиклик, шунингдек шахсий важлар ва бошка субъектив сабаблар ходимнинг конун хужжатлари талабларини ҳамда Одоб-ахлок коидаларини бузиши учун асос була олмайди.

**7.** Агар конун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган булса, ходимга уз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор- бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф куриш такикланади.

**8.** Адлия органлари ва муассасалари ходимлари коррупция холатларига карши курашиши ва уларнинг профилактикасиға фаол кумаклашиши шарт.

Ходимга уз хизмат мавкеидан фойдаланган холда жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг манфаатларини кузлаган холда муайян ҳдракатни бажариши ёки бажармаслиги эвазига бевосита узи ёки воситачи оркали пул, кимматли когозлар, моддий бойликлар, совгалар, ссудалар, мулкий моҳиятга молик булган хизматлар (шу жумладан, транспорт воситасидан фойдаланиш, даволаниш ва бошқалар) каби таклифлар билан мурожаат килинган тақдирда, у ноконуний хатти-харакатларни тухтатишни талаб килиши ва таклиф килган шахсни тегишли жавобгарлик тугрисида огохлантириши лозим.

Бунда ходим порага мойиллик сифатида баҳоланиши мумкин булган ҳдр кандай хатти-харакатларга ва сузларга йул куймасдиги, мазкур ходаҳ буйича, шунингдек унга бонща давлат хизматчилари томонидан хукукбузарлик содир этилганланлиги маълум булган ҳрлатларда зудлик билан тегишли таркибий булинма раҳбарларини ёзма тарзда хабардор килиши, бунинг имконияти булмаган ҳолатларда эса, телефон орқали хабар бериши ёки тегишли хукукни муҳофаза килувчи органларга дарҳол мурожаат этиши лозим.

Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари конун хужжатлари талабларининг бузиши факти тугрисида мурожаат килганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танкиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танкид килганлиги учун ходимларнинг ишдан бушатилишига ёки бонщача шаклда таъкиб цилинишига йул куйил мае лишини таъминлаши керак.

**9.** Ходим касбий фаолияти давомида узига маълум булган ахборотнинг сакланишини ва маҳфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни куриши шарт.

**10.** Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари уз буйсунувидаги ходимларга нисбатан юзори профессионализм, софлик ва адолатда урнак булиши, адлия органи ва муассасасида ёки унинг таркибий булинмасида маънавий-психологик мухит шаклланишига кумаклашиши, шунингдек уз буйсунувидаги ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чикиб кетадиган топшириҳарни бажаришини талаб цилмаслиги, бошка конунга хилоф хатти-харакатларни содир этишга ундумаслиги керак.



Рахбар кариндошлиқ, хамшахарлик ёки шахсий садокат белгилари буйича ходимларни танлаш ва жой-жойига куиши ҳолатларига йул цўймаслиги, гурухбозлик, махаллийчилик, фаворитизм куринишларининг, шунингдек уз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошка салбий омилларнинг катый равишда олдини олиши лозим.

Рахбар:

манфаатлар тукнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан уз вактида чоратадбирлар куриши;

коррупциянинг олдини олиш, шунингдек тизимда коррупцияга карши курашишда якиндан ёрдам берадиган ходимларни турли тазиклардан химоялаш ва уларни рагбатлантириш чораларини куриши;

уз буйсунувидаги ходимларнинг иш ҳажми ва вазифалар таҳсимотини улар эгаллаб турган лавозимидан келиб чиккан холда аник; белгилаш, уларга хизмат вазифаларидан ташкарига чикувчи топширикларни бермаслиги;

уз буйсунувидаги ходимларга рахнамолик (асоссиз рагбатлантириш, лавозимини кутариш ва хоказо) ёки уларнинг ножуя ишларига бепарволик (фаолиятидаги камчиликлар учун тегишли чора курмаслик, хукукка зид хатти-харакатларига эътибор бермаслик), шунингдек интизомий жазо чораси куллаш борасида узига берилган ваколат доирасидан четга чициш ёки лозим булган холларда жазо чораси кулламаслик ҳолатларига йул кўймаслиги;

ишга булган муносабати ва ижобий хислатлари билан жамоада соглом ва ахил маънавий мухитни шакллантириш чораларини куриши;

ходимларни самарали бошкариши, узига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблагларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда булиши шарт.

Рахбар узига буйсунувчи, хизматдаги хулк-атвори принциплари ва коидаларини бузадиган ходимларнинг хатти-харакатларига (харакатсизлиги) йул қупил мае лиги чораларини курмаганилиги учун жавоб беради.

**11. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари узларининг хизматдаги хулк-атвори билан жамоада бопча ходимлар билан узаро ишчанлик ва амалий хамкорлик карор топишига даъват этилган.**

Ходим хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фукаролар ва хамкаслари билан муносабатда сабр-токатли булиши, уларни хурмат килиши шарт. Ходим узига буйсунувчиларга ва фукароларга нисбатан куполлик килмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр кимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йул кўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чогида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига boglik холда ходимнинг ташкни куриниши фукароларнинг давлат органига нисбатан хурмат билан муносабатда булишига ёрдам бериши, умумий кабул килинган иш услубига мувофик булиши, улар расмийлилиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошкалардан ажралиб туриши керак.

Ходимлар хизматдан ташкари вактда умумий кабул килинган одоб-ахлок нормаларига риоя этишлари, гайриижтимоий хатти-харакатларга йул кўймаслиги керак.

**Адлия органлари ходимлари томонидан одоб-ахлок коидаларини бузганлик учун жавобгарлик ўрнатилган.**

Ходим томонидан Одоб-ахлок коидаларининг бузилиши уни конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос булиши мумкин.

Ходим томонидан Одоб-ахлок коидаларига риоя этилиши аттестациялар утказишда, юкори ва бошка лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда хисобга олинади.



Одоб-ахлок коидалари нормаларининг бузилишлари адлия органлари ва муассасаларидаги Одоб-ахлок комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Одоб-ахлок комиссияси, тегишли адлия органи ёки муассасаси ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади.

Одоб-ахлок комиссиясининг максади, вазифалари, функциялари, хукуклари, жавобгарлиги ва

унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошка масалалари тегишли адлия органи ёки муассасаси томонидан тасдикланган Одоб-ахлок комиссияси тугрисидаги Низомда белгиланади.

Одоб-ахлок комиссияси Одоб-ахлок коидаларининг бузилиши билан боялик масалалар юзасидан утказилган хизмат текшируви хулосаларини урганиб чикади ва Одоб-ахлок коидаларининг бузилиши мавжуд ёки мавжуд эмас лиги тугрисида тегишли хул оса кабул килади.

Одоб-ахлок коидалари бузилган деб топилган холатлар юзасидан тегишли адлия органи ёки муассасаси раҳбарига интизомий жазо чораси куллаш тугрисида таклиф киритади ёхуд йул куйилган коидабузилишнинг хусусияти, кай даражада оғир эканлиги, шу хатти-харакат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулк-атворини хисобга олган холда унга нисбатан келгусида Одоб-ахлок коидаларини бузиш холатларига йул куймаслиги тугрисида огохлантириш билан чекланади.

Ходим узи йул куйган коида бузилиши, коида бузилишининг куриб чикилиши жараёни хакида ахборотни олиш ва узини химоя килиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек тегишли раҳбарнинг карорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят килиш хукукига эга.

**2017 йил 14 марта “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг 1-сон Қарори қабул қилинган.** Хужжатга кўра якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида режадан ташқари қиска муддатли текшириш ёки назорат тартибида текшириш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида текширишлар **бир кун** давомида амалга оширилиши белгиланган.

**2017 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 150-ум-сон “Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги буйруги қабул қилинди.**

Низом Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги түғрисида низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати, Крракалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар адлия бопшармалари, Юристлар малакасини ошириш маркази, X.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Тошкент давлат юридик университета, Тошкент юридик коллежи, Тошкент давлат юридик университети хузуридаги академик лицей, “Адолат” нашриёти, “Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти, Хукукий ахборот билан таъминлаш маркази ходимларининг коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартибини белгилайди.

**Низом 9- бобдан иборат:** Умумий масалар (1 боб), Ўз хизмат вазифасини бажаришда ходимнинг бурчлари (2-боб.), Манфаатлар тўқнашуви (3 боб), . Ходимлар томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш чоралари (4-боб.), Ўрганишлар (текширишлар) ўтказиш вактида ва хизмат сафарлари давомида ходимлар томонидан коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш чоралари (5-боб), Давлат нотариал идоралари, нотариал архивлар, ФХДЁ органлари ва “ягона дарча” ходимлари томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш чоралари (6-боб), Ходимлар билан хукуқбузарликларни олдини олиш буйича профилактик сухбат ўтказиш тартиби (7-боб), Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳакида келиб тушган мурожаатлар, хат ва хабарлар, маълумотларни куриб чикиш тартиби (8-боб) ва Якуний коидалар (9-боб).

Низомнинг 12 бандига асосан: “Адлия органлари ва муассасалари ходимлари коррупция холатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасида фаол кумаклашиши шарт.

**Ходимни коррупция фактлари ҳакида ишончли хабар берганлиги учун моддий рағбатлантириш мақсадида мукофот берилиши мумкин.**

**Мукофот ходимга коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишда фаоллик кўрсатгани, шунингдек ижтимоий ва хизмат бурчини намунали бажарганлиги муносабати**

**билин берилади”.**

Низомнинг 15 бандига асосан: “Ходимларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши такикланади”.

Низомнинг 18 бандига асосан: “Адлия органлари ва муассасаларида ўзаро яқин кариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, aka-укалар, опа-сингиллар, угил ва кизлар, эр хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, aka-укалари, опа-сингиллари ва болалари), **башарти улардан бири иккинчисига бевосита буйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат киладиган булса, бир адлия органи ёки муассасида бирга хизмат килишлари такикланади”.**

Низомнинг 28 бандига асосан: “Давлат нотариал идораси, нотариал архив, ФХДЁ органи ва “ягона дарча” маркази ходимлари хизмат хоналарида ва ёнларида энг кам иш хакининг ярим бараваридан кўп микдорда шахсий пул маблагларини сақлашлари такикланади”.

Низомнинг 37 бандига асосан: “Коррупцияга оид хукуқбузарлик юзасидан ходимга нисбатан утказилган хизмат текшируви натижасида унга тухмат килинганлиги хакида хулосага келинса, мурожаат қилган шахсни жавобгарлик масаласини хал килиш учун тегишли органларга материаллар юборилиши лозим”.

## **§ 2.7. Ички ишлар органлари ходимларининг касб этикасига оид талаблар**

Хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, ўз навбатида, тарбиячи ходимлар, яъни жиноят ҳамда бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар билан ишлаш, жамиятга зарап етказувчи бошқа ҳарқандай хукуқбузарлар билан тарбиявий ишларни олиб бориш кундалик иш фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий анъаналари ва урф-одатлари, хизмат хусусиятлари, меъёрий ҳужжатлар ва жамоатчилик фикри улар касбий маданиятининг асосий манбалари бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органларида хизматни ташкил этишини тубдан такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан Ички ишлар вазирлиги тизимида хизматни ташкил этишини такомиллаштиришнинг қуидаги устувор йўналишлари энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин:

биринчидан — хукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасида тезкорликни, жиноятлар ҳақидаги хабарларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва кўриб чиқишни таъминлайдиган, амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида ички ишлар органларининг мавжуд куч ва воситаларини бошқариш ҳамда ҳамкорликни ташкил этишининг самарали тизимини яратиш;

иккинчидан — ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий, ишбилармонлик ва касбий фазилатларига эга кадрлар танланиши, уларнинг мақсадли жойлаштирилиши ҳамда «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш руҳида тизимли равишда тарбиялаш учун шахсий жавобгарлигини белгилаш;

учинчидан — бўш лавозимларни жамлаш ва кадрлар захирасини, биринчи навбатда, ўз касбий фазилатлари, ахлоқий кўриниши, хулқ-атвори ва маданият даражаси билан намуна бўлган истиқболли бошқарув таркибини шакллантиришнинг таъсирчан механизмини жорий этиш;

тўртинчидан — хизмат ўташни қатъи назорат қилиш ва тарбиявий жараённи таъминлаш соҳасида мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларни кучайтириш бўйича фаолиятни ташкил қилишнинг сифат жиҳатдан янги тартибни белгилаш;

бешинчидан — иш тажрибасининг ворисийлигини, ёш ходимларнинг хизматга амалий мослашишини, касбий шаклланиш жараёнини тезлаштириш ҳамда уларда хизмат вазифаси бўйича зиммасига юклатилган тезкор-хизмат вазифаларни мустақил бажариш қобилиятини

ривожлантиришни таъминловчи самарали мураббийлик тизимимни жорий этиш;

олтинчидан — ички ишлар органларининг барқарор професионал кадрлар таркибини шакллантириш, кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш, ходимларнинг узоқ муддатли хизматини рағбатлантириш, шунингдек шахсий таркибни унинг қасбий малакаси, шахсий фазилатлар ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда лавозимларга оптимал тақсимлаш;

еттинчидан — қўйилган вазифаларни вижданан ва ташаббускорлик билан бажарувчи ходимларни рағбатлантириш, шунингдек масъулиятсиз ходимларга нисбатан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо тайинлаш бўйича чораларни ўз вақтида ва холисона кўриш орқали ички ишлар органларида мустаҳкам хизмат интизомини таъминлаш;

саккизинчидан — ички ишлар органларида ижро интизомини, жумладан бошқарув қарорлари ҳар бир бевосита ижрочига ўз вақтида етказилишига ва тизимли узлуксиз назоратни таъминланишига имкон берадиган замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этиш орқали таъминлаш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиши.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-3413-сон қарори** билан  
Ички ишлар органларининг Интизом Устави тасдиқланди. Унга кўра:  
**“Ички ишлар органларида хизмат интизоми ҳар бир ходимнинг юксак даражада англашига ва хизмат бурчини ҳамда қўйилган вазифа учун шахсий жавобгарлигини чукур тушунишига асосланади”.**

Хизмат интизоми ҳар бир ходимни қўйидагиларга мажбур қиласди:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳукуқий хужжатларга амал қилиш, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳайъати қарорларида белгиланган талабларни, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни қатъий бажариш;

ички ишлар органи ходимининг қасамёдига содик бўлиш, «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» деган ўзининг хизмат бурчини сўзсиз бажариш;

фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидоийлик билан хизмат қилиш;

ишониб топширилган табель қуроли, мол-мулк ва техникани асраб-авайлаш;

хушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатъий сақлаш;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар қоидаларига амал қилиш, бошлиqlар ва ҳамкасларни ҳурмат қилиш;

доимий равища ўз билим ва қасбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳукуқий маданиятини ошириш;

хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносабиб равища тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш.

Ички ишлар органларида юксак хизмат интизомига:

ходимларда юксак маънавий-ахлоқий ва ишchanлик хусусиятларини, хизмат бурчини бажаришга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш;

ҳар бир ходимнинг ўз хизмат бурчини бажаришга нисбатан шахсий масъулияти, ички тартиб ва хизмат кийимини кийиш қоидаларига қатъий риоя этиш;

бошлиqlарнинг қўл остидаги ходимларга нисбатан кунлик талабчанлиги, уларга доимий ғамхўрлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини оқилона уйғунлаштирган ҳолда ва асосли қўллаш;

ички ишлар органлари бўлинмаларида зарур моддий-маиший шароитларни яратиш орқали эришилади.

**Ички ишлар органларининг Интизом Уставининг 2-боби Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаб берди.** Унга кўра: “Одоб-ахлоқ қоидалари қайси лавозимни

эгаллашидан қатъи назар, ходимларнинг касб одоби ва хизматда ўзини тутишнинг асосий қоидалари умумий принциплари мажмуини ўз ичига олади”.

Ички ишлар органлари сафига қабул қилинган кундан эътиборан ҳар бир ходим одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишга мажбур.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимнинг касбий фаолияти самарадорлиги ва хизматда ўзини тутишини баҳолашнинг мезонларидан бири ҳисобланади.

Ходим томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий талабларига амал қилиш қўйидагиларни назарда тутади:

фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босик бўлиш, уларнинг мавқеидан қатъи назар ҳеч бир шахс, гурӯҳ ёки ташкилотларнинг камситилиши ёки афзал кўрилиши ҳолатларига йўл қўймаслик;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурӯҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликка кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, беғараз ва қонуний кўриб чиқиш;

**ходимнинг ўз хизмат бурчини вижданан бажаришига нисбатан фуқарода шубҳа үйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик (7 б.).**

Шахсий важ ва бошқа субъектив сабаблар ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига асос бўла олмайди (8 б.).

**Ходимлар коррупциянинг ҳар қандай қўринишига қарши қурашиши ва фаоллик билан унинг профилактикасига кўмаклашиши шарт (9 б.).**

Ходимлар ўз бошлиғи ёки ваколатли органларга ўзларини бошқа шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга ундан мурожаат қилган ҳар бир ҳолат, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳар қандай ўзига маълум бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши зарур.

Ходим оиласида юзага келган низоларни қонунчилик талабларига қатъий амал қилган ҳолда ҳал этади.

Ходимнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилганда, унга ўз ваколатлардан фойдаланиб, аралashiш тақиқланади (10 б.).

Ходимлар хайриҳоҳ, хушмуомала ва эътиборли бўлиши, фуқаролар ва ҳамкасларига сабр-тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши зарур.

Ходимлар фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак (11 б.).

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг ташқи қўриниши иш шароити ва хизмат тадбири турини инобатга олган ҳолда, аҳолида ички ишлар органларига нисбатан ҳурмат үйғотиши, тоза ва ораста бўлиши зарур.

Ходимларга хизмат пайтида алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади.

Ходимлар хизматдан ташқари пайтда умумий одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслиги зарур (14 б.).

**Ички ишлар органларининг Интизом Уставининг З-боби бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади.**

Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиқка бўйсунади.

Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумладан вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар тўғридан-тўғри бошлиқлар деб ҳисобланади.

Ходимга энг яқин бўлган тўғридан-тўғри раҳбар бевосита бошлиқ ҳисобланади.

Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида хизмат интизомига риоя этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бошлиқ унга бўйсунувчи ходимлар томонидан Уставга амал қилинишига талабчан бўлиши, уларга юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамёдга риоя этиш борасида доимий равишда намуна кўрсатиши, уларни хизмат бурчи ҳиссини кучайтириш ва

қўллаб-қувватлаши, ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек хизмат интизоми бузилган ҳолатларда жазо қўлланилишини таъминлаши зарур.

Буйруқ ва топшириқлар бўйсуниш тартибида берилади. Юқори турувчи бошлиқ зарур ҳолларда ходимга бевосита бошлигини хабардор қиласдан буйруқ ёки топшириқ беришга ҳақли. Бундай ҳолларда ходим ўзининг бевосита бошлигини бундан хабардор қилиши зарур.

Ноқонунийлиги яққол кўриниб турган ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган буйруқ ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди. Бошлиқ қўл остидаги ходимлардан уларнинг хизмат бурчи доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришни, шунингдек ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ходим яққол қонунга зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан юқори турувчи раҳбарият ёки хизматни ўташ жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига зудлик билан хабар беради.

Ходим юқори турувчи раҳбарият ёки ўз хавфсизлиги бўлинмасига хабар бериш имконияти бўлмаган тақдирда қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ғайриқонуний буйруқ ва топшириқларни бажаришдан бош тортишга ҳақли, имкон пайдо бўлиши билан уларни хабардор қилиши лозим.

Бошлиқнинг буйруқ ва топшириқлари (яққол қонунга зид бўлганлари бундан мустасно) сўзсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Буйруқ ва топшириқларни муҳокама этишга, шунингдек уларни танқид қилишга йўл қўйилмайди.

Ходим буйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида буйруқ ёки топшириқ берган бошлиққа, шунингдек, бевосита бошлиғига ахборот беради.

Буйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, ходим зудлик билан бу ҳақда буйруқ ёки топшириқ берган бошлиқни хабардор этиши шарт.

**Бошлиқ ходимларни қариндош-урӯчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим. У ўз хизмат бурчини ўташ пайтида маҳаллийчилик ва танишибилишчилик, шунингдек, бошқа салбий омилларнинг намоён этилишига барҳам бериши керак (21 б.).**

Бошлиқ қуйидагиларга мажбур:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш, ходимлар учун қулай ва муносиб меҳнат шароитларни яратиш ўз вақтида чораларини кўриш;

коррупция ва ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга чек қўйиш чораларини кўриш;

шахсий таркибни самарали бошқариш, ходимларнинг хизмат фаолиятини холисона баҳолаш;

ўзига топширилган мол-мулк ва молиявий маблағларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, улар билан ўзаро яқин муносабат ўрнатиш, жамоани бирлаштириш, ходимлар томонидан содир этилган ножӯя хатти-ҳаракатларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, хизмат интизоми бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш бўйича чораларни кўриш;

ходимларнинг, уларнинг оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларига амал қилиш чораларини кўриш, юқори турувчи раҳбариятга қўл остидаги ходимларнинг хуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар киритиши.

## **§ 2.8. Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ҳодимимлари касл этикаси талаблари**

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида конун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.



Қонунчиликка риоя этишда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлари кўмаклашади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва хуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан қучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январь куни “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди:

давлат органлари ва ташкилотларининг хуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиша иштирок этиш;

шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Қарорда белгиланганидек:

давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан уларнинг худудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибида юридик хизматлар ташкил этилади. Бунда юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартиришига йўл қўйилмайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражаларини бериш, кўп йиллик хизмат учун устамаларни тўлаш тартиби татбиқ этилади. Бунда ҳаражатлар давлат органлари ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қопланади;

юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик хизмат ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юқлатилишига йўл қўйилмайди;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мазкур мутахассислик бўйича уч йиллик стажига эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли стажировка ўтмасдан иштирок этиш хуқуқига эга;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари тегишли равища Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва унинг худудий органларида ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтадилар;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тизимли равища тегишли соҳа фаолиятидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг амалга оширилишини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат фаолиятига шартномавий-хуқуқий асосда адвокатларни жалб этиш хуқуқига эга.

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларининг ваколатлари кенгайтирилди. Энди давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари мазкур органлар ва ташкилотлар иштирокида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал этиш юзасидан мажбурий тартибда чораларни кўрадилар;

буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа хужжатларнинг лойиҳалари хуқуқий экспертизани амалга ошириш учун мажбурий тартибда юридик хизматга тақдим этилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан мажбурий тартибда юридик хизматнинг хulosаси олиниши лозим;

давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган шикоятлар мажбурий тартибда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари томонидан ҳам кўриб чиқилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда адлия органлари билан келишиллади;

адлия органлари юридик хизмат фаолиятини тартиба солувчи қонунчилик талабларини бузган давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда юридик хизматлари ходимларига нисбатан интизомий иш юритиши қўзғатиш ташабbusi билан чиқиш хуқуқига эга;

давлат органлари ва ташкилотларида ҳар йили юридик хизматларнинг мазкур давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийлик таъминланиши аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи эштилади;

юридик хизмат ходимлари ҳар чорақда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланади.

Қарор билан Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида Низом тасдиқланган. Унга қўра Юридик хизмат — давлат органи ва ташкилоти фаолиятини хуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим.

Кўйидагилар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

давлат органи ва ташкилотининг хуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органи ва ташкилоти томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органи ва ташкилотининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилоти ходимларининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказища иштирок этиш;

шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органи ва ташкилотининг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Юридик хизмат ҳодими кўйидаги хуқуқларга эга:

давлат органи ва ташкилотига келиб тушаётган норматив-хуқуқий хужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

давлат органи ва ташкилоти, шунингдек унинг тизимида кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чақириладиган хуқуқий масалаларга тегишли йигилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига қўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун,

хукуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-хукуқий хужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътиrozларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳукуқий хulosалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа тузилмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишланишида иштирок этиш;

давлат органи ва ташкилоти тизимиға кирадиган тузилмаларда давлат органи ва ташкилоти ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

давлат органи ва ташкилоти, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузәётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш хақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

давлат органи ва ташкилотида, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларда ёки давлат органи ва ташкилоти томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якупнлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишида иштирок этиш ҳамда аниқланган ҳукуқбузарликлар юзасидан ҳукуқий хulosалар бериш.

Юридик хизмат ҳодими:

унга ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

давлат органи ва ташкилотида, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи органга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ҳодимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олиш ҳукуқига эга.

## ХУЛОСА

Юрист касб этика меъёрларининг пухта тизим сифатида шаклланиши пировард оқибатда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қиласи. Зоро, ахлоқ-одоб қадриятлари бир оёйи билан қонунга, иккинчи оёйи билан эса миллий ахлоқ-одоб қадриятларига таянган ҳолда мажбурийликдан кўра ихтиёрийлик принципига амал қиласи. Онгли ихтиёрийлик эса фуқаролик жамиятининг энг бирламчи шарти, аломати ҳисобланади.

Тўғри, бу улуғ мақсадга ўз-ўзидан ёки қисқа муддатларда эришиш мумкин эмас. Фуқаролик жамияти босқичма-босқич ислоҳотлар, жамиятдаги янгиланишлар орқали барпо этилади. Фуқаролик жамиятининг пойдеворига ҳар бир соҳа вакиллари биринчи навбатда ўз соҳалари доирасида замин яратадилар. Журналистикада ўзини-ўзи бошқариш тизимини яратишнинг энг муҳим омили эса журналистнинг касб одоби билан боғлиқ.

Юрист касб этика ўқ илдизи касбимиз психологиясидан бошланади. Фуқаролик жамиятида ҳар қандай муносабатларга юксак онглийлик нуқтаи назарларидан ёндошиш шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам бирламчи хусусиятига айланганидек, ўзини-ўзи бошқариш тизимини яратишга эришиш соҳа эгаларининг, яъни касб одоби нормалари нечоғли пухта ишлаб чиқилганига боғлиқ бўлади. Бунинг механизмини ҳаётга жорий этиш учун эса зарур ташкилий шарт-шароитлар йўлга қўйилмоғи керак. Чунончи, таъсирчан касб кодексини яратиш, уни амалдаги ижросини назорат этувчи нуфузли жамоатчилик кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу йўналишдаги ишларни мунтазам ва кенг тарғиб қилиш, глобаллашув жараёнларининг ҳосиласи сифатида вужудга келаётган янги-янги муаммоларга ўз вақтида ечимлар топиш шулардан иборатdir.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Норматив хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.”Ўзбекистон”2017.-356
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 433-модда)
3. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2015 йил 20 август, ЎРҚ-391-сон// «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 21 августдаги 164 (6347)-сони
4. “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон // (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда)
5. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2016 йил 3 январь // «Халқ сўзи» газетаси
6. “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида”ги 22.12.1995й. Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 262– модда
7. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996й. Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48–модда
8. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 25.12.1998й. Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 12–модда
9. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 14.12.2000й. Қонуни (янги таҳрири). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10–модда
10. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрельдаги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда
11. “Прокуратура тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001й. Қонуни (янги таҳрири) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168–модда
12. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2016 йил 16 сентябрь//«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 17 сентябрдаги 184 (6619)-сони
13. "Парламент назорати тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 й. Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 й. 4-сон, 123-модда
14. Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 19 январь, ПҚ-2733-сон //«Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 20 январдаги 15 (6709)-сонида эълон қилинган.
15. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда
16. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
17. “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ПФ-5185-сон// 8 сентябрь 2017 йил
18. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 1 февраль, ПҚ-2750-сон //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 61-модда

19. «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февраль, ПФ-4966-сон Фармони

20. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 5 май, ПФ-5037-сон

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида 2016 йил 21 октябрьдаги ПФ-4850-сонли Фармони”//«Халқ сўзи» газетаси, 22.10.2016 й., 209 (6644)-сон, )

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон Қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрьдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., 07/17/3413/0334-сон

24. “Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огохлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2017 йил 7 февраль, 60-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 79-модда)

25. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 31 майдаги 150-ум-сон “Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги буйруги

26. Умумий юрисдикция судларида кадрлар билан ишлаш ҳолати ва судьялар томонидан судьялик қасамёдига риоя этилиши масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг Қарори 2007 йил 14 декабрь, 19-сон

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 март куни 62-сонли қарори “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 94-модда.

28. “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ кондалари” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 55-ум -сонли буйруғи билан 2016 йил 30 марта тасдиқланган.

29. 2017 йил 31 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 150-ум-сон “Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги буйруги.

## **II. Раҳбарий адабиётлар**

1. O‘zbekiston Respublikasining saylangan Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24-yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagи “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi” ma’ruzasi 07.12.2016й.

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/981/31.08.2017>

3. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак//Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси/15 Январь 2017

4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси/13 Июль 2017

5. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи/31.08.2017

6. Президент Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси/07.12.2017

7. Ўзбекистон Республикаси судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаати. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2017. №3 Б.2-3

### **III. Халқаро ҳужжатлар**

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: «Адолат», 2004. – 212 б.

2. Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари /Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Т., 2008. – 240 б.

3. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. – Т., 2012.

4. Сборник международных документов и законодательства Республики Узбекистан в сфере борьбы с коррупцией. – Т.: Адолат, 2013.-496с.

5. Сборник международно-правовых документов ООН в области прав человека и борьбы с преступностью. - Т., 2009. – 369 с.

6. Сборник материалов по противодействию торговле людьми. - Ташкент: Baktria Press, 2015. – 272 с.

7. Сборник международных стандартов и национального законодательства, касающихся предварительного заключения. Управление Верховного комиссара по правам человека. – ООН, ЮНОДК, 2012. - 211с.

8. Дастребаки қамоққа олишга тааллуқли халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик тўплами. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. - БМТ, ЮНОДК. 2012. – 215 б.

9. Кексалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: Адолат, 2015. - 216 б.

10. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами - Т.: Адолат, 2016. - 500 б.

11. Сборник международных актов по судебной этике - Т.: ЦПКЮ, 2016. - 248 б.

### **IV. Даврий адабиётлар**

1. Амирор 3. Одил судлов: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. // -Т.: ЎР Олий судининг Ахборотномаси. 2016. № 3 –Б 8-9

2. Аҳолини ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш тизими янада мустаҳкамланмоқда.// Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2014. №2. Б. 17-21

3. Гадоев Э. Давлат солиқ хизмати органларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашишнинг айрим масалалари. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2016. №3 Б.6-7

4. Журакулов Ф. Внедрение и укрепление демократических ценностей в сознании людей как долгосрочная и стратегическая задача. // Гражданское общество. 2014. №2. С.70-73.

5. Жўраев Н. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бош мақсади. // ЎзР Олий судининг ахборотномаси. 2015. №1. Б.2-4.

6.Исоқов Ҳ. Суд жараёнида адвокатлик этикаси. // -Т.: Адвокат. 2016. №4 -С 10-13

7. Исмаилов Б.И. Становление морально-этических стандартов государственной службы в зарубежных странах. Методическое пособие. /-Т.Центр повышения квалификации юристов.2017.-128.

8.Исмаилов Б.И. Формирование международной и национальных систем противодействия коррупции./-Т.ЦПКЮ.2017. -93с.

9.Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти. // Ҳуқуқ ва бурҷ. 2017. №6 Б.2-4

10. Кўчқаров Ш. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясида. Адлия органларнинг асосий вазифаларидан бири// Инсон ва қонун 2016.№11 -Б.28-30

11. Мамедов А. Этическая сторона деятельности адвоката. // Адвокат. 2015 №2. С. 37-38.
12. Матибаев Т. Демократик ислоҳотлар: уларни чукурлаштириш шароитида давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги. //Хуқуқ ва бурч. 2014. №7. Б.56-59
13. Махкамов О., Эрматов Ф., Мансабдор сохтакорлиги ёки хужжатларни қалбакилаштириш: солиқларни тўлашдан бўйин товлаш усули сифатида. // Адвокат. 2015 №1. Б. 28-30.
14. Ниёзов Ж. Юридик кадрлар; уларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш давлат ва жамият таракқиётининг муҳим шартлари. //Хуқуқ ва бурч. 2014. №7. Б.40-43
15. Очилов А. Юксак ҳуқуқий тафаккур орзу-умидларимиз рӯёбига хизмат қилади. // Хуқуқ ва бурч. 2014. №7. Б.7-9
16. Очилов Ф. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги айрим хорижий давлатлар ва миллий қонун хужжатларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017. №2 Б.10-13
17. Пирназаров А. Ахлоқсизлик жаҳолатга етакланади.//Хуқуқ ва бурч. 2014. №6. Б. 44-45
18. Пулатов Ю.С., Алимов Г.А. Квалификация и предупреждение коррупционных преступлений: Монография.-Т.: ЦПКЮ.2016.-148с.
19. Рахимов А. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартидир. // -Т.: Ҳуқуқ ва бурч. 2016 №8 –Б 32-35
20. Сайдов Б. Суд-ҳуқуқ тизими: уни ислоҳ қилиш одил судлов фаолиятини янада такомиллаштиришга замин яратади. // -Т.Нициқ va burch.2013.№ 9.Б.-52-55.
21. Сафаров Ж. Янги қонун, янги тамойиллар қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.// Ҳуқуқ ва бурч. 2014. №7. Б.26-28
22. Тожибоев М. Калонов И. Ички ишлар органлари ходимларининг маънавий-аҳлоқий фазилатлари. // Қалқон. 2017 №5 Б.38-39
23. Тоғаев Қ. Мустақил суд ҳокимияти – инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг кафолати. // Ҳуқуқ ва бурч. 2015 №5. Б.7-11.
24. Тоғоев Қ. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари.// -Т.:ЎР Олий судининг Ахборотномаси. 2016. № 5 –Б 10-12
25. Тўраев Ж. Мансабдорлик жиноятлари улар учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш тенденциялари. // Ҳуқуқ ва бурч. 2015 №3. Б.62-63.
26. Узақов Н. Суд этикаси кодекси лойиҳасининг асосий қоидалари// Олий хўжалик суди ахборотномаси 2011 йил 3-сон
27. Халмухamedов К., Назаров Ш. Тадбиркорлик субъектларини фаолиятини назорат қилишни эркинлаштириш: қонунчилик ва суд-ҳуқуқ амалиёти. // -Т.: Адвокат. 2016. №5 -Б 24-31
28. Хайдархонов Л. Суд тизими унда кадрлар сиёсатининг устувор йўналишлари. //Ҳуқуқ ва бурч. 2014. №3. Б. 54-55
29. Ҳамроқулов Б. Маънавий зарап уни қоплаш билан боғлиқ низоларни судловга тааллуклиги. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2014. №1. Б. 20-23
30. Худойбердиев Х. Тортишув тамойили одил судлов самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2014. №2. Б. 25-26
31. Холиқулов У. Қонун ижодкорлигига одиллик принципини таъминлаш. // -Т.: ЎР Олий судининг Ахборотномаси. 2016. № 3 –Б 18-20
32. Юрист касб этикаси – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2013.-896.

#### **Ү. Интернет манзиллари**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти: [www.parliament.gov.uz](http://www.parliament.gov.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: [www.senate.gov.uz](http://www.senate.gov.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти [www.ksu.uz](http://www.ksu.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: [www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди сайти: [www.economical-court.uz](http://www.economical-court.uz)
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: [www.minjust.uz](http://www.minjust.uz)
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази сайти: [www.uzmarkaz.uz](http://www.uzmarkaz.uz)

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: [www.mvd.uz](http://www.mvd.uz)
10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: [genprok.gov.uz](http://genprok.gov.uz)
11. Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: [www.nhrc.uz](http://www.nhrc.uz)
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: [www.ombudsman.uz](http://www.ombudsman.uz)
13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сайти: [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)
14. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: [www.un.org](http://www.un.org)
15. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти сайти: [www.osce.org](http://www.osce.org)
16. Европа Кенгаси сайти: [www.coe.int](http://www.coe.int)
17. Инсон хуқуқлари бўйича Европа суди сайти: [www.echr.coe.int](http://www.echr.coe.int)
18. Халқаро меҳнат ташкилоти сайти: [www.ilo.org](http://www.ilo.org)

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги 62-сонли**

**Карори бўйича  
ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Қандай ҳолатларда манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлади ?**

а) давлат хизматчиларининг шахсий касбий манфаатлари уларнинг муассаса вазифаларини ҳолисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади. Давлат хизматчиларининг муассаса манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади

б) давлат хизматчиларининг ойлавий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади

в) давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

г) давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳолисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади. Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

**2. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат хизматчилари кимни дарҳол хабардор қилиши керак ?**

- а) тегишли ҳуқуқни муҳофаза этувчи органни
- б) ўз раҳбарини
- в) одоб-ахлоқ комиссияси раҳбарини
- г) кадрлар бўлимини.

**3. Давлат хизматчиларининг қайси фаолият билан шуғулланиши тақиқланади ?**

- а) тижорат фаолияти билан
- б) сиёсий фаолият билан
- в) тадбиркорлик фаолияти билан
- г) даромад келтирувчи фаолият билан.

**4. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари ким томонидан қўриб чиқиласди ?**

- а) махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қўриб чиқиласди
- б) прокуратура органлари томонидан
- в) юқори турувчи ташкилот томонидан
- г) касб этикаси бўйича кенгаш томонидан

**5. Давлат хизматчилари хизматдан ташқари вақтда қандай хатти-харакатларга йўл қўймаслиги керак ?**

- а) махсус қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига ва баҳсли хатти-харакатларга йўл қўймаслиги керак
- б) умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-харакатларга
- в) касбий талаблар ҳамда юқори турувчи ташкилот томонидан ўрнатилган мейрларга
- г) шубҳали хатти-харакатларга ҳамда корпоратив талабларга

**6. Раҳбар кадрларни қайси белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш холатларига йўл қўймаслиги керак ?**

- а) гурухийлик, жисмоний кўрсатгичлари, саломатлиги ва мавқеи бўйича
- б) маҳаллийчилик, жинси, уруғ-аймоқчилик белгилари ва сиёсий қарашлари бўйича
- в) қариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича
- г) миллати, табакаси, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда касбий белгилари бўйича

**7. Давлат хизматчилари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва маҳфийлигини таъминлаш юзасидан қандай чораларни қўришлари шарт ?**

- а) керакли
- б) етарли
- в) тегишли
- г) барча

**8. Давлат хизматчиларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан нималар тақиқланади ?**

- а) бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш.
- б) биронта жисмоний ёки юридик шахслардан манфаатдор бўлиш.
- в) моддий ва номоддий бойликларни жамлаш, улардан фойдаланиш ҳамда муассаса манфаатларини инобатга олмаслик
- г) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари билан қариндошлик муносабатларига киришиш ҳамда ундан фойдаланиш

**9. Қандай сабаблар давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди ?**

- а) объектив ва фавқулотда ўзгаришлар, форс мажор ҳолати, сиёсий зарурат, иқтисодий вазият, мулкий шароит
- б) Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар.
- в) Рухий вазият, беморлик, ногиронлик, қаровчисини юқотиш
- г) Жиноий жавобгарликка тортилганлик, фавқулотдаги вазият, синов муддатини тўла ўтмаганлиги

**10. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қўриб чиқиши натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида**

- а) хулоса чиқарилади.
- б) текшириш ўтказади
- в) хизмат суриштирувани амалга оширади
- г) баённома тузади.

## **“Коррупцияга қарши халқаро-хуқуқий хужжатлар талабларини миллий қонунчиликка тадбиқ этилиши” ўқув курси бўйича казуслар**

### **Казус 1. Совға**

Мансабдор шахс “А”тўғилган кунини ўтказганда унга ходимлари “Б”, “С” ва “Д” 1 000 000 сумлик совға беришди. Бу ҳақдаги маълумот ташкилотнинг Одоб – аҳлоқ комиссиясида кўриб чиқилиб “А”га огоҳлантириш эълон қилинди. “А” комиссия харакатларидан норози бўлиб судга мурожаат қилди.

#### **Савол:**

1. Мансабдор шахс “А”нинг харакатлари комиссия томонидан тўғри кўриб чиқилганми ?
2. Мансабдор шахс томонидан совға олиш мумкинми ва унинг тартиби қандай ?

### **Казус 2. Тўйяна**

Мансабдор шахс “Б”тўғилган кунини ўтказганда қариндошлари “А” ва “С” томонидан 1 000 000 сумлик тўйяна беришди. Бу ҳақдаги маълумот ташкилотнинг Одоб – аҳлоқ комиссиясида кўриб чиқилиб “Б”га огоҳлантириш эълон қилинди. “Б” комиссия харакатларидан норози бўлиб судга мурожаат қилди.

#### **Савол:**

1. Мансабдор шахс “Б”нинг харакатлари комиссия томонидан тўғри кўриб чиқилганми ?
2. Мансабдор шахс томонидан тўйяна олиш мумкинми ва унинг тартиби қандай ?

### **Казус 3. Илтимос**

Мансабдор шахс “С” қариндошини ишга олиш тўғрисида илтимос билан бўйсунувидаги ташкилот раҳбарига илтимос қилди. Бу ҳақдаги маълумот ташкилотнинг Одоб – аҳлоқ комиссиясида кўриб чиқилиб “С”га огоҳлантириш эълон қилинди. “С” комиссия харакатларидан норози бўлиб судга мурожаат қилди.

#### **Савол:**

1. Мансабдор шахс “С”нинг харакатлари комиссия томонидан тўғри кўриб чиқилганми ?
2. Мансабдор шахс бўйсунувидаги ташкилот раҳбаридан илтимос қилиши мумкинми ?

### **Казус 4. Оқсаққол**

Маҳалла райиси “Г” фуқаро “Р” томинидан пора талаб қилганлиги учун туман суди ҳукмига кўра мансабдор шахс сифатида жиноий жавобгарликга тортилди. “Г” вилоят судига у мансабдор шахс эмаслиги ва шундан келиб чиқиб жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги мурожаат қилди.

#### **Савол:**

1. Маҳалла райиси мансабдор шахс ҳисобланадими ?
2. Мансабдор шахс тушунчаси миллий қонунчилигда қаерда берилган ?

### **Казус 5. Аноним**

Ташкилот “ишонч телефонига” аноним шахс томонидан мансабдор шахс “Л” томонидан пора талаб қилиниши тўғрисида маълумот тушади. Бу маълумот асосида ташкилотда хизмат текшируви ўтказилади. Унга кўра мансабдор шахс ишдан бўшатилади.

Мансабдор шахс “Л” уни асосиз аноним маълумот асосида ишдан бўшатилганлиги тўғрисида судга мурожаат қилади.

#### **Савол:**

1. Аноним шахслар томонидан берилган маълумот асосида хизмат текшируви ўтказилиши мумкинми ?
2. Фикрингизча суд нима қарорга келади ?

## **6. БМТ конвенцияси**

Судьяларнинг одоб-ахлоқи масалалари миллий хужжатлар билан тартибга солинмаган тақдирда, судьялар жамиятдаги одоб ва хулқ-авторнинг умумий тамойиллари, шунингдек халқаро ҳукуқнинг судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойилларига амал

қиладилар.

**Савол:**

1. Судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойиллари қайси хужжатларда белгиланган ?

2. Судьяларнинг одоб-ахлоқи масалаларини белгиловчи миллий ҳужжатлар ҳамда судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойиллари ўртасида тафовуд пайдо бўлса қайси хужжатларга устуворлик берилади ?

### **Казус 7. Партиядош**

Судья “К” “ОЛД” сиёсий ҳаракати йиғилишларида доимий иштирок этиб келди ва унинг фаолияти сиёсий ҳаракат раҳбарияти томонидан эътироф этилиб келди. Аммо маълум бир фуқаролик ишини қўришда аниқланадики иш сиёсий ҳаракати фаолияти билан боғлиқ.

**Савол:**

1. Судья сиёсий ҳаракатлар йиғилишларида доимий иштирок этиши мумкини ?

2. Судья фуқаролик ишини қўришда ўзини рад қилиши шартми ?

### **Казус 8. Мерос**

Судья “М”га тижорат ташкилотини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозларга мерос бўйича эга бўлди ва ташкилотнинг бошқарувида қатнашиб келди. Суд райиси буни билиб қимматли қоғозларни бошқаларнинг эгалигига ўтказишни тавсия қилди.

**Савол:**

1. Суд райисининг тавсияси асослими ?

2. Судья тижорат ташкилотини бошқаришда иштирок этиши мумкини ?

### **Казус 9. Қариндош**

Судья “Ж”нинг оила аъзоларидан бири ноқонуний даромадларни легаллаштирган учун жиной жавобгарликка тортилган. Судья оила аъзосининг мулк ва мулкий характердаги мажбуриятлар ҳақидаги маълумотга эга бўлмаган ва бу тўғрисида суд райисига маълумот бермаган. Шунга асосан судья интизомий жавобгарликка тортилган.

**Савол:**

1. Судья оила аъзоларининг мулк ҳуқуқи асосида уларга тегишли бўлган мол-мулк ва мулкий характердаги мажбуриятлар ҳақида маълумотга эга бўлиши шартми ?

2. Судья интизомий жавобгарликка тортилиши асослими ?

### **Казус 10. Прокурор**

Туман судьяси “Ф”, туман хокими ва туман прокурори ўринбосари доимий равища бир спорт клубига қатнашадилар. Туман суди райиси судьяга унинг ҳаракатлари одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмаслиги тўғрисида огоҳлантиради.

**Савол:**

1. Судьянинг туман хокими ва туман прокурори ўринбосари билан доимий равища бир спорт клубига қатнашиши унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўядиган ҳаракат сифатида баҳоланиши мумкини ?

2. Туман суди райисининг талаблари асослими ?

### **Казус 11. Жиян**

Сиз фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд судьяси. Сизнинг хотинингизнинг (эрингизнинг) жияни ўз хотинига жисмоний ҳужум қилганликда айбланмоқда. Сизнинг хотинингиз (эрингиз) жияни билан учрашиб “унинг фикрини эшитишни” ва унга маслаҳат беришингизни Сиздан илтимос қиласиди. Сиз жияни билан учрашганингизда, у жанжални ўз хотини бошлагани, у ўзини хотинидан ҳимоя қилганлигини тасдиқлашга уринади. У Сиздан ўзининг жиной ишини суда кўриш билан шуғулланадиган судья билан гаплашиб, мазкур вазиятни тушунтириб, унга ёрдам беришини илтимос қиласиди.

**Савол:**

1. Бундай вазиятда Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?
2. Жиянингизнинг иши бўйича судья билан боғланишингиз мумкин-ми?
3. Агар Сиз судья билан мазкур иш бўйича боғлансангиз, қандай этика принципларини бузишга йўл қўйган бўлардингиз?

### **Казус 12. Кечги овқат**

Сиз Тошкент шаҳрида ер участкасига (майдонига) нисбатан эгалик хукуқига оид фуқаролик ишини кўрмоқдасиз. Низо бир тадбиркор ва шаҳар маъмурияти ўртасида бормоқда. Тадбиркор ер майдонига нисбатан эгалик хукуқини ўз отасидан олганини ва у ерда уй-жой қурмоқчи эканлигини тасдиқлашга уринади. Шаҳар маъмурияти эса бошқа бир тадбиркор билан ҳамкорликда мазкур майдонда шаҳар бюджети учун фойда келтирадиган савдо объектини қўримоқчи эканлигини асослашга ҳаракат қиласди.

Сиз мазкур ишга оид қонун ва далилларни ўрганиб чиқаётган айни бир пайтда, Сизга шаҳар маъмуриятидан юқори лавозимдаги бир шахс қўнғироқ қилиб, Сизни ресторанга кечги овқатга таклиф қиласди. Сиз у ерга келганингизда, мансабдор шахс мазкур ишни муҳокама қилишга киришади, ва сизга бу майдонда қурилишга бўлган хукуқни қўлга киритиш шаҳар аҳолиси учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтиради. Кейин шаҳар маъмурияти қурилиш компанияси билан амалга ошироқчи бўлган қурилишга оид қўшма лойиҳанинг икр-чикирларини батафсил тасвирлаб беради. Мазкур тафсилотлар сиз танишиб чиқаётган ишга киритилмаган эди.

**Савол:**

Мазкур сұхбатга нисбатан Сизнинг муносабатингиз қандай бўлиши керак?

Кечги овқатга боришингиз шартмиди?

Бундай учрашув ва муҳокамага йўл қўйиш мумкин-ми? Агар мумкин бўлса, Сиз нима қилган бўлардингиз? Мазкур ишни қўришни давом эттирган бўлармидингиз?

Бу вазият қандай одоб-аҳлоқ тамойилларини бузилишига олиб келади?

### **Казус 13. Совға сертификати**

“Дом Омега” савдо марказидаги баҳтсиз ҳодисага оид ишни қўриш судья Мюррэйга топширилади. Суд мажлисида ишни қўришга бир ҳафта қолганида судъянинг вояга етган қизи “Дом Омега” савдо марказининг маҳсус мижози учун совға тариқасида жўнатган 500 долларли сертификатини почтадан қабул қилиб олади. У мазкур сертификатни ишлатиб, савдо марказида харид қилди.

**Савол:**

Бу воқеа судья Мюррэй учун қандай оқибатлар олиб келиши мумкин?

1. Ҳеч нарса бўлмайди, чунки сертификат унинг қизи учун оддий совға бўлган, ва у иш муҳокамасининг натижаларига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

2. Мазкур ишни қўришдан воз кечиш, яъни ўзини ўзи рад этиш керак, чунки совға сифатида берилган сертификат пора элементи ҳисобланади.

3. Судья Мюррэйнинг қизи совға сифатида юборилган сертификатни қайтариб бериши керак, судья эса тарафларнинг адвокатларини ва округ прокурорини мазкур воқеадан хабардор қилиши лозим.